- таълим олувчининг амалий топширикларга мувофиқ фаолиятини ташкил этиши, ишлаб чиқариш жараёнда вазифаларини мустакил равишда бажариш, касбий термин ва атамалар орқали ҳамкаслари билан мулоқот қилиш қобилияти, ҳар бир жараёнда шахсий ташаббускорлик, қатъият билан берилган вазифани сифатли амалга ошириш, бошқа ходимларга ишни ташкил этишида амалий ёрдам бербаолиш кўнікмасини мавжудлиги, ишга оид самародорликни белгиловчи янги лойиҳаларни тақдим этаолиши малакаси.

Ижодий компетенция блокларини яратиш ва уни кўрсатгичлари:

- қеративлик, илмий мобиллик, мавхумлаш қобилияти, турли соҳалар билан ижодий алоқаларини ўрнатиш ва уларнинг методикасидан фойдаланиш, фаолиятда ишлатаолиш лозим бўлган турли усул ва воситаларни қўллаш қобилияти, ижодий фаолият техникасини ўзлаштирганлиги, умумий ёндашувдан хусусийликка ўта олиш, назарий ва амалий билимларни бирлаштириш, мустакил равишда вазиятни баҳолаш ва натижаларни проғнозлаштириш қобилияти.

Мотивацион ва шахсий компетенция блокларини яратиш ва уни кўрсатгичлари:

- ўзининг шахсий ва касбий билимига ишониш, назарий ва амалий билмиларини тизимлаштириш, фаолиятда ўз-ўзини бошқариш, гурӯҳий ва жамоавий фаолиятни ташкил этиш кўнікмаси, доимий ўз-ўзини тарбиялаш, илмий-тажрибий тадқиқотга интилиш, ўз устида ишлаш ва ўз-ўзини касбий такомиллаштириш, фаолиятга танқидий ёндашиш қобилияти, ўз-ўзини таҳлил килиш малакаси, доимий касбий изланиш ва фаолиятда янги технологияларни қўллаш истаги.

Хуласа қилиб айтадиган бўлсак, ОТМ талабаларининг касбий ва ижодий компетенциясини шакллантириш жараёнда ўкув машғулотларини восита ва усуллари

хамда мазмунини тузатыши зарурдир.

Бунинг учун янгича мазмунни ва юкори натижани қайд этадиган илмий изла-нишлар олиб бориши, унинг натижалари таълим мазмунига сингдирилиши лозим. Педагогик жиҳатдан таълим олувчиларда касбий ва ижодий компетенцияни шакллантириш таълимнинг инновацион таркибий босқичга ўтишини ижобий дина-мика кўрсатгичи хисобланади.

Адабиётлар:

1. Власов В.В. Формирование профессиональной компетентности бакалавров-экономистов в гумани-тарном вузе средствами инновационных информационных технологий: автореф. дис. ... канд.пед. наук. М., 2012.
2. Зеер Э.Ф. Компетентностный подход к модернизации профессионального образования // Высшее образование в России. 2005. № 4. С. 23–30.
3. Компетенции в образовании: опыт проектирования: сб. науч. тр. / под ред. А.В. Хуторского. М.: Научно-внедренческое предп. «ИНЭК», 2007. С. 327.
4. Мамонтова Т.С. Формирование профессионально-методической компетентности будущего учителя математики в педвузе средствами курса «Теория и методика обучения математике»: автореф. дис. ... канд. пед. наук. Омск, 2009.
5. Пахтусова Н.А. Формирование профессиональной творческой компетенции будущих педагогов про-фессионального обучения в условиях вуза: дис. ... канд. пед. наук. Челябинск, 2011.
6. Перцева О.Ю. Формирование профессиональной компетентности будущих учителей технологии и предпринимательства: автореф. дис. ... канд. пед. наук. Новокузнецк, 2007.
7. Рассамагина Ф.А. Формирование профессионально значимых качеств студентов вуза естественно-научных специальностей при модернизации образования // Педагогическое образование в России. 2013. № 6. С. 74–76.
8. Рассамагина Ф.А. Формирование профессионально значимых качеств студентов вуза естественно-научных специальностей при модернизации образования // Педагогическое образование в России. 2013. № 6. С. 74–76.
9. Софьина В.Н. Развитие профессиональной компетентности специалиста в вузе и на производстве: монография. СПб.: ЛГУ им. А.С. Пушкина, 2005.
10. Тутолмин А.В. Динамика развития профессионально-творческой готовности студентов //Мир обра-зования – образование в мире. 2006. № 2. С. 93–103.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада ОТМларда таҳсил олувчи талабаларда касбий ва ижодий компетенцияларни шакллантиришнинг педагогик омиллари таҳлил этилган бўлиб, унинг фанлараро интеграцияси илмий жиҳатдан ёритилган, хамда бутунги илму-ған тарракқиети негизида яратилабтган технолоѓиялар ютуклиаридан фой-даланишда маънавий омилга эътибор каратиш, профессионал ва малакали кадр инсонга хос барча ахлоқий сифатларни ўзида мужассам этиши, рационал карашлар эмоционал ёндашувни жиловлаб туриши хамда касбий камолот жараённида ижодий ўзини-ўзи маънавий жиҳатдан ривожлантиришни педагогик омиллари хусусида сўз юритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируются педагогические факторы формирования профессиональных и творческих компетенций у студентов высших учебных заведений, научно освещается их междисциплинарная интеграция, а также духовный фактор использования технологических достижений, основанный на современном научном прогрессе, профессиональном и квалифицированном. Персонал. Педагогические факторы творче-ского самодуховного развития в процессе профессиональной зрелости, а также включение качеств, рацио-нального отношения и сдержанности эмоционального подхода.

SUMMARY

In the state analyzes pedagogical factors of formation of professional and creative competencies in high school students, scientifically improves interdisciplinary integration, as well as the spiritual factor of using the latest technological achievements, basic professional achievements, basic achievements. Staff. Pedagogical factors of creative self-spiritual development in the process of professional maturity, as well as the inclusion of qualities, rational attitude and restraint of the emotional approach.

ЎЗБЕКИСТОНДА ПЕДАГОГИК КОНФЛИКТОЛОГИЯ МУАММОЛАРИНИ ЎРГАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Умарова З.А.

ТВЧДПИ, “Бошлангич таълим методикаси” кафедраси ўқитувчиси

Таянич сўзлар: Ўзбекистон, педагогика, конфликтология, муаммо, тенденция, таълим, билим, кўнинка, компетенция.

Ключевые слова: Узбекистан, педагогика, конфликтология, проблема, тенденция, образование, знания, умения, компетенция.

Key words: Uzbekistan, pedagogy, conflictology, problem, trend, education, knowledge, skills, competence.

Ўзбекистонда педагогик туркумдаги фанларни ўқитиш ва уларга оид муаммоларни тадқиқ этиш замонавий талаблар асосида олиб борилмоқда. Шу маънода педагогик конфликтология муаммоларини тадқиқ этиш янги йўналиш ҳисобланади [1]. Бу ўринда эътиборингизни Республикада педагогик конфликтология муаммоларини ўрганиш тенденциялари таҳлилига тортамиз.

Аввало таъкидлаш лозимки, бундан 20 йил аввал мамлакатда конфликтология муаммоларини ўрганиш бошланди. Бунда сиёсатшунос олимлар Р.Жумаев ва Б. Ўстанов умумий конфликтология муаммоларига оид монографик тадқиқотни эълон қилишди [2]. Бу тадқиқотда хорижлик олимларнинг Конфликтология асосларига доир ёндашувлари таҳлил килиб берилган.

Филология фанлари доктори Г.Тўйчиева ва педагогик олима Э.Асадова ёшлар ва конфликтология муаммоларини тадқиқ этишиди [3]. Бу тадқиқотда ёшлар орасида учрайдиган ижтимоий ва педагогик характердаги конфликтлар турлари ҳамда кўринишлари таҳлил қилинган.

Педагогика фанлари номзоди, доцент М.Ахмедова илк бор “Педагогик конфликтология” ўкув кўлланмасини яратди [4]. Ўкув кўлланма олий педагогика ўкув юртлари талабалари учун мўлжалланган бўлиб, у махсус Дастур асосида яратилган ва ўкув кўлланма педагогик конфликтология асослари, методологияси ҳамда методлари таҳлилига бағишиланган. Шу жиҳатдан мазкур ўкув кўлланмадан ҳозирги кунда Ўзбекистон олий педагогик таълим муассасаларида асосий адабиёт сифатида фойдалланиб келинмоқда.

Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институти ўқитувчиси З.Умарова томонидан “Бошлангич синф ўкувчиларида педагогик конфликтларни бартараф этиш” монографик тадқиқоти эълон қилинди [5]. Тадқиқотда илк бор бошлангич синф ўкувчиларида учрайдиган педагогик конфликтларнинг турлари, кўринигшлари, шакллари ва хусусиятлари тадқиқ этилиб, уларни бартараф этишининг компьютерли технологияси ишлаб чиқилган.

Эътибор берилса, Ўзбекистонда педагогик конфликтлар муаммоларини ўрганиш янги йўналиш бўлиб, бу борада иқтидорли ёшлар илмий-тадқиқот ишларини бошлашган. Бундай тадқиқотлар натижасида таълим ва тарбия жараёнида учрайдиган педагогик конфликтларни ўз вақтида аниқлаш, классификация қилиш ва уларни бартараф этиш йўналишларини белгилаш бўйича ишланмалар ишлаб чиқилишига умид бор.

Ўзбекистонда педагогик конфликтлар муаммоларини тадқиқ этишда қуйидаги тенденциялар кўзга ташланади:

- педагогик конфликтологияга доир хорижлик олимларнинг тадқиқотларини чукур ўрганиш;
- педагогик конфликтларнинг тарихини тадқиқ этиш;
- педагогик конфликтларни ўрганишнинг методологиясини ишлаб чиқиши;
- таълим ва тарбия жараённида бевосита учрайдиган педагогик конфликтларни ўрганиш, аниқлаш, классификация қилиш ва уларни бартараф этиши технологияларини яратиш;
- педагогик конфликтогенларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва улар бўйича мониторинг ўрнатиш;
- амалга оширилаётган илмий-тадқиқотларнинг асосий хуносаларини амалиётта жорий этиши.

Бу тенденциялар ўзига хос йўналишларга эга бўлиб, улар педагог, социолог ва политолог олимлар томонидан тадқиқ этилмоқда. Шу сабабли педагогик конфликтология муаммоларини тадқиқ этиши Янги Ўзбекистон шароитида устувор йўналишлардан бирига айланаб бормоқда.

Бизнинг педагогик конфликтология муаммоларини тадқик этишдаги кизиқимизнинг асосий йўналишини педагогик конфликтология тарихи ташкил этади. Бу борада дастлабки уринишлар амалга оширилиб, Ўрта асрларда ўтган мутафаккирларнинг меросида ифодаланган педагогик конфликтларнинг турлари, таркиби ва хусусиятлари таҳлил этилмоқда. Мисол учун, қадимги китобимиз “Авесто”да эзгулик ва ёвузлик конфликти чукур таҳлил этилган бўлиб, унда Эзгуликнинг тантанаси эзгу ният, эзгу фикр ҳамда эзга фаолият тамоилларида эканлиги кўрсатиб берилган [6]. Демак, Ўзбекистон, жумладан, Марказий Осий халқлари педагогик меросида конфликтология муаммоси жуда қадимдан таҳлил этилиб келинаётганлигига дуч келамиз. Эътибор берилса, “Авесто” концепциясида педагогик конфликтларни бартараф этишда компромисс йўли таъкидланади. Чунки эзгу ниятли, эзгу фикрли ва эзгу фаолиятли шахс конфликтлар шароитида келишувчанликка боради. Шу маънода бундай педагогик манбаларни ўрганиши мухим аҳамиятга эга.

Бу борада яна соҳибкiron Амир Темурнинг (XIV аср) ёндашувини ҳам эслаби үтиш жоиз. У “Тузуклар” асарида ёзади: “Мен дўсту душман билан муросаю - мадора қилдим” [7]. Дўстга муроса килиш маълум, лекин душманга қандай муроса килинади? Душман билан келишиш муроса хисобланади. Демак, Амир Темур ҳам конфликтология ҳодисасини бартараф этишда компромисс йўли тарафдори бўлган. Шу сабаби бундай манбаларни тадқиқ этиши педагогик конфликтология нуктаи назаридан жуда қизиқарлиди.

Эътибор берилса, педагогик манбаларни ўрганиш ва уларни таҳлил этиши педагогик конфликтология илмий-тадқиқотчилигига мухим ўрин тутади. Шу сабабли биз хорижлик ҳамкасларимизни, жумладан, қозогистонлик ҳамкасларимизни педагогик конфликтология манбаларини ўрганиш ишида ҳамкорликка таклиф этамиз.

Россиялик конфликтшунос олимай.В.Никулина педагогик конфликтларнинг ижобий хусусиятларини ҳам таъкидлаб ўтади [8]. Ҳакиқатдан ҳам педагогик конфликтлар таълим ва тарбия жараённига жўшқинлик, тезкорлик ҳамда ҳамкорлик тенденцияларини беради. Шу сабабли Ўзбекистонда педагогик конфликтология муаммоларини тадқиқ этишда ана шундай хусусиятларга ҳам эътибор бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай ёндашув ўзига хос тенденцияни келтириб чиқаради.

Педагогик конфликтология муаммоларини Ўзбекистонда тадқиқ этиши ва

ўрганишнинг асосий мақсади таълим ва тарбиянинг сифат самарадорлигига эришиш йўлларини ишлаб чиқицдан иборат. Бизнинг хуносамизга кўра, педагогик конфликтлар кўйидаги хусусиятларга эга бўлади:

- муддатли ва маконда рўй беради;
- педагогик конфликтларда ўзаро душманлик рухи бўлмайди;
- педагогик конфликтлар иштироқчиларни фаол бўлишга, изланишга ва амалий ҳаракат килишга давъват этади;
- педагогик конфликтларни бартараф этиш билан таълим ва тарбия жараённида янгиланиш ёки ўзгишга эришилади.

Бундай ёндашув педагогик конфликтология муаммоларини аниқ ва тўғри тадқик этишига олиб келади.

Бундан ташқари, бизнинг ёндашувимизга кўра, педагогик конфликтларни COVID-19 каби мураккаб шароитларда бартараф этиш технологияларини ишлаб чиқиш ҳам зарурят бўлиб турибди. Чунки бундай шароитларда таълим ахборот –коммуникацион воситаларга таянган ҳолда амалга оширилиши тажрибадан ўтди. Шу сабабли ўқитишининг масофавий таълим каби шаклларида фойдаланиладиган технологияларини яратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу борада илмий ва амалий мутахассисларнинг ҳамкорлигига, хорижлик ҳамкасбларнинг тажрибаларига ҳамда илмий– ўкув марказларининг имкониятларига таяниш кутилган самарани беради. Айнан бундай ёндашув педагогик конфликтларни бартараф этиб боришининг янги ва замонавий технологияларини яратиш ҳамда амалиётга жорий этишга олиб келади.

Шундай килиб бугунги Ўзбекистонда педагогик конфликтлар ўзига хос тарзда тадқиқ этилмоқда. Биз бу жараён билан хорижлик ҳамкасбларимизнинг ҳабардор бўлиб боришини ва улар билан ҳамкорлик килишни истаймиз. Шу сабабли бизнингча, бу борада хорижлик ҳамкасблар билан вебинар тадқиқот Лойиҳалари ёки Дастурларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Асосий мақсадимиз таълим ва тарбия жараёнини умуминсоний тажрибалар асосида кучайтиришдан иборат.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сонли “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. // www.lex.uz.
2. Жумаев Р., Ўтанов Б. Конфликтология асослари. -Т.: “Академия” 2015.
3. Тўйчиева Г., Асадова Э. Ёшлар ва конфликтлар сичими. -Т.: ТДПУ. 2003.
4. Ахмедова М. Педагогик конфликтология. -Т.: ТДПУ. 2017.
5. Умарова З. Бошлиғнич синф ўқувчиларида педагогик конфликтларни бартараф этиш. – Т.: “Ишончли ҳамкор”. 2021.
6. Авесто. М.Исҳоков таржимаси. – Т.: “Фан”. 2001.
7. Амир Темур. Тузуклар. -Т.: “Ўзбекистон”. 2010.
8. Никулина И.В. Педагогическая конфликтология. – Самара. : “Самарский университет”. 2016.

РЕЗЮМЕ

Маколада Ўзбекистонда педагогик конфликтология муаммоларини ўрганиш тенденциялари таҳлил этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируются тенденции изучения педагогической конфликтологии в Узбекистане.

SUMMARY

The article analyzes the trends in the study of pedagogical conflictology in Uzbekistan.

БҮЛЛАЖАК ТАРИХ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ПЕДАГОГИК КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР

Тоштемирова С.А.

Чирчиқ давлат педагогика институти доценти, н.ф.ф.д. (PhD)

Таянч сўзлар: компетенция, касбий компетентлик, инновация, интеграция, инновацион ёндашувлар, маҳорат, умумий кобилият, фаолияти ёндашув, фан, таълим, ишлаб чиқариш ва жамият интеграцияси, рақобат, мотивация, педагогик салоҳият, моделлаштириш, ностандарт фикрлаш.

Ключевые слова: компетенция, профессиональная компетенция, инновации, интеграция, инновационные подходы, навыки, общие способности, proactiveный подход, наука, образование, интеграция производства и общества, конкуренция, мотивация, педагогический потенциал, моделирование, нестандартное мышление.

Key words: competence, professional competence, innovation, integration, innovative approaches, skills, general abilities, proactive approach, science, education, integration of production and society, competition, motivation, pedagogical potential, modeling, thinking outside the box.

Дунё таълим тизимида таълимни ривожлантириш бўйича кўплаб тадқиқотлар, лойихалар олиб борилмоқда, айниска педагогик касбий тайёргарликнинг барча компонентларини ривожлантиришга катта аҳамият қаратилмоқда. Мамлакатимизда ҳам педагогик касбий компетенцияларни ривожлантириш механизmlарини такомиллаштириш мақсадида таълим муассасаларида замонавий моддий техник база яратилган ҳамда инновацион таълим дастурлари ишлаб чиқилган. Амалга оширилаётган кўплаб ислоҳотларда демократик тамойиллар асосидаги фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараённида олий таълим тизими таълим олувчиларининг муайян мутахассислик бўйича касбий тайёргарлик сифатини оширишда педагогларнинг касбий компетенцияларини янада такомиллаштириш зарурати таъкидлаб ўтилган[1]. Бозор муносабатлари шароитида меҳнат бозорида устувор ўрин эгаллаган кучли рақобатга бардошли бўлиш ҳар бир мутахассисдан касбий компетентликка эга бўлиш, уни изчил равишда ошириб бориши зарурлигини кўрсатмоқда. Бу вазифаларни амалга оширишда таълим контекстида кўп боскичли узвийлик, узлуксизлик ва изчиллик тамойилларига асосланган самарали инновацион моделларни яратиш, педагогларнинг касбий компетенцияларини ривожлантиришни тақозо килмоқда.

Республикамиз олимларидан Л.Ахмедова, У.Бегимкулов, Н.Муслимов, Б.Рахимов, Н.Тайлоков, Ш.Шарипов ва бошқалар таълим соҳасида ижтимоий-педагогик, акмеологик масалаларга доир илмий тадқиқотлар олиб борган ва бу тадқиқотларда бевосита муайян йўналишлардаги мутахассисларнинг касбий компетенцияларини такомиллаштириш масалалари келтириб ўтилган. Шунингдек, педагогнинг касбий маҳоратини такомиллаштириш масалалари педагог олимлар Ҳ.Абдукаримов, Н.Азизхўжаева, А.Алиев, Ю.Ахроров, А.Вербицкий, Р.Жўраев, Б.Жўраева, Ж.Йўлдошев, С.Маркова, Г.Махмутова, А.Ҳамидов, Ф.Юзликаевларнинг ишларида ҳам тадқиқ этилган.

Мустакил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларида В.Байденко, А.Залевская, Э.Зеер, И.Зимняя, О.Поляков каби олимларнинг илмий тадқиқотларида касбий компетенцияларни шакллантириш ва такомиллаштириш усулларини турли жараёнларда таҳлил килиш ва тизимлаштириш масалалари кўриб чиқилган.

Бирор инновацион ёндашувлар асосида олий таълим муассасалари бўлажак тарих ўқитувчиларининг касбий-педагогик компетентлигини ривожлантиришининг инте-

тратив мазмуни ва методик шарт-шароитларининг ишлаб чиқилмаганлиги мазкур йўналишда янада кўпроқ илмий изланишлар олиб боришини тақозо этади.

Олий таълим муассасаларидаги ўкув-тарбия жараёнини модернизациялаш, тарих фанларини ўқитишида, мутахассислар тайёрлаш тизими сифат даражасини оширишда ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш, уларни соҳага оид замонавий касбий билим, малака ва кўнкималар билан қуроллантириш, илмий-техник инновациялардан мустакил равишида, ижодий фойдаланиш ҳамда истиқболли вазифаларни ҳал қила олиш кўнкималарини ривожлантириш муҳим вазифалардан саналади. Психологик нуқтаи назардан қаралганда компетентлик “ноанъанавий вазиятлар, кутилмаган ҳолатларда мутахассиснинг ўзини қандай тутиши, мулоқотга киришиши, ракиблар билан ўзаро муносабатларда янги йўл тутиши, ноаник вазифаларни бажаришида, зиддиятларга тўла маълумотлардан фойдаланишида, изчил ривожланиб борувчи ва мураккаб жараёнларда ҳаракатланиш режасига эгалик”ни англатади. Юкоридаги фикрлардан келиб чиқкан ҳолда компетентлик бу инсоннинг мавжуд билим ва ҳаётий тажрибаларга таянган ҳолда маълум бир муаммони ҳал этишга доир иқтидори, деган хуносага келиш мумкин. Олий таълим муассасаларидаги ўкув жараёнига инновацияларни татбиқ этишдаги муҳим компонент – ўқитувчи ва унинг касбий компетентлиги ҳамда инновацион фаоллиги ҳисобланади. Касбий компетентлик тушунчасига нисбатан илмий доирада турли муносабатлар илгари сурилади. У меҳнат субъектига нисбатан аниқ фаолият талаблари ёки айнан субъектнинг аниқ фаолиятнинг ўзига хос жиҳатларига нисбатан муносабатини тавсифловчи хусусият сифатида кўлланилади[2]. Масалан, тадқиқотчи олим Э.Ф.Зеер касбий компетентликнинг вазифавий ривожланишини тадқиқ килиш касбий камолотга эришиш чоғида компетентликнинг турли кўринишлари интеграциялашиб боришини ва уларнинг касбий жиҳатдан муҳим шахс сифатлари билан алоқаси кучайиб боришини кўрсатади[3]. Хусусан, касбий компетентликнинг асосий даражаларига касбий тайёргарлик ва тажриба, ўзини-ўзи англаш, ўз кучига ишониш, ўзга инсонлар томонидан кўрсатилган камчилликларни тўғри қабул килиш ва шу каби бошқа касбий камолотни белгилаб берувчи шахс хусусиятларини киритади. Юкорида қайд этилган фикрларни таҳлили бўлажак тарих фанларини ўқитиши мутахассисларининг касбий компетентлигини шахсий, ижтимоий, креатив, методик, диагностик, коммуникатив, конструктив, экстремал, мотивацион каби қатор ўзига хос хусусиятлар мажмуаси сифатида тўлиқ изохланишига имкон беради[5].

Касбий компетентликда бўлажак тарих фанларини ўқитиши мутахассиси томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўнкимка ва малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юкори даражада кўллай олиниши назарда тутилади. Бу тушунча бўйича турлича таъриф ва ёндашувлар мавжуд. Н.М.Муслимовнинг фикрига кўра, “компетентлик” (ингл. “competence” – “қобилият”) – фаолиятда назарий билимлардан самарали фойдаланиш, юкори даражадаги касбий малака, маҳорат ва иқтидорни намоён эта олишини ифодалайди[6]. В.И.Андреевнинг фикрича, компетенция маълум ўкув, касбий ва бошқа мажмуавий масалаларни ҳал қилишда намоён бўлувчи, ривожланиб борувчи интеграл кўрсаткичлар бўлиб, у шахснинг ижобий мотивация, билим, маҳорат, иқтидор ва ижодий фаолият тажрибасини ўз ичига олувчи тайёргарлик даражасидир[7]. Н.В.Тарасова компетенция тушунчасини муаммони ҳал этишга қаратилган билим ва вазият, билим ва ҳаракат ўртасида алоқадорликни таъминлаш имконини берувчи билим, кадриялар ва идрокка асосланган умумий қобилият сифатида талқин этади[8].

Бўлажак педагог-ўқитувчиларнинг касбий компетенцияларини янада такомилаштириш бу йўналишга нисбатан янги инновацион ёндашувларни, замонавий таълим парадигмаларини татбиқ этишини талаб этади. Таълимда инновацион ёндашувларни жорий этиши давлат таълим стандартларида келтирилган таянч ва умумифан компетенцияларни шакллантириш, ўкув-билив жараёнларини самараали ташкил этишининг янги технологиялари ва шаклларидан фойдаланишни назарда тутади. Бу эса тарих таълим мининг назарий ёндашувлар билан бирга амалий - фаолиятли ёндашувни, яъни олингандан назарий билимларнинг амалий эҳтиёжлари билан бирлаштириш зарурати билан боғлиқ жараёндир. Тарих таълимида интеграция масаласи янги ходиса эмас, мамлакатимизда нафакат тарих таълимида, балки барча соҳада назарий асослар етарли бўлиши билан бирга, талайгина амалий ишлар ҳам мавжуд. Аввало, кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳам “таълим, фан ва ишлаб чиқариш самараали интеграциялашувини таъминлаш, тайёрланаётган кадрларнинг миқдори ва сифатига нисбатан давлатнинг талабларини, шунингдек, нодавлат тузилмалари, корхоналар ва ташкилотларнинг буюртмаларини шакллантиришнинг механизмларини ишлаб чиқиш”[9], вазифалари белгилаб қўйилган. Таълим тизимини модернизациялаш шароитида уни интеграциялаш инновацион парадигма хисобланиб, таълим турлари ва таълим жараёнидаги педагогларнинг ўзаро ҳамкорлиги, таълим олувчиларга берилилган назарий билимларни амалий фаолиятларда кўллай олиш кўнникамаларини такомилаштиришга каратилган ёндашувлар доирасида ижодий, ракобатбардош шахсни шакллантириш мумкин.

Юқорида келтирилган таълимдаги инновацион парадигма назария ва амалиёт уйғулигида кечадиган ҳамда сон ва сифат ўзгаришларига олиб келувчи, муайян мақсадга йўналирилган таълим билан боғлиқ субъектларнинг фаолият тизими кўринишида кечади. Ҳар қандай инновация ташаббус маҳсули бўлиб, у таълим сифати ва мазмунини ривожлантиришга қаратиласди, умуман олганда инновациялар ривожлантириш тамойилига асосланиши зарур бўлади. Таълим тизимидағи инновацияларнинг асоси тизимга бўлган ижтимоий муносабатлар эканини хисобга олиш зарур. Хусусан, олий таълим муассасаларига факатгина муайян соҳадаги кадрлар тайёрлаш муассасалари сифатида эмас, балки илмий гоялар ва лойиҳаларни тўпловчи, улардан ижтимоий маҳсулот яратувчи ва технологиялар барпо этувчи муассаса сифатида қараш ҳам лозим. Бунда олий таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган педагог-ўқитувчиларнинг меҳнат натижадорлигини ошириш, уларнинг факатгина таълим беришдан иборат фаолиятларини иктидорли ёшларни долзарб илмий-техникавий муаммоларни ҳал қилишга жалб қилиш томон буриш мақсадгага мувофиқ бўлади. Бу, ўз навбатида, олий таълим тизимиning инновацион фаолияти ва жамият билан боғлиқ интеграциясини оширишга хизмат қиласди.

Бугунги кунда ривожланниб бораётган таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг жамият билан интеграцияси аҳамиятининг тобора ортиши ва заруратининг кучайиши кўйидаги сабаблар билан изоҳланади:

- глобаллашув жараёнининг таълим, фан ва ишлаб чиқариш муносабатларига таъсирининг ортиши;
- илмий ишланмана ва натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий қилиш муддатларининг кескин кирсакариши;
- илмий тадқиқот соҳасида ўзаро ракобатнинг кучайиб бораётганлиги;
- ишлаб чиқариш соҳасида ўзаро ракобатнинг кучайиб бораётганлиги;
- фан ва ишлаб чиқариш соҳаларида самарадорликнинг асоси кадрлар салоҳиятига боғлиқлигининг тобора кучайиб бораётганлиги;

- илмий ишланмалар, тадқиқот натижаларининг тез фурсатда аҳамиятининг йүқолиши;
- интеграциядан барча субъектларнинг бирдей манбаатдор бўлиши[9].

Таълим, фан, ишлаб чиқариш ва жамият интеграциясида таълим тизимининг аҳамияти амалиётчиларнинг билими ва малакасига боғлик. Илм-фан ютуклари бу борада амалиётчиларнинг билими ва малакасига янгидан-янги талаблар кўймоқда. Бу жараён, албатта, таълим тизимини ҳам доимо ўзгариши ва такомиллашиши зарурлигини кўрсатади. Ушбу ўзгаришларнинг пировард натижаси педагогнинг касбий компетентлигига намоён бўлади. Педагог касбий компетенцияларининг жамият хаётидаги аҳамияти тобора ортиб, чукӯрлашиб бормоқда. Эндилиқда амалиётда орттирилган билим ва кўнікмалар инсоннинг бу борадаги эҳтиёжларини тўла қондиролмай қолди. Янгидан-янги билим ва кўнікмаларга, уларнинг амалиёт билан муносабатида ўз мустақил ўрнига эга бўлиш ишлаб чиқаришнинг исталган шаклида фаолият олиб бораётган кадрлар учун фундаментал аҳамиятга айланиб бормоқда. Ҳар кандай соҳада самараорликка эришишининг шарти кадрлар салоҳиятига тобора боғлик бўлиб бормоқда. Бу эса таълим ва ишлаб чиқариш орасидаги масофани тобора қисқартирум оқида, таълимни иқтисодий фаолиятнинг зарурий таркибий қисмига айлантирум оқида.

Илм-фан, ишлаб чиқариш ва таълим альянсининг замонавий устувор йўналишларидан бири, шубҳасиз, кластер ёндашувиdir. Бундай ёндашув, нафакат ишлаб чиқариш харажатлари, балки логистика ва бозор харажатларини ҳам камайтириш, инсон ресурсларидан оқилона фойдаланиш имконини беради. Кластер назарияси, муайян фаолият турларининг минтакавий таълим кампусида жамланиши бўлиб, ўша соҳанинг самарали ишлаши учун куляй шароитлар яратади. Таълим, фан, ишлаб чиқариш ва жамият интеграциясининг шундай кластерлари ташкил қилинган тақдирда, ушбу усул кўп йиллар давомида ривожланишининг устувор йўналишини беради. Кластернинг муваффакияти ривожланиши учун ишлаб чиқариш корхоналари, муайян таълим муассасалари, хокимият ва бошқа вакиллик органларининг (молия муассасалари, таълим муассасалари, маданият муассасалари ва х.к.) қатъий тараққиёт стратегияси, иш берувчининг манбаатларини мустаҳкамлаш имконини берадиган дастури бўлиши лозим. Кластер ёндашуви аниқ ҳудуд кесимидағи муайян соҳанинг ўзига хослигини кўриб чиқиш ва тавсифлаш имконини беради. Шуни таъкидлаш керакки, кластер иштирокчилари бир-бири билан ўзаро боғликликда бўлгани учун айрим кластер таркибий қисмларининг ноанни ишлаши бошқа кластер қисмлари динамикасининг салбий ишлашига турткি бўлиши мумкин. Таълим, фан, ишлаб чиқариш ва жамият интеграциясини самарали амалга ошириш учун педагогик салоҳият, инновацион мухит, инновацион таълим, таълим кампуслари ҳамда технопарклар мухим ҳисобланади. Ушбу компонентларда кадрлар тайёрлашда илмий-педагогик салоҳиятнинг ўрни, ривожланиши тамойилига асосланганлик, замонавийлик, янгиланиш, моделлаштириш, назария ва амалиёт уйғулуги каби интеграция жараённи учун мухим бўлган жиҳатлар ўз аксини топган[10].

Интеграциялашув жараённада мазкур соҳалар таълим, фан ва ишлаб чиқариш кетма-кетлигига бўлиши ва бунга нисбатан табиий ҳол сифатида қаралиши лозим. Соҳаларнинг бу муносабатида ҳам маълум даражада тараққиёт кузатилиди, аммо буни замон талабларига мос, рақобатбардоши ишлаб чиқариш муносабатлари, дея олмаймиз. Интеграция таъминланиши учун ишлаб чиқариш таълим ва фанга, таълим эса, ўз навбатида, фанга истемъолчи муносабатида бўлиши илмий мантиқка мос келади. Бу эса интеграциялашган муносабатда илмий-педагогик салоҳият компонен-

тининг даражаси – фан ва таълим соҳасида ишлаб чиқариш соҳа вакилларига нисбатан илмий салоҳиятининг устунлигини белгилайди.

Кластерли ёндашув инновацион мухитни талаб килади, у эса назария ва амалиёт интеграциясида мухим ахамиятга эга бўлиб, ўзида инновацияларни жорий килиш билан боғлиқ шарт-шароитлар, меъёрий-хукуқий асослар, бу борадаги давлат сиёсати ва инновацияларга нисбатан қараш ҳамда муносабатларни бирлаштиради. Инновацион таълим эса мавжуд ўқитиш усусларига нисбатан янгида ёндашув ва усусларни жорий қилиш билан юзага келади ҳамда бўлажак ўқитувчиларининг ижодий салоҳиятини ошириш ва талабаларда интеллектуал салоҳиятини шакллантиришга хизмат қилади. Инновацион мухит ва инновацион таълим, пировардида, жамият ижтимоий-иктисодий тараққиётини ривожлантиради. Олий таълим муассасаларида мавжуд ўкув фанларини ўқитишида таълим самарадорлигини ошириш ва унинг натижасини белгилаб берувчи юкори кўрсаткичларга эга таълим олувчиларни таъминлаш бўйича назарий ва амалий асосларни тақдим қилиш мақсадга мувофиқ. Айнан шу мақсадни амалга оширишда юкорида интеграцияга берилган тавсифларни кўллаб-куватлабган холда, тарих таълимида юкори кўрсаткичга эга мутахассисларни таъминлаш учун ўкув жараёнларини курслароро, фанлароро, бўлим ва мавзулароро назария ва амалиётнинг интеграллашган усусларида олиб бориш самарали усул эканлигини таъкидлаб ўтиш мумкин.

Тарих таълими контекстида таълим турлари ўртасидаги интеграцияни такомиллаштириш ҳам бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-педагогик компетентлигини рақобат майдонида янада ривожланишига туртки бўлади. Бунда минтақавий олий, умумий ўрта, ўрта маҳсус, профессионал таълим муассасалари, маҳсус билим юртлари ва бошқа субъектларни ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш, инновацион тажрибаларни оммалаштириш, ўзаро тажриба алмашиш, олий таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари илмий салоҳиятидан таълим сифати самарадорлигини оширишда кенг фойдаланиш бўлажак тарих фанлари педагог-ўқитувчиларини таъминлашда фойдали механизм хисобланади. Бу бўлажак мутахассисларни тарих фанларини ўқитиши сифатини оширишга қаратилган инновацион моделларни ишлаб чиқиши ва татбиқ этишида намоён бўлади. Таълим олувчи олган билимларини амалий жараёнларда кўллай олиши орқали таълим олувчи ички дунёси билан жамият ўртасидаги мухим компетенциялар шаклланана бошлади. Бундай таълим турлари ва таълим мазмуни интеграцияси натижасида шаклланган компетенциялар шахснинг кейинги фаолиятида учрайдиган муаммоларни бартараф этишида, касбнинг тури соҳаларига тайёр бўлишга, умуман олганда касбий-педагогик компетентлигини ривожлантиришга ёрдам беради.

Ўкув жараёнларини интеграцион ёндашув асосида олиб боришнинг қуидаги муваффақиятили томонларини келтириб ўтиш мумкин:

- интеграцион ёндашувдаги ўкув жараёнларида таълим олувчи табиатни бутун, яхлит холда тасаввур этади;
- таълим олувчи имкониятлари ортиб, у мантикий фикрлайди, мавжуд ходисалар, сабаблар ва уларнинг счимлари бўйича мустакил мушоҳада юритади, натижада унинг мулоқот, таққослаш, киёслаш, умумлаштириш ва хулоса чиқариш қобилиятлари, ностандарт фикрлаш даражаси ривожланади;
- бундай ўкув жараёнларида педагогнинг касбий компетентлик даражалари ортади.

Демак, ўкув жараёнларини инновацион-интеграцион асосда ташкил этиши нафакат таълим сифатини, таълим олувчилар дунёкарашини ҳам ҳар томонлама ривожланишини кафолатлайди. Интеграцион ўкув жараёнларини олиб бориша

биринчи навбатда, таълим олувчига курслараро, фанлараро, бўлим ва мавзулараро боғлиқликни етказиб бериш мақсадга мувофиқ, акс ҳолда таълим олувчи идрок қиласмаган интеграция давомида тушунмовчиликка дуч келиши, мавхум ҳолатга тушиб колиши, жараён охирида ҳам нотўғри хулоса тақдим килиши мумкин.

Таълим турлариаро компетенциявий талаабларни ишлаб чиқиши ва жорий этилишида таълим жараёни интеграцияси кластер ёндашуви асосида ташкил этиши самарали натижалар беради. Таълим самардорлигини оширишда педагоглар билимини такомиллаштириш, таълим олувчилар қобилиятини аниглаш ва ривожлантириш тавсия этилади.

Шундай килиб таълим тизимидағи интеграция жараёни нафақат педагог ўқитувчининг қасбий-педагогик компетентлигини ривожлантиришда, балки ҳар бир субъектнинг қўйидаги мақсадларга эришишига имкон беради:

- таълимга янгича инновацион ёндашувларни ишлаб чиқариш ва татбиқ этишда бундан манфаатдор бўлган барча ҳамкорлар имкониятларидан фойдаланган ҳолда ўз мақейини янада ошириш;
- умумий мақсадлардан келиб чиқсан ҳолда, хусусий мақсадларига эришиш учун ҳамкорлардаги мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш имкониятига эга бўлиш.

Бу билан субъектларнинг ҳар бири алоҳида ва умумий мақсад атрофида бирлашиб, факат ўз самародорлигини оширишдангина эмас, шунингдек, бошқа субъектларнинг ҳам юқори самарага эришишидан манфаатдор бўлади.

Юқоридаги назарий асослардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бўлажак ўқитувчининг қасбий-педагогик компетентлигини ривожлантириш инновацион-интеграцион ёндашувлар асосидаги жараён бўлиб, бунда педагогик ва технологик жараёнлар такомиллаштирилиб борилиши зарур. Бу фаолият ўзида назарий ва амалий фаолият интеграцияси асосидаги ўқитишининг қўйидаги ўзига хос методларини қамраб олганлиги билан ажralиб туради:

таълим жараёни иштирокчиларининг демократик ва инсонпарвар муносабатга асосланган педагогик технология, бунда шахсий муносабатларни шаклантириш, индивидуал ёндашув, эркин бошқарув, инсонпарвар парадигмаларга асосланган тизим намоён бўлади;

таълим жараёни иштирокчилари фаолиятини жадаллаштиришга ва самародорликка асосланган педагогик технология, бунда шахсга йўналтирилган ва муаммоли ўқитишига асосланган технологиялардан фойдаланиш ва коммуникатив ўқитиши тизими назарда тутилади;

таълим жараёнини ихтисослашган ва табақалашшган ёндашувга асосланган педагогик технология, бунда қўшимча дастурлар асосидаги ўқитиши, якка ҳолда ташкил қилинадиган таълим технологиялари, маҳсус курс ва лойиҳалаш технологияларини жорий этиши назарда тутилади.

Дарҳакиқат, таълим жараёнини инновацион технологиялар асосида ташкил қилиш юқори малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг устувор омили бўлиб, бунда интеграцион тамойиллар алоҳида аҳамиятга эга.

Таълим соҳасидаги юқорида таъкидлаб ўтилган сифат ўзгаришлари шундан далолат берадики, янги методикаларни талаб этадиган ва таълим жараёнининг ажралмас қисмига айланниб бораётган, унга ўзининг маълум хусусиятларини жорий этадиган янги техникавий, ахборотли, аудиовизуалли, аудиал воситалар замонавий педагогик технологияларни реал воқеликка айлантиради. Замонавий педагогик технология моҳият - эътибори жихатидан бошқа технологиялар билан бир сафда туради, чунки

улар ҳам бошқалар қатори ўз хусусий соҳасига, метод ва воситаларига эга. Бирор замонавий педагогик технология инсон онги билан боғлиқ билимлар соҳаси сифатида мураккаб ва ҳаммага ҳам тушунарли бўлмаган педагогик жараённи ифода этиши билан ишлаб чиқариш ва ахборотли технологиялардан ажралиб туради.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, “Ойли таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, Тошкент ш., 2017 йил 20 апрель, ПҚ-2909-сон
2. Андреев В.И. Педагогика творческого саморазвития: Инновационный курс. Кн. 1. -Казань: Изд-во Казан, ун-та, 1996. - 570 с.
3. Зеер Э.Ф., Шахматова Н. Личностью ориентированные технологии профессионального развития специалиста. – Екатеринбург, 1999.
4. Ишмухамедов Р., Мирсолисева М.. Ўкув жараёнида инновацион таълим технологиялари. –Т.: “Fan va technologiya”, 2014, 60 бет.
5. Муслимов Н.М., Усмонбоева М.Ҳ., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б Педагогик компетентлик ва креативлик асослари. – Тошкент, 2015. – 120 бет.
6. Муслимов Н.А. Бўлајак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш / Монография. – Т.: Фан, 2004.
7. Мухамедов Ф.И, Хўжамқулов У.Н., Тоштемирова С.А. Педагогик таълим инновацион кластери. -Т.: Университет, 2020. 280 б.
8. Тарасова Н.В. Стратегия реализации компетентностного подхода в образовании: историко – педагогический аспект – М.: ФИРО, 2007. – 52 с.
9. Тоштемирова С.А. Кластерли ёндашув асосида таълим сифатини ошириш / монография. – Т.: “MALIKPRINT”, 2021.
10. Ходжамқулов У.Н. Педагогик таълим инновацион кластерининг илмий назарий асослари / педагогика фанлари бўйича фан доктори (DSc) дисс..автореф. –Т.: 2020.

РЕЗЮМЕ

Маколада бўлајак ўқитувчиларнинг касбий компетенцияларини такомиллаштириши бўйича инновацион ёндашувларни жорий этиш зарурати, тарих фанларини ўқитишида, бўлајак мутахассислар тайёрлаш тизими сифат даражасини оширишда ўқитувчиларнинг касбий компетентлингини ривожлантириш, тарих таълимида назарий ва амалиёт уйрганини асосидаги интеграцияниң; илм-фан, ишлаб чиқариш ва таълим альянсининг замонавий устувор йўналишларидан бири бўлган кластер ёндашувининг аҳамиятли томонлари баён этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается внедрение инновационных подходов к повышению профессиональных компетенций будущих учителей, развитие профессиональных компетенций учителей в преподавании истории, повышение качества подготовки будущих специалистов, интеграция теории и практики в историческое образование, описаны одно из направлений современные приоритеты науки, производства и образования.

SUMMARY

The article discusses the introduction of innovative approaches to improving the professional competencies of future teachers, the development of professional competencies of teachers in the field of teaching history, improving the quality of training of future specialists, the integration of theory and practice into history education, one of the directions describes the modern priorities of science, production and education.

MUSTAQIL ISHLAR JARAYONI: “O’RGANISHDAN- O’RGATISHGACHA” USULI

*Qurbanova M.F.
Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti*

Tayanch so’zlar: boshlang’ich ta’lim, mustaqili shlar jarayoni, o’quv-bilish kompetensiyalari, mustaqil ta’lim, “o’rganishdan-o’rgatishgacha” usul, ta’lim sifati.

Ключевые слова: начальное образование, процесс самостоятельной работы, обучающие компетенции, самостоятельное обучение, метод «учить-учить», качество обучения.

Key words: primary education, the process of independent work, learning competencies, independent learning, the «teach-learn» method, the quality of education.

O'quvchilarning o'quv-bilish kompetensiyalarini shakllantirishda mustaqil ta'limgi tashkil etish muhim jarayondir. Mustaqil ta'limgi olish jarayonini faollashtirish, o'quvchilarda mustaqil ta'limgi olishga bo'lgan intilish, mavzuga oid ma'lumotlarni mustaqil tarzda o'qib o'rganish, mustaqil ta'limgi olish ko'nikma va malakalarini shakllantirish ta'limgi sifati va samaradorligini ta'minlash me'zonidir.

Mustaqil ta'limgi: o'quvchilarda shaxsiy, kasbiy, individualva yoshga oid xususiyatlarni namoyon qilishga; bilim, ko'nikma va malakalarini shakllantirishga; ularning o'qitiladigan fanlarga oid bilimlarini rejalashtirishga; sinfdan tashqarida olingan bilimlarni tartibga solishga, shuningdek nazorat qilish uchun ongli ravishda foydalana bilishga; ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirishga asos bo'ladi.

Mustaqil ish «bu shunday bilish o'quv faoliyatiki, bunda o'quvchining fikrlash ketma-ketligi, uning aqliy va amaliy harakatlari o'quvchining o'ziga bog'liq hamda uning o'zi tomonidan aniqlanadi.

Mustaqil ishlari jarayoni «o'quvchi bo'sh vaqtini mustaqil tarzda mazmunli va samarali tashkil etishi hamda o'z-o'zini nazorat qilishi, xolis baholay olishni taqozo etadi. Mustaqil ishlari jarayonida o'quvchi qiziqishlari asosida bilimlarini yanada boyitishga erishish mumkin. Shuning uchun mustaqil ishlarni boshlang'ich sinf o'quvchilaridan boshlash muhim hisoblanadi. Mustaqil ishlari jarayonida o'quvchi bo'sh vaqtini rejalashtiradi, tartibga soladi, nazorat qiladi. Mana shu tamoyillar asosida o'quvchining o'quv-bilish kompetensiyasi rivojlanadi.

Darsda mustaqil ishlarning amalgal oshirilishi o'quvchining erkinligini ta'minlaydi, ishchanlik qobiliyatini oshiradi, diqqatinijamlay olish qobiliyatini tarbiyalaydi, xulqini yaxshilaydi. Mustaqil ishlari jarayonida o'quvchi mustaqilo'ylashga o'rganadi. Mustaqil o'ylashga o'rgangan o'quvchilar o'zlarini bilimlarni mustaqil tarzda egallashi hamda muammolarni tahlil qila olishi mumkin. Shuning uchun boshlang'ich sinflardan boshlab o'quvchilarning fikrlash operatsiyalari (tahvil qilish, solishtirish, umumlashtirish, klassifikatsiyalash va b.q) ni shakllantirish; ularning bilish faoliyatiga qiziqishlarini; o'quvchining maqsadga erishishda faolligi, mustaqilligi, tirishqoqligini stimullashtirish; fanlar bo'yicha o'zlashtirishlarini muntazam nazorat qili; darslarda o'quvchilar mustaqil ishlari elementlarini keng joriy etish bilan o'qitish metodlarini xilma-xillsh; o'quvchilarning bilim, ko'nikma va malakalarini baholash shaklini takomillashtirish; ularga individual yondashuvni amalga, oshirish bugungi kunning dolzarb vazifalaridir.

Mustaqil ta'limgi bevosita mustaqil fikrlash bilan uzviy bog'liq: «Mustaqil fikrlash «insonning o'z oldida turgan muammolarni maqsad va vazifalarini belgilagan holda o'z bilimi va hayotiy tajribalariga tayanib, turlyo'l, metod, vositalar yordamida, o'zining intellektual imkoniyatlari darajasida mustaqil ravishda hal qilishdan iborat bo'lgan aqliy faoliyatidir» [96].

O'quvchilarda mustaqil ish bajarish ko'nikmalarini shakllantirishni turli o'quv predmetlarini o'qitishda amalga oshirish mumkin. Masalan matematik olim S.I.Demidova mustaqil ta'limga quyidagicha ta'rif berganlar: «O'quvchilarning o'qituvchi tomonidan mustaqil ish mazmuni, mustaqil ishlashti faol tashkil etishga, ularni oldiga qo'yilgan didaktik maqsadlarni bajarishga yo'naltirilgan va shunga maxsus ajratilgan vaqt tushuniladi. Bilimlarni qidirish, ularni anglab yetish, mustahkamlash, ko'nikma va malakalarni

shakllantrish hamda rivojlantirish bilimlarini umumlashtirish, tizimlashtirish jarayoni tushuniladi» [2].

Boshlang'ich sinf o'qituvchisi o'z bilimini mustaqil oshirishi, faoliyatini aniq bir maqsadga yo'naltirishi talab etildi. Boshlang'ich sinf o'qituvchisi o'quvchilarning intilishlari, qiziqishlarini chuqur his qilish, tushunish, ularning ma'naviy ehtiyojlarini hisobga ola bilish; o'quvchilar bilan emotsiyonal aloqa o'rnatish, ularning aqliy, axloqiy va amaliy faoliyatini qo'llab-quvvatlashi; o'qituvchi umumiyyat pedagogika, psixologiya, mehnat gigiyenasi va fiziologiyasi, texnika va texnologiya fanlari bo'yicha bilimlarini doimiy boyitib borishi, o'zining pedagogik mahoratini oshirish ustida ishlash tizimining eng samarali metodlari, yo'llarini tanlab olishi, texnologik jarayon va texnik obyektlarni to'g'ri tanlab faoliyat ko'rsatishi, aniq sharoitlarni hisobga olgan holda va ularga mos tarzda individual holda yoki jamoa bilan birga o'z bilimini oshirish shakllaridan foydalanishi, o'z bilimlarini oshirishni doimiy ijodiy izlanishlar olib borishi va ma'lum maqsadga yo'naltirishi zarur.

O'quvchilar kitob bilan ishlashi (darslik, fanmatnlari, lug'at, jadval, elektron ma'lumotlar izlash va topish vab.q.); rejabo'yichaishlashshi; standart ko'rinishidagi masalalarni yechishi; bo'sh vaqt rejasintuzish; o'z natijalarini tahlil qilish; eski va yangi material o'rtasidagi aloqalarni o'rganish; o'z-o'zini nazorat qilishni amalga oshirishi; shaxsiy tashabbusi bo'yicha ishlashi, o'rganilgan bilimlarni kundalik hayotida qanday amaliy ahamiyatga egaligini tahlil qila olishkutilayotgan natijalar hisoblanadi.

Mustaqil ishlar maqsadi-vazifasi, murakkabligi, kimlarga (individual yoki jamoa uchun) mo'ljallanganligiga qarab farqlanadi. Mustaqil ta'lif jarayonida tanlangan mavzularning o'quvchi yoshi, umumiyy bilim darajasiga mosligi, ilmiyligi, tizimliliqi, qiziqarliligi, amaliyot bilan bog'liqligi, fanlararo aloqadorligi, shuningdek beriladigan mustaqil ishlar va topshiriqlarning ijodiy xarakterga egaligi muhimdir. Mustaqil ishlarning nazarisi, amaliy, ilmiy, metodik va pedagogik asoslaritahsil qilinsa, samarali shakllari, vositalari tanlansa, ijobji natijalarga erishish mumkin. Bunda o'tiladigan mavzuning amaliyot va o'quvchining kundalik turmush tarzi bilan uzyiyligi, ilmiyligi va o'quv materiallarining qiziqarliligi, mavzularning tizimliliqi, topshiriq hamda vazifalarning ko'pqirraliligi, o'zaro bog'liqligi muhim o'r'in tutadi. Ammo eng asosisysi, o'quvchilarning mustaqil ravishda ta'lif olish faoliyatini tashkil etishda ularning yosh xususiyatlari, intilishlari, qiziqishlarini va bilish darajalariga e'tibor qaratish zarur. O'quvchilarning egallagan bilimlarini amaliyotda qo'llay olishini, ular ijtimoiy foydali, targ'ibot-tashviqot ishlarida ishtiroy etishini ta'minlash maqsadga muvofiq. O'quvchilarning egallagan bilimlarini amaliyotda qo'llay olishlarini ya'ni o'quv-bilish kompetensiyalarini shakllantirishda "o'rganishdan-o'rgatishgacha" klasterini amalga oshirish joizdir. "O'rganishdan-o'rgatishgacha" klasterida o'quvchi dastlab o'rganadi, tasavvur qiladi, tushunadi, amalda qo'llay oladi. Amalda qo'llay olishi o'rganilgan bilimni qayta hikoyalashda, solishtirishda, umumilashicha olishda, qismalg'a ajratib tahlil qila olishda xulosalashda ko'rindi. Amalda qo'llay olishning natijaviyligi tengdoshiga, jamoada, kichik guruha, oilada o'rgangan bilimlarini qayta o'rgata olishdir. Boshlang'ich ta'linda o'quvchilarning o'quv-bilish kompetensiyalarini shakllantirishda "O'rganishdan-o'rgatishgacha" klasterini joriy qilish asosida o'quvchining mustaqil ishlar jarayonini tashkil etishga bo'lgan motivatsiyasi oshadi.

O'quvchilar darslarda olgan bilim, ko'nikma va malakalaridan amaliy faoliyatda foydalanadi; o'quvchilar faoliyatning kommunikativ, analistik, loyiiali, ijodiy tiplarini o'zlashtiradi; o'quvchilar turli murakkablikdagi bilim, ko'nikma va malakalarini egallaydi; o'quvchilarda turli tasavvurlar shakllanadi; lug'at bilan ishlash ko'nikmalari egallanadi, kerakli o'chashlar o'tkaziladi, olingan natijalar tahlil qilinadi; o'quvchilar sindoshlarining faoliyatini adekvat baholashadi; jamoada o'quvchilarning xulqi o'zgaradi; ular boshqalarining

fikrini eshitga boshlaydi, qo'rqmasdan o'z shaxsiy fikrlarini aytga oladi. Umuman olganda o'qituvchining pozitsiyasi o'zgaradi. U o'quvchiga tayyor bilimlarni bermaydi, aksincha o'quvchilarini tashabbuskorlik va mustaqillik ko'rsatishga undaydi. O'qituvchi harbir o'quvchining qiziqishlari va o'z qobiliyatlarini namoyon eta olishi uchun mustaqil ishslash faoliyatini tashkil etishi muhim jarayondir [3].

Mustaqil ishlarni bajarishda rejalashtiriladigan natijalar uchta darajada namoyon bo'ladi [4]. Birinchi daraja: mustaqil ishlar orqali o'qishga motivatsiyani shakllantirish, faoliyat metodlarini egallash va ularni tashkil etish, topshiriqlarni bajarishning turli metodlari va vositalarini bilish, o'quvchilarining qobiliyatlarini rivojlantirish. Ikkinci daraja : o'quvchi yoshiga mos holda topshiriqni mustaqil bajarish, fikrini aytga olish, tahlil qilish, umumlashtirish, klassifikatsiyalash, muhokama qilish, shaxslararo o'zaro munosabatlarni mustahkamlash. Uchinchi daraja: o'rgangan metodlarni mustaqil qo'llay olish, o'z pozitsiyasini asoslay olish, vaziyatni va olingen natijani baholay olish.

Mustaqil ishlarni o'quv va o'yinli topshiriqlar orqali amalga oshirish uchun qulay ta'limiyligi muhitlarni yaratish lozim, bu quyidagilarni ta'minlaydi: umumta'limiyl dasturlarni rejashtirishda o'quvchilar va ularning ota-onalari bilan o'qituvchilarining o'zaro munosabati; o'quvchilarining individual ta'lim marshrutlarini bajarish; to'garak, seksiyalar kabilalar orqali o'quvchilarining qibiliyatlarini ko'rsatish va takomillashtirish; intellektual va ijodiy xarakterdagi musobaqlarni yuushtirish; mustaqil ishlar davomida innovatsion ta'limiyl va tarbiyaviy texnologiyalarni qo'llash; o'qituvchilar yordamida o'quvchilarining yuqori mustaqil faoliyat natijaviliga erishish.

Yuqoridagilarni umumlashtirgan holda mustaqil ishlarning o'ziga xos xususiyatlarini ta'kidlab o'tamiz: boshlang'ich ta'lilda o'quvchilarining yosh xususiyatlarini hisobgaolish; faoliyatning har xil turlariga jalganligi; faoliyat metodlarini, individual faoliyatini amalga oshirish qobiliyatlarini shakllantirish; bilishga qiziqishlarini shakllantirish; faoliyatni amalga oshirishda mustaqillik berish; tahlil qilish, umumlashtirish, klassifikatsiyalash, asoslash, o'xshashlarni topish kabi harakatlarni egallash; maqsadni, asosiy vazifalarni aniqlash ko'nikmalarini o'zlashtirish, ular asosida taxminlarni ilgarisurish, harakat sxemalarini tuzish, olingen natijalarini anglash va ularni tahlil qilish; o'quvchilarini turli axborotlar bilanishlashga jalganligi; qulay hayotiy va ijtimoiy qoidalarni qo'llab-quvvatlash; o'quvchilarining ehtiyoji, qobiliyatiga muvofiq faoliyat mazmunining adaptivligi; faoliyatning variativligini taqdim etish.

Ta'lim jarayonida ijodiy muhitni vujudga keltirish uchun o'rganiladigan mavzu mazmuniga bog'liq holda quyidagi didaktik omillarni e'tiborga olish zarur deb hisoblaymiz: darsda o'quvchilarining avval o'zlashtirgan bilim, ko'nikma va malakalarini mustaqil holda yangi, kutilmagan vaziyatlarda qo'llash vaziyatini vujudga keltirish maqsadida an'anaviy o'qitish metodlari bo'lgan og'zaki bayon, ko'rgazmali va amaliy metodlari bilan bir qatorda mustaqil ish, muammoli, mantiqiy o'qitish metodlaridan foydalananish; mavzu mazmunini hisobga olgan holda o'quv muammolarini vujudga keltirish orqali avval o'rganilgan ob'yeqtlnarning o'ziga xos xususiyatlarini odatiy va tanish vaziyatdagi muammolarini anglash hamda uni hal etish yo'llini tavsiva etish, ushbu omil o'qitish jarayonida muammoli o'qitish metodi ustuvorligiga asoslanadi; o'quv muammolarini hal etish orqali tanish ob'yeqtning yangi xususiyatlarini topish, o'quvchilar avval o'rganilgan ob'yektga xos yangi xususiyatlarni aniqlashga yo'naltirilgan omilda o'qitish jarayonida mantiqiy metodlar ustuvorligiga tayanadi; tuzilish va funksional qonuniyatiga asosan tushunchalar o'rtasidagi aloqalar, sabab va oqibatlarni aniqlash, ushbu omil o'qitish jarayonida muammoli o'qitish va mantiqiy metodlarni mujassamlashtirishni taqozo etadi; o'qitish jarayonida o'quvchilar tomonidan darsda vujudga keltirilgan muammo li vaziyatlarni hal etish uchun turli variantlar

asosida fikryuritishga imkon yaratish, mazkur jarayonda og'zaki, ko'rgazmali, muammoli o'qitish va mantiqiy metodlarni mujassamlashtirish zaruratinı keltirib chiqaradi.

Ҳамкорлик кенг маънода ҳамкорлик шакли, биргалиқдаги ишни назарда тутувчи келишувдир. Ижтимоий шериклик қонунчилик даражасида мустаҳкамланган. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 25 сентябрдаги “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ти ЎРҚ-376-сон Қонунининг 3-моддасига кўра “ижтимоий шериклик давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан тармоқ, худудий дастурларни, шунингдек норматив-хукукий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг хукуклари ва конуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигидир”.

Демак, ижтимоий шериклик деганда таълим ташкилотлари билан ижтимоий ва-касбий муносабатларнинг бошқа субъектлари ўргасидаги ўзаро манфаатли мақсадларга эришишга қартилган очик ўзаро ҳамкорлиги тушунилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон карорига 1-илова “Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси”да “узлуксиз маънавий тарбияни ташкил этишда давлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва хусусий секторнинг ҳамкорлигини самарали йўлга кўйиш” вазифаси белгиланган.

Дарҳакиқат, ижтимоий-педагогик ҳамкорлик ва шерикликсиз ўқувчининг тўлақонли маънавий-ахлоқий ривожланиши ва таълим-тарбиясини таъминлаш мумкин эмас. Шу сабабли давлат таълим стандартларида талабанинг умумий маданий ва қасбий компетенцияларини шакллантириш учун ота-оналар, ижтимоий шериклар ва бошқа манфаатдор томонлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш талаб этилади.

Таълимдаги ижтимоий шериклик таълим сифати таъминлашда ҳам мухим ўрин тутади. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги “Таълим тўғрисида”ти ЎРҚ-637-сон Қонуни таълим сифатини мустақил баҳолаш механизмини белгилаб беради. Бироқ, баҳолаш натижалари ҳеч қандай хукукий оқибатларни келтириб чиқармайди – мусассаса томонидан ўкув фаoliyati лицензиясини бекор килиниши ёки тўхтатиб кўйилишини келтириб чиқармайди. Бу ўз навбатида, хукукий тартибга солиш етарли даражада эмаслигидан далолат беради.

Таълимда ижтимоий шериклиknинг ўзига хос хусусиятлари сифатида кўйидагиларни қайд этиш мумкин:

- биргалиқдаги фаoliyati бўйича очик шартномалар;
- ижтимоий шериклик иштирокчиларининг ўзаро манфаатли мақсадларига эришиш бўйича кўшма тадбирларни амалга ошириш;
- кўзланган мақсадларга эришиш учун бир неча турдаги ресурсларни бирлаштириш;
- ҳар бир иштирокчи учун ижобий самарага эришиш.

Профессионал таълим нуктаи назаридан шериклик барча иштирокчиларнинг манфаатларини инобатга олиш ва таълим сифатини ошириш, меҳнат бозорида мала-кали битирувчиларга бўлган талабни ошириш учун талабалар, уларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллари, педагог ходимлар, ҳокимият, иш берувчилар ўргасидаги муносабатлар тизими асосида фуқароларнинг таълим олиш хукуқини амалга ошириш сифатида талкин қилиниши мумкин.

Ижтимоий шериклар ўргасидаги муносабатлар самарадорлигини баҳолаш ва

белгиланган қоидалар бажарилишини назорат қилиш мўлжалланган стандартлар тизими билан тартибга солинади. Ижтимоий шериклик одатда икки кисмга бўлинади: таълим ва бандликни бошқариша иштирок этувчи ҳокимият органлари даражаси ва таълим хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар даражаси. Бу соҳада ижтимоий шериклик субъектлари бўлиб таълим, меҳнат ва бандлик соҳасидаги давлат органлари хисобланади. Уларнинг фаолият доираси меҳнат бозори эҳтиёжларига мувофиқ қасбий тайёргарлик кўлами ва тузилмасини мувофиқлаштиришни ўз ичига олади.

Шу мақсадда ижтимоий шериклик субъектлари[–] қуидагилар билан шуғулланади:

- таълим, меҳнат ва бандлик соҳасидаги месъёрий базани шакллантириш;
- таълим, меҳнат ва бандлик соҳасида минтақавий сиёсатни амалга ошириш;
- худудий меҳнат бозори ҳолати ва таълим тизими ҳолатини кузатиш;
- қасбий кадрларга бўлган эҳтиёжни башорат қилиш.

Шаҳар даражасида ижтимоий шериклик субъектлари: маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари, худудий бўлнималар ёки таълим, меҳнат ва аҳоли бандлигини таъминлаш соҳасидаги органлари идоравий муассасалари, корхоналар-иш берувчилар.

Таълим соҳасидаги ижтимоий шериклини меҳнат қонунчилиги ҳам муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг янги таҳрири лойиҳасининг III-бўлимида ижтимоий шериклик муносабатларига оид қоидалар назарда тутилган. Бирок бу лойиҳада ижтимоий шериклик тамоиллари ўз ифодасини топмаган. Фикримизча, ушбу лойиҳада ижтимоий шерикликнинг қуидаги тамоилларини киритиш мақсадга мувофиқдир:

- томонларнинг тенглиги;
- ҳар икки томон манфаатларини хурмат қилиш ва кўриб чиқиши;
- томонларнинг иштирок этишга бўлган қизиқиши;
- давлат ёрдами;
- норматив-хукуқий хужжатларга риоя қилиш;
- танлаш эркинлигини;
- тарафлар томонидан жавобгарлик ва мажбуриятларни ихтиёрий равишда қабул қилиш;
- тарафлар томонидан шартнома ва келишувларнинг бажарилиши мажбурийлиги.

Ижтимоий шериклар фаолиятини хукукий тартибга солишнинг камчиликлари ҳақида гапирганда[–] ҳамкорларнинг ўзаро ҳамкорлик натижалари учун жавобгарлиги белгиланмаганлиги, ижтимоий шерикликнинг ягона модели белгиланмаганлигини таъкидлаш лозим.

Олий таълим муассасаларига келсак, уларнинг деярли барчасида талабалар ва битирувчиларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш бўлимлари мавжуд, улар жуда самарали ишларни амалга оширадилар, аммо бу фақат шахсий чора-тадбирлар бўлиб, уларнинг самарадорлиги таркибий бўлнималар раҳбарларининг ташаббусига боғлиқ.

Фикримизча, меҳнат бозори билан алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича ягона фао-

лият концепциясини ишлаб чиқиш учун ижтимоий шериклик кенгашини яратиш зарур. Университет ўзгарувчан бозор шароитларига қанчалик тез мослашса, асосий жараёнларни мижознинг талабларини яхшироқ кондиришга қаратилган стратегик ташаббусларга айлантиради. Назаримизда, меҳнат бозори билан алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича ягона фаолият концепциясини ишлаб чиқиш учун ижтимоий шериклик бўйича кенгаш тузиш зарур. Университет ва олийгоҳлар қанчалик тезкор равиша ўзгарувчан бозор шароитларига мослашадиган бўлса, улар томонидан тайёрланган кадрларда ҳам меҳнат бозорида маваффакиятга эришиш имкониятлари кўпроқ бўлади.

Олий таълим муассасаларида ижтимоий шерикликни бошқариш-вазирликлар ва идоралар, бошқарув органлари, иш берувчиликлар ва таълим муассасалари ўртасидаги маъсулият ва ваколатларни таксимлашга асосланган бўлиши керак. Таълим соҳасида ижтимоий шериклик бўйича барча манфаатдор томонлар манфаатларини хисобга олган холда Кенгаш ташкил этилиши керак.

Кенгаш Вазирлик билан бирлагида олий таълим тизимидағи ижтимоий шериклик учун услубий ва аҳборот қўллаб-қувватлашни таъминлашни амалага ошириши, шунингдек, мавжуд нормативларни такомиллаштириши ишларида иштирок этишим мумкин.

Таълим соҳасидаги ижтимоий шериклик тўғрисидаги конун хужжатларининг муайян қоидаларига аниқлик киритилди. Шунга асосланиб шуну айтиш мумкинки, юқори малакали касб-хунарни шакллантиришда ҳамкорлик мухим рол йўнайди, чунки у ўқувчиларнинг реал келажақдаги касбий шарт-шароитлар билан ўзаро алоқада бўлишларига имкон яратади. Шундай килиб, зарурий ваколатлар компетентлик ёндашуви ва Давлат таълим стандарти шартлари билан белгиланади. Ҳар бир даражада, у минтақавий ёки шаҳар бўлсин, ижтимоий ҳамкорлар фаолияти Қонунчилик базаси билан тартибга солинади. Шунингдек, хукукий тартибга солишнинг етарли даражада эмаслиги қайд этилиб, таълим сифатини мустақил баҳолаш натижалари ҳеч қандай хукукий оқибатларга олиб келмаслиги белгиланади. Бундан ташқари, ижтимоий шерикларнинг унинг турли даражаларидағи ўзаро ҳамкорлик натижалари учун жавобгарлигини аниқлаш лозим.

Адабиётлар:

- Прохорова М.П., Семченко А.А. Организация самостоятельной работы обучающихся в форме проектной деятельности// Вестник Мининского университета. 2017. №2;
- Гаврилова М.И., Одарич И.Н. Компетентностный подход в профессиональном образовании // Балтийский гуманитарный журнал. 2014. № 3. С. 19-21
- Путилова А.В. Компетентностный подход при проектировании образовательного процесса, как механизм повышения качества образования // Азимут научных исследований: педагогика и психология. 2013. № 4. С. 53-56
- Андрюсова Л.А., Мананникова Ю.В. Компетентностный подход в системе высшего профессионального образования // XXI век: итоги прошлого и проблемы настоящего плюс. 2013. № 7 (11). С. 46-51.
- Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, 2014 й., 39-сон, 488-модда
- Петровский А.М., Голубева О.В. Правовые аспекты социального партнерства в сфере образования // Karelian Scientific Journal. 2017. Т. 6. № 4(21). – С. 64-67.

РЕЗЮМЕ

Ижтимоий шериклик таълим сифатини яхшилашга ёрдам беради, аммо масалани тўғри-хукукий тартибга солмасдан, кўрсатилган сифат бузилиши мумкин. Яъни, ижтимоий шерикликнинг барча ижобий

хусусиятларига қарамай, унинг самараодорлиги ҳукукий тартибга солишига боғлик. Маколада таълим хизматлари соҳасидаги ижтимоий шерикликнинг ҳукукий қондалари очиб берилган. Ўзбекистонда ижтимоий шерикликнинг моҳиятини очиб бериш учун «ижтимоий» шериклик тушунчаси ишлатилиди ва у турлича таърифлар берилган, жумладан, Ўзбекистонда таълим Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармонига 1-илова билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”да берилган таъриф берилган. Унинг асосида Асосида ижтимоий шерикликнинг тўғри маъноси келиб чиқади. Фуқароларни “маънавий-ахлоқий ривожлантириш ва уларга таълим бериш” бевосита ижтимоий-педагогик шериклик билан боғликдир. Таълимдаги ижтимоий шерикликнинг хусусиятлари сифатида куйидагиларни кайд этиш мумкин: биргаликдаги фанният бўйича очиқ шартномалар; ижтимоий шериклик иштирокчиларининг ўзаро манфаатли максадларига эришин учун биргаликдаги фаoliyatlari амалга ошириш; кўзланган максадларга эришин учун беча турдаги ресурсларни бирлаштириш; ҳар бир иштироқчи учун ижобий самараға эришиш. Вилоят ва шахар миқёсидаги ижтимоий шериклик субъектларини аниқлаш ҳам бутунги кун нуқтаи назаридан долзарбdir. Бунда ижтимоий шериклик муносабатларida амал қиласидан тамойиллар мухим ўрин тутади. Ижтимоий шериклик субъектларининг мажбуриятлари бўйича эса куйидаги талаблар тадқик этилиш лозим бўлади: таълим, меҳнат ва бандлик соҳасиде норматив-хукукий базани шакллантириш; таълим, меҳнат ва бандлик соҳасида минтақавий сиёсатни амалга ошириш; минтақавий меҳнат бозори ҳолатини ва таълим тизимиning холатини кузатиш, профессионал кадрларга бўлган этийёжни прогнозлаш. Шунингдек, мазкур мақолада ижтимоий шерикликни ҳукукий тартибга солишидаги камчиликлар кайд этилиб, уларга очим таклиф иллари сурilади.

РЕЗЮМЕ

Социальное партнерство способствует повышению качества образования, но без должного правового регулирования это качество может быть поставлено под угрозу. То есть, несмотря на все положительные черты социального партнерства, его эффективность зависит от правового регулирования. В статье раскрываются правовые положения социального партнерства в сфере образовательных услуг. Понятие «социальное партнерство» используется в Узбекистане для определения сущности социального партнерства. Определение, данное в «Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года», утвержденного Приложением. Он основан на правильном понимании социального партнерства. «Духовно-нравственное развитие и воспитание граждан» напрямую связано с социально-педагогическим партнерством. К признакам социального партнерства в сфере образования относятся: открытые договоренности о совместной деятельности; осуществление совместной деятельности для достижения взаимовыгодных целей участников социального партнерства; объединение нескольких видов ресурсов для достижения целей; Достижение положительных результатов для каждого участника Выявление субъектов социального партнерства на региональном и городском уровнях также актуально с сегодняшней точки зрения. Важную роль в этом играют принципы социального партнерства. Что касается обязательств субъектов социального партнерства, то следует изучить следующие требования: формирование нормативно-правовой базы в сфере образования, труда и занятости населения; реализация региональной политики в сфере образования, труда и занятости населения; мониторинг состояния регионального рынка труда и состояния системы образования, прогнозирование потребности в профессиональных кадрах. Так же в статье отмечаются недостатки в правовом регулировании социального партнерства и предлагаются пути их решения.

SUMMARY

Social partnership helps to improve the quality of education, but without proper legal regulation, this quality can be compromised. That is, despite all the positive features of social partnership, its effectiveness depends on the legal regulation. The article reveals the legal provisions of social partnership in the field of educational services. The concept of «social partnership» is used in Uzbekistan to define the essence of social partnership. The definition given in the «Concept of development of the higher education system of the Republic of Uzbekistan until 2030», approved by the Annex. It is based on the correct meaning of social partnership. «Spiritual and moral development and education of citizens» is directly related to the socio-pedagogical partnership. Features of social partnership in education include: open agreements on joint activities; implementation of joint activities to achieve mutually beneficial goals of the participants of the social partnership; combining several types of resources to achieve goals; Achieving positive results for each participant. Identifying the subjects of social partnership at the regional and city levels is also relevant from today's point of view. The principles of social partnership play an important role in this. As for the obligations of the subjects of social partnership, the following requirements should be studied: – formation of a regulatory framework in the field of education, labor and employment; implementation of regional policy in the field of education, labor and employment; monitoring the state of the regional labor market and the state of the education system, forecasting the need for professional staff. The article also notes the shortcomings in the legal regulation of social partnership and proposes solutions.

ТАЛАБАЛАРДА КАСБИЙ-ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСУЛ ВА ВОСИТАЛАРИ

Сироғиiddинова И.М.

*Андижон машинасозлик институти “Гуманитар фанлар” кафедраси мудири,
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

Таянч сўзлар: кобилият, касбий, умумий касбий тушунчалар, касбий-ижодий кобилият, коммуникатив, перцептив, субъект-субъект муносабат, иктидорларни шакллантириш.

Ключевые слова: способности, профессионал, общепрофессиональные концепции, профессионально-творческие способности, коммуникативность, перцептивность, субъектно-субъектные отношения, формирование таланта.

Key words: ability, professional, general professional concepts, professional-creative ability, communicative, perceptive, subject-subject relationship, talent formation.

Кириш. Асрлар ва цивилизацияларнинг тўқнашувида инсоният хаётининг барча соҳалари янги босқичга кириб боришига тайёрланиб бормоқда. Биз хозирги вақтдаги олий педагогик таълим тизимида талабаларни касбий тайёрлаш соҳасидаги ўзгаришларнинг зарурати тўғрисида таъкидлаймиз. Мазкур тайёрловдаги асосий масалалардан бирни талабанинг педагогик маданияти, унинг педагогик технологияларни эгаллаганилиги даражаси тўғрисидаги масалалар бўлиб, уларни ҳал этиш касбий-педагогик кобилияларни, талаба шахсининг ижодий сифатларини шакллантириш ва ривожлантиришга боғлиқдир.

Касбий-ижодий кобилияларни ривожлантириш жараёнини самарали ташкил этишининг воситалари орасида куйидагиларни кўрсатиш мумкин: маънавий-маданий, ижтимоий-сиёсий, меҳнатга оид, шаҳар, худуд, мамлакат, дунёнинг ҳаёт фаолияти-нинг ижтимоий-педагогик соҳалари, умуминсоний ва миллий маънавий-ахлокий кадрияларнинг мазмуни, ўкув, методик, илмий-педагогик адабиётлар, оммавий ахборот воситалари, интернет, саънат, ўсиб келаётган авлоднинг идеал устози образи, талабалар жамоаси, бир сўз билан айтганда, талабанинг ўкув ва кундузлик ҳаётидаги уни ўраб турган барча нарса ва ҳодисалар.

Касбий-ижодий кобилияларни ривожлантириш жараёнини ташкил этиш воситалари талабалар ва ўқитувчилар фаолиятларининг барча компонентлари билан алоқадордир. Улар кўйилган мақсад билан, ифодалаётган жараённи ташкил этиш методлари ва шаклларига боғлиқ ҳамда шахснинг ривожланишига аҳамиятли таъсир кўрсатади. Мазкур воситалар фаолиятнинг бошқа компонентлари билан алоқаси касбий-ижодий кобилияларни ривожлантириш жараённида юзага келади ва унинг ривожланиши билан ўзгариб боради. Воситалар тизими талабаларнинг касбий-ижодий кобилияларини ривожлантириш мақсадларига мувофиқ хосил бўлади, улар истиқболли характерга эга бўлади, чунки жараённинг ўзи йиллар мобайнида давом этади. Айнан шунинг учун касбий-ижодий кобилияларни ривожлантириш воситалари сифатида узок муддатли характерга эга бўлган ҳаёт фаолиятининг омиллари самарали ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review)

Касб танлаш (касбга яроқлилик) - касбий ишнинг бутун тизимида якунловчи босқичдир. Айни шу босқичда ходимнинг танлаган касбга узил-кесил мувофиқлиги ёки номувофиқлиги аниқланади. Лекин касб танлаш (касбга яроқлилик) методларидан касбга ўйналтиришнинг факат якунловчи босқичда фойдаланиш мумкин, деб ҳисоблаш нотўғри бўлур эди. У ёки бу касбнинг эгаллагани ҳолда дастлабки тиббий-

физиологик ва психологияк күрікдан ўтмаган йигит ёхуд кизга танлаган касби зид бўлиши ҳам мумкин. Шу боисдан касб танлаш бошлангич босқичда ҳам, шунингдек якунловчи босқичда ҳам ўтказилиши лозим.

Касбга яроқлилик - мазкур кишининг ушбу касб бўйича меҳнат вазифаларини баҳариши учун яроқли ёки яроқсизлигини кайд килишдангина иборат эмас, албатта. Касбга яроқлиликни бошқа жиҳатдан ҳам:

- 1) одам ўзи танлаган касбга яроқлими ёки йўклиги;
- 2) ҳаёт ўйуни танлаган чоғда у нималарга амал қилиши лозимлиги;
- 3) уни ўқитиш масаласига қандай қилиб бир мунча оқилона ёндашиш, яъни унда касбга яроқлиликни қандай қилиб фоят мақсадга мувофиқ тарзда шакллантириш, тарбиялаш ва ривожлантириш мумкинлиги жиҳатидан ҳам кўриб чиқиши керак [1; 39-40 б.].

Мутахассис сифатида камол топиш учун қатор масалаларга эътибор қаратиш зарур:

касбни онгли равишда танлаш;
касб эгаллаш учун аник мақсад қўйиш;
касб тўғрисидаги тассаввурларнинг реал ҳаётдан узоқ эмаслиги;
эгалланадиган касбнинг ижобий жиҳатлари билан бир қаторда амалий фаолиятда дуч келинадиган қийинчиликлар ҳақида тассаввур қила билиш;
касбий мотивларни чет олимлар таъсирида эмас, шахс эҳтиёжидан келиб чиқкан ҳолда шакллантириш;
касбнинг ижтимоий нуфузи ва кадр-қимматини яхши билиш;
мутахассис сифатида камол топиш узоқ вақтни талаб этишини англаш ва б.к [2; 151-б.].

Н.А.Муслимов, К.М.Абдуллаева, О.А.Куйсинов, Н.С.Гаипова, Н.Н.Каримова, М.Кодировлар томонидан касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси ўрганилган бўлса, А.И.Азаббоев ўкув предметлари мазмунини интеграциялаш асосида меҳнат ва касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашни тақомиллаштириш масалалари билан шугулланган [3, 4].

Б.А.Акбаровнинг тадқиқотида умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиларида касбий тафаккурни шакллантиришнинг педагогик тизими таҳлил қилинган [5].

А.Ж.Алламбергенов томонидан умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиларида касбий-технologик компетентликни ривожлантириш масалалари бўйича тадқиқот ишлари олиб борилган [6].

Тадқиқот методологияси (Research Methodology)

Мамлакатимизнинг юридик асосий хужжатларидан янги таҳрирдаги “Таълим тўғрисида”ги конуну, “Олий ва олий таълимдан кейинги таълим” тўғрисидаги конуну, “Асосий умумий таълимнинг давлат таълим стандартлари”, шунингдек, Президент фармонлари конунчилик базасини таълим тизимининг амал қилиши учун тайёрлайди. Мазкур хужжатларнинг моҳияти давлат таълим тизимининг ривожланиш стратегиясини белгилашдан иборагдир. Ўқитувчиларни касбий тайёрлаш соҳасидаги давлат асосий хужжатларидан фойдаланишнинг мақсади қонунда белгиланган тала-бларга мувофиқ равища олий таълим муассасасидаги ўкув-тарбия жараёнини ташкил этиш хисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Таълим тўғрисида”ги конунида асосий принциплар ва конун-коидалар белгиланган бўлиб, уларнинг асосида Ўзбекистон таълимининг ривожланиши қонуний мустаҳкамланган гояларини амалга оширишнинг стратегия ва тактикаси қурилади [7].

Мазкур қоидалар бир вақтда жамиятга, таълим тизимининг ўзига ва шахсга қаратилган ва таълим тизими ривожланишининг “ташқи” ижтимоий-педагогик шароитларини ҳамда унинг ҳаёт фаолиятининг “ички” педагогик шароитларини таъминлайди. Уларга қўйидагилар тааллукли: таълимнинг инсонпарварлик характеристери, умумисоний қадриятларнинг устуворлиги, шахснинг эркин ривожланиши; таълимнинг умумфойдаланилиши, очиклиги, таълим истеъмолчисини ҳар томонлама ҳимоялаш.

Касбий қобилияtlар муаммоси бўйича илмий-тадқиқот ишлари дунё миқёсида жуда ҳам кўп ўтказилгандир. “Қобилияtlар” тушунчасини алоҳида муаллифлар (В.А.Крутецкий, Е.Г.Балбасова, С.Л.Рубинштейн ва бошқалар) барча фаолият турларини муваффакиятли бажаришга имкон берувчи, ўкув-тарбия жараёни билан боғлик шахснинг индивидуал психик хусусиятлари сифатида таърифлайдилар [8, 9].

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results)

Хакиқатда ҳам, бундай ёндашув – аниқ ва тушунарли моделни қуриш – уларни шакллантириши бўйича рационал методик усусларни топиш имконини беради ва бу айниқса, жамият таълим олувчиларни нафакат синф-дарс тизими орқали хабардор килишга, балки таълим олувчилардаги таబиятнан мавжуд қобилияtlар ва иктидорларни шакллантириш ҳамда ривожлантаришга имкон берувчи янги мактабга, яъни ҳам ўрта, ҳам олий мактабга ёхтиёжни эълон қилган ҳозирги давримизда долзарб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам биз амалиётчилар томонидан тўплланган тажрибадан фойдаланиб, касбий-ижодий қобилияtlар тузилмасини ҳосил қивлувчи қўйидаги блокларни ажратиши мумкин деб ҳисобладик:

Биринчи блок – ташқи қобилияtlар. Ўқитувчининг таълим олувчиларни бирлаштириш, уларни машғул килиш, мажбуриятларни тақсимлаш, ишни режалаштириш, амалга оширилгандарга якун ясаш каби кўнікмаларида ифодаланади.

Иккинчи блок – дидактик қобилияtlар. Ўқув материалини, кўргазмали материалилар, жиҳозларни танлаш ва тайёрлаш, ўқув материалини тушунарли, аниқ, ифодали, ишончли ва изчил баён этиш, билишга оид кизиқишилар ва маънавий ёхтиёжларнинг ривожланишини рағбатлантириш, ўқув-билишга оид фаолликни ошириш аниқ кўнікмаларида ифодаланади.

Учинчи блок – перцептив қобилияtlар, таълим олувчиларнинг маънавий оламларига кириб бориш, уларнинг эмоционал ҳолатларини объектив баҳолаш, психикаларининг хусусиятларини аниқлаш кўнікмасида ифодаланади.

Тўртинчи блок – коммуникатив қобилияtlар. Улар ўқитувчининг таълим олувчилар, уларнинг ота-оналари, ҳамкаслар, таълим муассасаси раҳбарлари билан педагогик мақсадга мувофиқ муносабатларни ўрнатиш кўнікмаларида ифодаланади.

Бешинчи блок – сутгестив қобилияtlар. Уларнинг моҳияти таълим олувчиларга эмоционал-иродавий таъсир этишдан иборатdir.

Олтингчи блок – тадқиқотчилик қобилияtlари, педагогик вазиятлар ва жараёнларни билиш ва объектив баҳолаш кўнікмасида намоён бўлади.

Еттингчи блок – илмий-билишга оид қобилияtlар, танланган соҳадаги илмий билимларни ўзлаштириш санъатидан ташкил топади.

Саккизинчи блок – ижодий қобилияtlар, уларнинг моҳияти юзага келган муаммонинг ўз ноанъанавий ечимини кўра олиш кўнікмасидан иборат.

Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations). Демак, идеал ўқитувчи-тарбиячининг аниқлаштирилган образини шакллантириш, талабаларнинг илмий-педагогик, ўқув ва методик адабиётларни тизимли ўрганишлари ва талабаларни у билан ишлашда танқидий, таҳлилий-баҳолаш ёндашувига ўргатиш, бўлажак педагогнинг шахсий ва касбий ўз-ўзини аниқлашининг имкониятларини, ижодий индивидуал-

лигини ривожлантириш лозим. Ёшларни касбий тайёргарлашда шахар, худуд, мамлакат, умуман дунёнинг тарбиявий-ривожлантирувчи имкониятидан фойдаланиш хамда факультет ва умуминститут миқёсида ўқитувчи-талабалар жамоасининг таълим ва ҳаёт фаолиятининг маънавий бойитувчи услубини ташкил этиш талаб этилади.

Адабиётлар:

1. Шарипов Ш.С., Давлатов К., Насриддинова Г.С. Касбга йўналтиришнинг илмий-педагогик асослари. Ўкув кўйламна. – Тошкент, 2007. – 146 б.
2. Курбонов Б., Мухлибоев М., Курбонова Г. Мехнат таълимими ўқитиш методикаси, касб танлашга йўналтириш фанидан меҳнат таълимими йўналиши талабалари учун ўкув-кўйламна. – Гулистан, 2013. – 295 б.
3. Авазбоев А.И. Ўкув предметлари мазмунини интеграциялаш асосида меҳнат ва касб таълимими ўқитувчиларни тайёрлашни такомиллаштириш: Дис. ... пед. фан. ном. – Т., 2001. – 150 б.
4. Муслимов Н.А., Абдуллаева К.М., Куйсинов О.А., Гаппова Н.С., Каримова Н.Н., Кодиров М. Касб таълимими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси. – Т.: Fan va tehnologiya, 2013. –128 б.
5. Акбаров Б.А. Умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида касбий тафаккурни шакллантиришнинг педагогик тизими.: Автореф. дис. ... пед. фан. бўйича фал. док. – Наманган, 2020. – 52 б.
6. Алламбергенов А.Ж. Умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида касбий-технологик компетентларни ривожлантириш.: Автореф. дис. ... пед. фан. бўйича фал. док. – Нукус, 2020. – 52 б.
7. Ўзбекистон Республикасининг Таълим тўғрисида Конуни. 2020 йил 23 сентябрь. ЎРК-637-сон
8. Крутецкий В.А., Балбасова Е.Г. Педагогические способности, их структура, диагностика, условия формирования и развития: Учебное пособие. – М.: Прометей, 1991. – 112 с.
9. Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. – СПб. Питер, 2013. – 713 с.

РЕЗЮМЕ

Ушбу макола талабаларда касбий-ижодий кобилияtlарни ривожлантиришнинг усул ва воситалари масаласи кўриб чиқилиб, Касбий кобилияtlар муаммоси бўйича илмий-тадқикот ишлари дунё миқёсида ва мамлакатимизда кўплаб тадқикот ишларида таҳлил килингандиги ўрганилаётган тадқикот бўйича кўпгина илмий ишларда биз тадқиғтиларнинг турли хил касбий-педагогик ҳамда ижодий кобилияtlарни таснифлаштиришга интилишларига дуч келамиз.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются методы и средства развития профессиональных и творческих способностей студентов, исследуются исследовательские работы по проблеме профессиональных способностей, которые анализировались во многих исследованиях в мире и в нашей стране. Во многих исследуемых нами исследовательских работах мы встречаем попытки исследователей классифицировать различные профессионально-педагогические и творческие способности.

SUMMARY

This article examines the methods and tools for the development of professional and creative abilities in students, and studies the research work on the problem of professional abilities, which has been analyzed in many studies around the world and in our country. In many of the research papers we study, we encounter researchers 'attempts to classify different professional, pedagogical, and creative abilities.

ЁШЛАРНИ КИТОБХОНЛИККА ЙЎНАЛТИРИШ ВА АҚЛИЙ САЛОХИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ

Акбарова М.Т.

*Андижон давлат университети,
Педагогика ва психология таълим йўналиши талабаси*

Таянч сўзлар: китобхонлик, мутолаа маданияти, харакатлар стратегияси, “Ёш китобхон” танлови.

Ключевые слова: чтение, культура чтения, стратегия действий, конкурс «Юный читатель».

Key words: reading, reading culture, action strategy, «Young Reader» competition.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини кўлга киритгач, ўрта таълим муассасалари, хусусан, таълим муассасалари ўқитувчиларининг китобхонлик маданиятини шакллантириш тузилмаси ва мазмунини тубдан яхшилаш устувор аҳамият касб этмоқда. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикасининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “2020—2025 йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва кўллаб-кувватлаш миллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида” ги карори [1] ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12 майдаги ПҚ-3721 сонли “Буюк алломалар, адид ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб килиш мақсадида ёшлар ўргасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисида” ги карори [2] ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 13 сентябрдаги ПҚ-3271 сонли “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутоласи ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб килиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида” ги қарорлари кабул қилинган [3].

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review)

“Мутолаа” сўзи арабча “ўқиши” деган маънога эга бўлса-да, бутунги кунда у китоб ўқишидан кўра кенгрот тушунчани англатмоқда. А. Умаров фикрича: “Мутолаа” маданияти ижтимоий гурухлар, уюшмалар ва алоҳида индивидларнинг умумий маълумот олишига йўналтирилган жараён, хулк-атвор ва фаолиятлари мазмуни ҳамда таркибий тизимларида юз берувчи ўзгаришлар мажмумини ифодаловчи билимлар, меъсрлар, ижтимоий ҳодисалар ва бошقا атрибутилардир.

Айни чоғда мутолаа маданиятини таълим тизимлари орқали маҳсус шакллантирадиган, ихтинослашган маълумотинсон ҳаёти давомида турли манбаалар - китоблар (бадий, илмий, ўкув, қомусий), оммавий аҳборот воситалари (газета, журнал, телевидение, радио ва шу кабилар), замонавий аҳборот технологиялари (интернет, электрон газета, журнал, кўлламма ва ҳоказолар), шунингдек, субъект билан бевосита мулокотга киришувчи шахслар (оила аъзолари,...) орқали ега бўлинадиган турли йўналиш ва шаклдаги умумий маълумотдан фарқлаш лозим бўлади». Профессор Е.И.Йўлдошев «Ўқиши маданияти» тушунчасига шундай таъриф беради: «Ўқиши маданияти - жуда кенг камровли тушунча бўлиб, китобга кизиқиши ва уни севиши, адабиёт билан кенгроқ танишиши, китоб ва у билан ишлаш ҳақидаги маҳсус билимларга эга бўлиши, шунингдек, китобдан тўла равишида фойдаланишига ёрдам берувчи кўнимка ва малакага эга бўлишини тақозо этади»

Сафо Матчон: «Китобхонлик - ўқицаган китоблар сони билан белгиланмайди балки у тушуниб ўқиши, яъни мақсадли ўқишидир. Шундан келиб чиқиб айтиши мумкинки, китобхоннинг ёзувчи айтмоқчи бўлган фикрини нечогли укишини, яъни асар «тили»га тушуниши китобхонлик маданияти, талантни даражаси кўрсатади.

Асар (араб. - из, кодисик) - 1) бирор нарсадан қолган ёки ундан дарак берувчи белги; нишон, из; 2) Мухаммад (сав) дан қолган барча суннатлар; 3) олим, ёзувчи, рассом, бастакор ва бошқа ижодининг маҳсулни.

Шу туфайли адабиётимиз талантли ёзувчилар билан бирга талантли китобхонларга ҳам ҳамиша еҳтиёж сезади». Унинг фикрича китобхонлик талантни тұфма емас, балки тарбия воситасида камол топади. Китобхонлик ҳақида гап кетгандা, олмон мутафаккири Гётенинг куйидаги фикрини жоизидир: «Китобхонника үрганиши учун қанчалик кўп вакт сарф қилинишини одамлар тасаввур қиласайдилар, бунинг учун мен ҳаётимнинг 80 йилини бағишиладим, лекин ҳали ҳам ўргандим, деб айта олмайман». Профессор В.Ф.Асмус ўзининг «Китобхонлик - меҳнат ва ижод» номли мақоласида эса китобхонликка шундай таъриф беради: «Мутолаа вақтида асар

бир кўздан иккинчи кўзага куйилган сув каби китобхон миясига қўйилиб қолмай, балки ижодкор китобхон томонидан қайта идрок этилади». «Тараққий этган хорижий мамлакатларда,- деб ёзди Х.Тўхтабоуев,- китобхонлик фан даражасига қўтирилган. Китобхонлик китобни тарғиб килишгина эмас, балки китоб ўқиши, ўқиладиган китобни танлай олишни, мағзини чақиши, яъни китоб ёрдамида ўзини англашни ўргатиш ҳамдир».

«Ахборот олиш маданияти» контекстида унинг тарбияга муҳтоҷ элементларини аниқлаш мумкин бўлади:

Ўқишига, ахборот олишига майл, ҳавас, шитиёқни шакллантириши;

Ўқилган китоб орқали фикрлаши йўлларини ўргатиши;

Мавжуд китобхонлик малакаларини такомиллаштириши.

Таълим ўқитиши, ўқиши, ривожланиш мужассам амалга ошириладиган жараёндир. Ахборот олиш маданиятини тарбиялаш таълим жараёндида амалга ошади. Эгаллаган билимлар ўқувчиларни изчил шакллантириб боришини таъминлайди.

Машхур франсуз файласуфи Франс Бекон “Китоблар тафаккур дурдоналарини авлоддан авлодга элтувчи ақл кемаларидир” деб бежиз айтмаган.Чунки китоб, ақл булоғини очадиган ва уни илҳомлантирадиган буюк мўъжизадир. Ақл-заковатни шакллантирувчи, инсон маънавий дунёсини бойитувчи восита - бу китоб, китобхонлик-дир.

Тадқиқот методологияси (Research Methodology)

Мамлакатимизда китоб ўқиши, китобхонликнинг жамият ва шахс учун аҳамияти, китобхонликни шакллантиришнинг ижтимоий-индивидуал жиҳатлари, талабаларда китоб ўқиши кўнікма, малакаларини шакллантириш, унинг педагогик, психологоик, методик талаблари, оиласвий китобхонликни ташкил қилиш масалалари бўйича бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Хорижий давлатлар педагог ва психололгари Л.Хелл , Д.Зиеглер , Д.Фаллоуэс , К.Мерга , А.Перрин , Д.Ф.Роберц кабиларнинг илмий изланишларида Буюк Британия, Франция, Германия, АҚШ давлатлари мисолида китоб ўқиши ва китобхонликнинг аксиологик жиҳатлари, ўқувчиларда китобхонлик маданиятини ошириш жараённинг таркибий асослари, муҳим йўналишлари тадқиқ этилган. «Китоб тафаккур қанотидир», деган эди аллома адабимиз Ойбек. Китоб ўқиган инсон, қайси соҳада ишламасин, тўғри фикрлаш, оку корани ажратиши, мураккаб вазијатларда оқилона қарор қилиш кўнікмасига эга бўлади. Бундан ташқари, нутки равон бўлади, одамларни ўз ортидан эргаштира олади

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results) Жаҳонда китоб ўқиши ижтимоий антропологиянинг янги маданий амалиёти дея баҳоланиб, уни таҳлил этиш тарихий тадрижийлик негизида амалга оширилади. Шунингдек, китоб ўқиши ижтимоий-маданий жараённинг индикатори сифатида белгиланган. Бу жараёнда мустақил компаниялар, давлат ва ижтимоий ташкилотлар, тадқиқот марказлари (Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти, Осиё ахбороттаҳлил жамғармаси) фаол иштирок этмоқда. Хусусан, АҚШнинг Санъат миллий жамғармаси томонидан 2004 йилда олиб борилган тадқиқотда ўшларнинг “бадиин асарларни ўқиши” даражаси кескин пасайиб кетишининг олдини олиш умуммиллий муаммо эканлигига алоҳида таъкидлаб ўтилган. Дунё миқёсида талабаларда китобхонлик кўнікмаларини ривожлантиришнинг коммуникатив технологияларини ишлаб чиқиши, оила ва мактаб ҳамкорлиги асосида ўқиши ва мутолаа маданиятини таркиб топтиришга доир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Айниқса, талабаларда китобхонлик кўнікмаларини ривожлантиришнинг ижтимоий педагогик механизмларини такомиллаштириш, китоб ўқишига қизиқиши шак-

ллантиришнинг педагогик-психологик омилларини аниқлаштириш мухим аҳамият касб этади. Шунингдек, таълимни ахборотлаштириш шаротида талабаларнинг китобхонлик кўнкималарини ривожлантиришнинг виртуал технологияларини ишлаб чиқиш, электрон ўкув адабиётлари билан ишлап орқали ахборот истеъмоли маданиятини таркиб топтириши мухим долзарблик касб этади.

Мамлакатимизда талабаларнинг китобхонлик кўнкималарини ривожлантириш, талаба-ёшларда мутолаа маданиятини таркиб топтиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Шу билан бирга талабаларда китобхонлик кўнкималарини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари, ташкилий-интегратив моделини такомиллаштириш, китоб ўқишига қизиқишини тарбиялашнинг интерфаол технологияларини ишлаб чиқиш долзарблик касб этмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содик, катъий ҳаётий нуктаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараённида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш” [4] каби мухим вазифалар белгилаб берилди. Бу эса китобхонлик кўнкималарини шакллантиришнинг назарий методологик асосларини аниқлаштириш, китобхонлик кўнкималарининг шаклланганлик даражасини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш, талабаларда китобхонлик кўнкималарини шакллантириш боқчиchlарини аниқлашни такозо этади. Таҳлиллардан кўриниб турибдики, талаба-йошларда китобхонлик кўнкималарини шакллантириш масалалари, уларда китоб ўқиш малакаси, маданиятини ривожлантиришнинг ўзига хослиги, китоб ўқишининг анъанавий ва замонавий технологиялари масалалари, китоб ўқиши ва китобхонликнинг аксиологик жиҳатлари, ўқувчиларда китобхонлик маданиятини ошириш жараёнининг таркибий асослари бўйича илмий изланишлар олиб борилган бўлсада, аммо китобхонлик кўнкималарини шакллантириш механизми масаласи етарли даражада тадқиқ этилмаган.

Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations).

Хулоса қилиб айтганда ҳаёт шундай бебаҳо, шундай саховатлики, китоб деб атальмиш мўжизани инсониятга тухфа этган. Китоб ўта нозик дид ва нафосатни тарбияловчи восита хисобланади, чинакам ижодкорлар маърифатпарварлар китобнинг қадрини ҳамиша юкори кўйғанлар. Китоб жамиятимиз ва руҳиятимиз озукаси у билан дўстлашиш кишини нафақат юксалтиради, балки унга жаҳонни танигади, ҳамроҳлик килади, уни эзгуликка етаклади.

Ҳозирда ахборот технологиялари ва коммуникасиялари тараккий этган даврда турли манбалардан турли мазмундаги ахборотларни тезда олиш имконияти чексиз. Бирок китоб мutoоласи билан шугулланиш ҳам жуда зарур хисобланади. Китобхонлик кишидан муайян кўнкимадан ташқари зеҳнлиликни ҳам талаб қиласди. Шундай экан, китоб ўқиш киши онгини ва фикрлаш қобилиятини ўстиради. Бугунги кунда юртимизда 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида барча соҳа ва тармокларда улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бу борада жамият ҳётидага эзгу кадрият ва анъаналарни чуқур карор топтиришга, хусусан, ҳалқимиз, айниска, ёш авлоднинг маънавий-интелектуал салоҳияти, онг-у тафаккури ва дунёкарашини юксалтиришда, она Ватани ва халқига садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол шахсни тарбиялашда бекиёс аҳамиятга эга бўлган китобхонлик маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатнинг маънавий даражасини кўрсатадиган мухим кўрсаткичлардан бири ўша халқнинг китобхонлиги, бутун қандай китобларни мутолаа қилаётганлиги билан

белгиланади. Шунинг учун ҳозирги кунда халкимиз орасида китобхонлик маъданиятини ошириш, ёшларни оммавий китобхонликка жалб этиш борасида давлат сиёсати даражасида бир қатор амалий ишлар бажарилмоқда. Шунки Президентимиз ҳам ўз нутқида таъкидлаганидек, бугун китоб ўқиётган бола ертага ўнта телевизор кўраётган болаларни бошқариши аниқ. Буни Ўзбекистон ёшлар итифоқи томонидан уч йилдан бўён ўтказиб келинаётган “Ёш китобхон” танлови орқали сезиш ҳам мумкин. Бу танлов кўпчиликда китобхонлик маданиятини шакллантира олди. Кўп китоб ўқиган инсон қайси соҳада ишламасин, тўғри фикрлаш, оқ-у корани ажратиш, мураккаб вазиятларда оқилона қарор қабул килиш кўнникласига эга бўлади. Бундан ташқари, нутки равон бўлади, одамларни ўз ортида эргаштира олади.

Адабиётлар:

1. Конун хужжатлари мазъумотлари миллий базаси, 14.12.2020 й., 09/20/781/1619-сон)

2. (Конун хужжатлари мазъумотлари миллий базаси, 15.05.2018 й., 07/20/3721/0851-сон)

3. Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, 2017 й., 38-сон, 1029-мода; Конун хужжатлари мазъумотлари миллий базаси, 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон, 13.12.2019 й., 06/19/5893/4150-сон)

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ти ПФ-4947-сон Фармони. – Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон

РЕЗЮМЕ

Ушбу маколада ёшларни китобхонликка йўналтириш орқали уларда мутолаа маданияти, мъявнавий-ахлокий карашлари ва аклий салоҳиятини юксалтириш кўзда тутилган. Китобхонлик кенг тарғиб килинган. Кўплаб илмий манбаларни таҳлил килиш натижасида биз қасбий-педагогик таълим жараённида амалга ошириладиган интерфаол ўқитишининг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга муваффақ бўлдик. Ўқитишининг интерфаол методлари ва технологиялари талабаларнинг таълимий эхтиёжларини кондишишга йўналтирилади.

РЕЗЮМЕ

Эта статья направлена на повышение культуры чтения, духовных и нравственных взглядов и интеллектуального потенциала молодых людей, направляя их к чтению. Широко пропагандируется чтение. В результате анализа множества научных источников мы смогли выявить особенности интерактивного обучения в процессе профессионального образования. Интерактивные методы и технологии обучения ориентированы на удовлетворение образовательных потребностей студентов.

SUMMARY

This article aims to raise the reading culture, spiritual and moral views and intellectual potential of young people by directing them to reading. Reading is widely promoted. As a result of the analysis of many scientific sources, we were able to identify the specific features of interactive teaching in the process of vocational education. Interactive teaching methods and technologies are focused on meeting the educational needs of students.

БЎЛАЖАҚ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МУТАХАССИСЛАРИДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ОИД ТУШУНЧАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДОЛЗАРБ ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА

Алижонова М.Р.

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти “Ўзбек тили педагогика ва жисмоний маданият” кафедраси катта ўқитувчisi педагогика фанлари фалсафа доктори (PhD)

Таянч сўзлар: аклии қишлоқ хўжалиги, масофадан зондлаш, биоактив моддалар, миллий қадриятлар.

Ключевые слова: умное сельское хозяйство, дистанционное зондирование, биологически активные вещества, национальные ценности.

Key words: smart agriculture, remote sensing, biologically active substances, national values.

Кириш. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин жамият маънавий ҳаётини согломлаштириш ва ривожлантириш, инсон омилига катта эътибор бериш асосий вазифа сифатида кун тартибига кўйилди. Бу жамият олдида турган вазифаларни ҳал этишга оқилона ёндашишнинг кўринишидир. Бу жиҳатдан, глобаллашув жараёнлари тобора кенгайиб ва чукурлашиб бораётган ҳозирги даврда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябorda Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида бутун жаҳондаги 2 миллиарддан ортиқ ёш авлод вакилларининг инсоният тараққиётида муҳим ўринга эга бўлаётгани ва ёшлар омилининг алоҳида эътиборни талаб қилаётгани ҳақидаги фикри ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Ўртбошимизнинг ушбу анжумандаги “Сайёрамизнинг эртаниг куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ... Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир”, – деган хуносаси эса БМТга аъзо барча мамлакатлар вакилларининг дикқатини ўзига қаратгани бежиз эмас”.

Дарҳақиқат, истиқлол тудайли халқимиз ўз тақдирининг эгаси, тарихининг ижодкори, ўзига хос миллӣ маданиятининг соҳибиға айланди. Миллӣ ўз-ўзини англишга интилиш кучайди.

Мазкур жараёнда тарбиявий қадрияларга алоҳида эътибор қаратилиши, унинг бўлажак мутахассис шахсини ривожлантиришдаги аҳамиятининг очиб берилиши ўта муҳимдир. Бўлажак мутахассис шахсини ривожлантиришда қуидаги тарбиявий қадриялар муҳим аҳамият қасб этади:

- бой маънавиятимиз сарчашмаларидан баҳраманд бўлиб бориш;
- жаҳон маданияти ҳазинасига катта ҳисса кўшган буюк аждодларимизнинг илмий, маданий мероси чукурлиги англаб олингандиги;
- ёшларни ўз ўтмишига, миллий, диний анъяналарга ҳурмат билан қарashi, уларни асрар-авайлаш руҳида тарбияланаётгандиги;
- ўз миллатининг ўзга миллатлар олдидаги қадр-кимматидан, обрў-эътиборидан фархланиш;

миллат манфаатини ҳимоя қилишдаги масъулиятни ҳис этиш ва келажакка ишонч.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review)

Давлатимиз раҳбарининг фармон ва қарорларига биноан, 2020 йилдан бошлаб кишлоқ хўжалигига бозор механизмларини кенг жорий этиш, тўлиқ ракамлаштириш, фермер ва дехқонлар манфаатдорлигини ошириш максадида пахта ва галла этиштиришга давлат буюртмасини бекор қилиш ҳамда бозор тамойиллари асосида харид қилиш тизимиға босқичма-босқич ўтиши белгилаб берилди. Бу борада Президентимиз томонидан 2020 йил 28 январда имзоланган “Ўзбекистон Республикаси кишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси белгиланган вазифаларни 2020 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори дастуриламал бўлади [1].

Кишлоқ хўжалиги вазирлиги соҳада инновацион лойиҳаларни ҳаётга татбик этишга катта эътибор қаратмоқда. Олиб борилаётган изланишлар, турли даражадаги ҳамкорликлар негизида тармоқда туб бурилишлар рўй бериши кутиляпти. Аввало, сунъий йўлдош тасвирлари ва техник воситалари ёрдамида ракамлаштиришни босқичма-босқич амалга оширишда “Ақъли кишлоқ хўжалиги”ни жорий этиш кон-

цепцияси лойихаси ишлаб чиқилади. Лойиха амалиёттә татбиқ этилса, дөхкончилик маҳсулотларининг экспорт имконияти кенгаяди, “ишлаб чиқаришдан пештахтагача” кузатув тизимини 50 фоиз ишга туширишга эришилади. Мехнат унумдорлиги 30 фоиз ошиб, пахта хосили тўлиқ машинада териб олинади. Стрессларга чидамли, юкори хосилдор, ташишга мослашган, биоактив моддаларга бой экинлар навларини яратиш 100 фоиз таъминланади.

Сунъий йўлдош маълумотлари республикада “аниқ дехкончиликни юритиш” бўйича ахборот-таҳлилий базани шакллантиришга хизмат қилади ва фермер хўжаликларининг мобил иловадан фойдаланиши имконияти яратилади.

Яна бир муҳим йўналиш — “Ақлли иссиқхона” технологияси бўйича лойихалаштириладиган обьектлар сони 500 тага етказилади. Чорвачилиқда эса маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг автоматлаштирилган тизими йўлга кўйилади. Бунинг натижасида соҳада ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатлар 15 фоиз кискаради [2].

Тадқиқот методологияси (Research Methodology)

Президентимизнинг 2019 йил 19 августрдаги “Тошкент давлат аграр универсиитети фаолиятини янада тақомиллаштириши чора-тадбирлари тўғрисида”ти карорига мувофик, Тошкент давлат аграр университети ва унинг Нукус, Андижон, Термиз филиаллари тузилмасини ва уставлари янгидан тасдиқланиб, қишлоқ хўжалигида рақамли технологиялар, агротуризм, қишлоқ хўжалигида кооператив бошқарув, гидробиология, ихтиология, асаларичилик, ветеринария медицинаси (хайвонот турлари бўйича), зооинженерия (қорамолчилик), қишлоқ хўжалиги иктисадиёти, тупрок бонитировкаси ва ер ресурсларидан фойдаланиш, агросаноатда технологик жараёнларни автоматлаштириш ва техник сервис, агробизнес ва маркетинг йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрлаш йўлга кўйилди [3].

Қарорга мувофик, ушбу олий таълим мусассасаларида қишлоқ хўжалиги таълими ва илм-фанини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари этиб тармоққа инновацион ресурс тежамкор технологияларни кўллаш, “Ақлли қишлоқ хўжалиги” (Smart agriculture) ва рақамлаштирилган агротехнологияларни жорий қилиш бўйича замонавий билимларга эга бўлган кадрлар тайёрлаш белгиланди. Бу, олий таълим тизимида ҳар томонлама стук кадрлар тайёрлашга давлат сиёсати даражасида қаралаётган айни пайтда қишлоқ хўжалигида ҳам рақамли технологиялар билан ишлай оладиган, ҳалқаро тажрибаларни пухта ўзлаштирган малакали кадрлар тайёрлашда муҳим омил бўлади. Шу билан бирга, бўлажак қишлоқ хўжалиги мутахассисларида дехкончилик маданияти ва фермерлик маънавияти учун зарур миллий кадриятлар тизимини ривожлантириш зарурлигини англатади. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги миллий маданиятизмизни рақамли технологиялар орқали самарадорлигини ошириш учун бўлажак мутахассисларда миллий қадриятларга оид тушунчаларни ривожлантириш таалаб этилади.

Тахлил ва натижалар (Analysis and results) Мамлакатимизда рақамли қишлоқ хўжалигига ўтиши ишлари Қишлоқ хўжалиги ва озик-овқат ташкилоти (ФАО) ва Жаҳон банки билан ҳамкорлиқда амалга ошириляпти. Эндилиқда экин ерлари, яйлов ва ўрмон майдонларини электрон тарзда мониторинг қилиш лойихаси, қишлоқ хўжалигини рақамлаштиришга ўтишининг фазалари ва йўналишларини аниқ белгилаш бўйича техник-иктисодий асоснома ҳамда техник топширик ишлаб чиқилади.

Президентимизнинг 2019 йил 17 июнданға фармони билан тасдиқланган концепция доирасида қишлоқ хўжалигига фойдаланишга киритиладиган срларни геоахборот тизими орқали мониторинг қилиш мақсадида маҳсус онлайн платформа прототипи яратилди [4]. Агросаноат мажмуига тегишли барча вазирлик ва идоралар ахборот

тизимларининг интеграциясини таъминлайдиган ягона дастур ҳам ишлаб чиқилади. Айни пайтда эса “Ақлли қишлоқ хўжалиги” давлат дастури лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда.

Қишлоқ хўжалигининг такомиллашган тизимларида турли “ақлли технологиялар” (смарт-сенсорлар) экин ва атроф-мухит шароитидан келиб чиқилган ҳолда ўрнатилади. Масалан, зааркунандалар ва касалликларни олдиндан аниқловчи, иқлим назорати — ҳароратни, намликни, карбон диоксид даражасини ўлчовчи воситалар, озуқа моддалари билан таъминлаш ва сугориш асбоблари кабилар шулар жумласидан. Уларнинг қўлланилиши ҳосилдорликни камидан 30 фоиз оширишини кафолатлади. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни сотиш занжирларида ҳам такомиллашган тизимлар жорий этилади ва пировардидагатта ҳажмдаги электрон маълумотларни йиғиш имконияти яратилади. Уларни саклаш ва таҳжил қилиш натижасида эса сув, ер ва бошқа чегаралангандан ресурслардан самарали фойдаланиш, озиқ-овқат сифати ва ҳафисизлигини таъминлаш мумкин.

Электрон тизимнинг қулагилги шундаки, хосил йиғилганидан сўнг ҳам унинг фаолияти маҳсулотларни кайта ишлаш, қадоклаш, тозалаш, навга ажратиш, етказиш ва бош-ҷа кўшимича киймат занжирларини яратиш каби йўналишларда давом этади. Қисқаси, “Ақлли қишлоқ хўжалиги” технологиялари юқори ҳосилдорлик ва сифатга эришиш, сув сарфи ҳамда маҳсулот таннархини камайтириш, ҳосилни режалаштириш ва прогнозлаш каби йўналишларда муҳим ўрин тутади. Шу билан бирла, смарт-технологиялар жорий этилиши ёш авлод вакилларида бу тармоқка кизикиш уйғотади. Бу эса соҳада янги иш ўринлари кўпайишга йўл очади. Аммо раками қишлоқ хўжалигини ташкил этиш ва ундан фойдаланиш билан боғлик масала ҳам борки, у соҳани чуқур биладиган ҳамда замонавий техник-технологик билимларга эга малакали кадрлар талабини юзага келтиради. Энг аввало, қишлоқ хўжалигига янги касб эгалари — дастурчи, ИТ (асбоблар интернети) муҳандиси, ИТ-мутахассислар зарур бўлади [5].

Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations). Ҳар бир ҳалқнинг турмуш тарзи ва маданияти, менталитети шаклланишида у ўшаган табиий-экологик муҳит билан бирга анъанавий хўжалик фаолияти ҳамда у билан боғлик анъаналарга бевосита боғлик. Бу борада Ўрга Осиё ҳалқлари узок даврлардан бошлаб табиий шароитга мослашиб ўзига хос хўжалик-маданий типларини яратгандар. Бундай жараёнлар Фаргона водийси ўзбекларининг хўжалик ҳаётида ҳам ўз тасдиини топган [6].

Ўзбекистон худудаги маҳаллий хўжалик анъаналарни куйидаги хўжалик-маданий типларга ажратиш мумкин [7]:

- 1) сугорма деҳқончилик;
 - 2) боғдорчилик, чорвачилик билан биргалиқда тог ва тог олди деҳқончилик хўжалиги;
 - 3) дашт деҳқончилиги ва яйлов чорвачилиги худудларига бўлишимиз мумкин.
- Деҳқончилик ўзбек ҳалқининг қадимги анъанавий хўжалик машғулотларидан бири ҳисобланган. Асрлар давомида тажриба ва усуслар, нозик фенологик кузатишлар асосида ўзига хос деҳқончилик билан боғлик экологик маданият шаклланган. Экологик маданият маҳаллий диний қарашлар ва ритуалларда ҳам муҳим аҳамият касб этган. Умуман олганда, деҳқончилик билан боғлик тасаввур ва қарашлар ҳалқ тафаккурининг мўъжизаларидан биридир.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 августдаги “Тошкент давлат аграр универ-

ситети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари түгрисида” ги Қарори // Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.08.2019 й., 07/19/4421/3590-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси кишлоп хўжалигини ривожлантиришин 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси белгиланган вазифаларни 2020 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари түгрисида”ги ПҚ-4575-сон қарори // Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.01.2020 й., 07/20/4575/0086-сон.

3. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида сўзлаган нутки // «Халқ сўзи», 20 сентябрь, 2017 й.

4. Ахмедова Э, Губайдуллин Р. Маданиятшунослик. Жаҳон маданияти. – Тошкент: Ўзбекистон бадий академииси, 2001 й. – 190 с.

5. Жаббаров А.М., Жаббаров И.А., Жаббаров Ж.А. Этнические стереотипы и психология самобытности узбекского народа. Каршинский государственный университет, Узбекистан. Журнал научных публикаций аспирантов и докторантов 01.2015 г. <http://www.jurnal.org>

6. Жураева Х. И. Религия и духовность в Узбекистане сквозь века // Молодой ученый. – 2016. – №13. – 900-902 с.

7. Зубова Е.И. Музей общеобразовательной организации как центр духовно-нравственного воспитания обучающихся «Вестник академии детско-юношеского туризма и краеведения». – № 3. 2016. – 61-69 с.

РЕЗЮМЕ

Ушбу маколада бўлажак кишлоп хўжалиги мутахассисларида миллий қадриятларга оид тушунчаларни ривожлантириши долзарблиги ҳакида сўз юритилган. Кишлоп хўжалиги ерлари ва уларда этициклидиган экинлар ҳолатини тезкор ҳамда аниқ баҳолашда ҳам сунъий йўлдош маълумотларидан фойдаланиш, масофадан зондилаш технологиялари тажрибадан ўтказилиади. Бу билан республика бўйича барча турдаги кишлоп хўжалиги экинларини аниқлаш ва майдонларни баҳолашга эришилади.

РЕЗЮМЕ

В статье обсуждается актуальность разработки концепций национальных ценностей у будущих профессионалов сельского хозяйства. Использование спутниковых данных и технологий дистанционного зондирования будет апробировано для быстрой и точной оценки состояния сельскохозяйственных земель и сельскохозяйственных культур. Это поможет определить и оценить площади всех видов сельскохозяйственных культур в стране.

SUMMARY

The article discusses the relevance of the development of concepts of national values among future agricultural professionals. The use of satellite data and remote sensing technologies will be tested to quickly and accurately assess the condition of agricultural land and crops. This will help to identify and estimate the area of all types of crops in the country.

ОИЛАДА ИШБИЛАРМОНЛИКНИ ШАКЛАНТИРИШНИНГ МАЊНАВИЙ-МАЃРИФИЙ МАСАЛАЛАРИ

Бабаҳолов Ғ.Т.

Самарқанд давлат университети, мустақил тадқиқотчиси

Таяинч сўзлар: оила, оиласий тадбиркорлик, тадбиркорлик маданияти, ишбилармонлик, меҳнат қобилияти, ижтимоий ҳимоя, бозор иқтисодиди.

Ключевые слова: семья, семейный бизнес, деловая культура, предпринимательство, трудоспособность, социальная защита, рыночная экономика

Key words: family, family business, business culture, entrepreneurship, ability to work, social protection, market economy.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин ўзбек оиласарида катта миқдорий ва сифатий ўзгаришлар юз берди. Бу ижтимоий ҳодисадаги миқдорий ўзгаришларни оиласарнинг сони ҳамда уларда тарбияланадиган фарзандларнинг кўпайганлигига, эр ва хотиннинг шахсий ҳамда мулкий ҳукуқларининг тенглаштирилганлигига, ҳар бир оила учун алоҳида уй-жой қурилаётганлигига, етарлича озиқ-овқат маҳсулотлари,

замонавий уст-бош, кейим-кечак билан таъминланыётганлигига, бепул таълимнинг жорий этилганлигига, соғлиқни сақлаш учун барча шарт-шароитлар узлуксиз равишида ташкил этилаётганликларида, кам таъминланган оиласлар ижтимоий жиҳатдан химоя килинаётганликларида, сифатий ўзгаришларни эса эр ва хотин, ота ва оналарнинг давлатимиз юритаётган одилона сиёсатни тўғри англаб етаётганликларида, фарзандларининг келгусида комил инсонлар бўлиб этишишилари учун ҳаракат килаётганликларида, уларга аждодларимиздан мерос бўлиб қолган умумисоний ва миллий кадриятларни сингдиришга ҳаракат килаётганликларида, тинч-тотув яшашни олий баҳт саодат эканлигини тушунтираётганлигига, она-Ватан равнақи учун тинмай самарали меҳнат қилиш, тадбиркорлик билан иш юритиш санъатини эгаллашга уринаётганлигига кўриш мумкин. Шунинг учун ҳам давлат ва жамоат арбоби И.А.Каримов оиласнинг жамият хаёти ва унинг ривожидаги ўрни ҳақида: “Онгли яшайдиган ҳар бир одам яхши англайдики, бу ёруғ оламда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, ҳаёт абдийлиги, бебаҳо неъмат бўлмиш фарзанд бор. Фарзанд бор экан, одамзод ҳамиша келажакни ўйлаб, эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди. Оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат баркарор”,- деган эди.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир оиласнинг моддий ҳамда маънавий жиҳатдан эркин ва фаровон бўлиши оила аъзоларининг ихтиёрларида бўлган моддий ва маънавий маблаглардан унумли фойдаланган ҳолда ўз эҳтиёжларини кондириш учун кўпроқ даромад топишдан иборатдир. Бунга эса оиласнинг тадбиркорликни йўлга кўйиш оркали эришиш мумкин.

Хўш, оиласний тадбиркорлик нима? Бу ҳақда Г.М.Шодиева ўзининг “Оила ҳўяжалиги фаровонлигини ошириш: муаммолар ва уларнинг очимлари” номли монографиясида: “Оиласний тадбиркорлик деб, оиласний мулкка асосланган, оила аъзолари иштирок этадиган ва маълум даражада даромад (фойда) олишини қўзлаб қилинадиган фаолиятга айтилади”, -деган бўлса, профессор М.Қ.Пардаенвинг умумий таҳрири остида чиккан “Оиласний корхона иқтисодиёти” номли монографияда: “Оиласний тадбиркорлик деганда, оила аъзоларининг ва уларга кўмаклашадиган бошқа ёлланган иштирокчиларнинг таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида жисмоний ёки юридик шахс мақомини олиб, қонуний асосда даромад (фойда) олишга мўлжалланган тадбиркорлик фаолияти тушунилади”, -дэйилган. Олимлар томонидан берилган бу фикрларни тор ва кенг маънодаги таърифлар сифатига эътироф этиш мумкин. Бироқ, Узбекистон Республикасининг “Оиласний тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуннинг (2012 йил 26 апрель) 3- моддасида: “Оиласний тадбиркорлик оила аъзолари томонидан таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш максадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолиятидир”, - деган таъриф берилган. Юкорида келтирилган барча тушунчалар ўзининг моҳияти ва аҳамиятига кўра оиласний тадбиркорлик феноменини ўзида тўғри акс эттирган бўлиб, уларда масаланинг маънавий – маърифий томонлари эътиборга олинмаган.

“Оила” сўзи асли арабча бўлиб лугавий маънода “бола-чака, хонадон”; “уруг, авлод” деган маъноларни англатади ва ижтимоий-фалсафий жиҳатдан “эр-хотин, уларнинг бола-чакалари ва энг якин туғишганларидан иборат бирга яшовчи кишилар мажмумини” акс эттирувчи тушунча сифатига ишлатилади. Оиласний тадбиркорликнинг асосий механизмини оиласний корхона ташкил этади. Оиласний корхона субъектларини оила бошлиғи – эри ёки хотини, болалари ва набиралари, ота-онаси, туғишган ҳамда ўтай ака-ука ва опа-сингиллари, уларнинг эрлари ёки хотинлари, тога ва амаки, амма ва холалари хуллас меҳнатга қобилятли ёшга тўлган бошқа қариндошлари

ташкил этиши мүмкін. Демак, оиласы корхона иқтисодий жиҳатдан ўзига хос түзилишга эга бўлган ихтиёрий бирлашмадир. Унинг тадбиркорлик соҳасидаги муваффакиятли иш юритиши оила аъзоларининг маънавият ва маърифатли тарзда ташаббускорлик билан иш олиб боришларига боғлиқдир. Демак, бу масала ўз навбатида оиласа маънавият ва маърифат қонунлари асосида тадбиркорлик маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришни талаб этади.

Оиласа тадбиркорлик маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришни маънавий-маърифий жиҳатларини куйидагилар ташкил қиласди.

Биринчидан, оиласы тадбиркорликни амалга ошириш воситаси бўлган оиласы корхона фаолиятини йўлга кўйишда эр ва хотиннинг умумий мол-мулкка эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этишида тенг хукуқликка асосланишини қонуний асосда йўлга кўйиш орқали оила аъзоларини хукуқий жиҳатдан маданиятли қилиб тарбиялашни ташкил этиш зарур бўлади. Бу ишни маърифий жиҳатдан амалга ошириш учун эса ҳар бир маҳаллада “Оиласаги хукуқий саводхонлик – тадбиркорлик маданиятини шакллантириш гарови” деган мавзууда “оиласий ўқиси” ишларини йўлга кўйиш даркор.

Иккинчидан, оиласа тадбиркорлик маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришни мухим жиҳатларидан бири бу оиласы тадбиркорлик субъектларини ҳалоллик руҳида тарбиялашдир. Бунда “Ҳалол” - арабча сўз бўлиб, ўзбек тилида руҳсат этилган, йўл кўйилган, қонуний, асосли, тўғри, вижданли одам , деган маънени англатади. Демак, ҳалоллик бу - кишиларнинг ўзига карашли, ўз меҳнати билан пешона тери тўкиб топадиган, хиёнат, фирромлик кабилардан холи, қингир йўлга бормайдиган, бирвони алдамайдиган, тўғри, соғдил тарзда ҳаёт кечиришга қаратилган маънавий фаолиятидир. Бусиз тадбиркорлик хиёнат, фирромлилк, қингирлик билан пул топишдан бошқа нарса бўлмай қолади. Оиласа ҳалоллик намунаси бўлиб биринчи навбатда бобо-момолар ўгити, ота-оналарнинг ҳалол меҳнати, ёши катталарнинг ибратли ишлари хизмат қиласди. Шунинг учун ҳам ҳар бир маҳаллада “Маданиятли тадбиркор оила” кўрик танловларини ўтказиб бориш, уларнинг саховатли ишларини мунтазам равишда оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб ва ташвиқ қилишни йўлга кўйиш мақсадга мувофиқдир.

Учинчидан, оиласа тадбиркорлик маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш мезонлари категорига – тадбиркорларнинг кам таъминланган оиласалаларга, қарияларга, меҳрибонлик уйларига, маҳалладаги турли хил ободонлаштириш ва бошқа маданий-маърифий ишларга ижтимоий жиҳатдан ёрдам бериш, яъни уларнинг оғирини енгил қилиш борасидаги ишларини киритиш мүмкін.

Оиласа тадбиркорлик маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришни маънавий-маърифий жиҳатлари кўп кирралидир. Бунда асосий методологик масала бўлмиш «..маънавий ҳаётимизни юксалтиришда, жамиятимиздаги эзгу инсоний фазилатларни кенг карор топтиришда, тобора кучайиб бораётган бизнинг миллий табиатимиз, урф-одатларимизга мутлако зид бўлган ҳар қандай зарарли таъсирлар, бузгунчи ғояларга қарши туришда, азалий қадриятларимизни асраб-авайлашда оиласи мустахкам таянч деб билишимиз” бунда “Оиласи тарбия масаласида хатога йўл қўймаслик учун аввало ҳар қайси хонадондаги маънавий иқлимини ўзаро хурмат, ахлоқ-одоб, инсоний муносабатлар асосига куриш” ни тўғри ҳал этишдир.

Оиласа тадбиркорлик маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришдан асосий мақсад оиласинг маддий фаровонлигини таъминлаш, унинг маънавий баркамоллигини юксалтириш, ҳалоллик ва ташаббускорлик билан фидокорона меҳнат қилиб мамлакатимизни “тадбиркор давлат” даражасига кўтариш асосида

жахондаги ривожланган давлатлар қаторидан жой олишини таъминлашдан ибораттир.

Оила инсон ҳәётининг узлуксизлигини таъминловчи маңбаи экан, у ҳеч қачон бир жойда тұхтаб турмайды. Оила доимо ҳәётдеги қарама -каршиликларни енгіб, инкорий тарзда микдорий ўзғаришлардан сифатий ўзғаришларга қараб бораверади. Шу нүктай назардан қараганда бутунги кунда: “...хар қайси оиласады фаровонлик, одамларнинг ҳәётта бўлган муносабати, жамиятимизнинг ижтимоий баркарорлиги, аввало, ахолининг иш билан қандай таъминланганинга, уларнинг ишни қандай ташкил этилганига, ўз меҳнатига мунособ даромад топишига чамбарчас боғлиқдир”. Бу эса мамлакатимизда ижтимоий ишни ташкил этишининг энг мақбул йўлларидан биридир. Ижтимоий ҳимоя – давлатимиз юритаётган адолатли ижтимоий –иқтисодий сиёсатнинг кузгусидир.

Оиласада ишбилиармонликка асосланган тадбиркорликнинг қандай даражада эканлиги масаласи бўйича статистик маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, республикада феврал ойидаги ишбилиармонлик фаоллиги индекси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,4 фоизга ошганлигини, хусусан, Фарғона вилоятида 51,3 фоиз ўсиш кузатилган ва бу энг юкори кўрсаткич сифатида қайд этилган. Кейинги ўринларда Бухоро (44,1 фоиз) ва Самарқанд (35,2 фоиз) вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида (34,5 фоиз) сезилиарли даражада ўсиш кузатилган.

Ўтган ойда Ўзбекистонда ишбилиармонлик фаоллиги индекси январга нисбатан 9,9 фоизга ошиди. Бунда ўсиш кўйидаги таркибий қисмлар даражасидаги ўзғаришлар билан боғлиқ бўлди:

- хўжалик юритувчи субъектларнинг банк хисоб варакаларидағи операциялар сони 19,6 фоизга;
- фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектлар бўйича компонент 1,3 фоизга;
- товар-хомашё биржасида хомашё сотиб олиш жадаллиги 6,8 фоизга;
- товар белгилари бўйича компонент 0,5 фоизга ошган лигини кўрамиз. Демак, оиласавий ишбилиармонликка асосланган тадбиркорлик ишсизликни тугатиб камбағалликдан кутилишнинг асосий омилларидан бири эканлигининг гувоҳи бўламиз.

Бу хусусда Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев шундай деган эди: “Келгуси ўн йилликда ушбу соҳада ижобий натижаларга эришиш учун яна кўйидагиларга алоҳида эътибор беришимиш зарурлигини яхши англаймиз:

- баркарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалардан келиб чиккан ҳолда, 2030 йилгача камбағаллик даражасини 2,0 мартаға камайтириш;
- келгуси ўн йилда камбағал оиласалардаги ишсизларни тадбиркорликка жалб этган ҳолда, 500 минг янги иш жойларини ташкил этиш, ишсизлик даражасини 2,0 марта қисқартириш;
- 2030 йилгача камбағал оиласаларни 600 мингта квартиralар билан имтиёзли асосда таъминлаш, уй шароитларини яхшилаш учун имконият яратиш;
- камбағал оиласалардаги болаларни мактабгача тарбиялаш муассасаларидағи қамровини 2020 йилдаги 10 фоиздан 2030 йилда 30 фоизга кўпайтириш, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа ижтимоий соҳаларда ахолини, жумладан, камбағал оиласаларни минимал истеммол стандартларини давлат томонидан тўлиқ таъминотини таъминлаш;
- ✓ кам таъминланган оиласаларнинг дехқончилик қилиши учун ҳар йили 30,0 минг гектар кишлөк хўжалигига фойдаланилмаётган ер майдонларини ажра-

тиб бериш, томорқа хўжалигидан самарали фойдаланиш учун қулай шароит яратиш;

- ✓ 2030 йилгача барча мухтоҷ камбағал оиласларни мақсадли ва самарали ижтиёмий ҳимоясини амалга ошириши.

Хуллас, давлатимиз сиёсатининг барча устувор йўналишларини амалга оширишда камбағалликни қисқартириш муҳим ўрин эгаллади”.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: «Ўзбекистон» нашриёти, 2021. - Б.441-442.

2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5. Ж. – Т.:” Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти,2008. - Б.494.

3. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислоҳотларни чукурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир.// Унинг ўзи: Бизнинг йўлимиз – демократик ислоҳотларни чукурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир Т.20.- Т:Ўзбекистон,2012.-Б.89-90.

Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.- Т.«Маънавият»,2008.- Б.55

РЕЗЮМЕ

Илмий мақолада янгиланаётган Ўзбекистон шароитида Оиласвий тадбиркорликнинг шакллантиришиша тадбиркорлик маданиятининг урни. Оиласвий тадбиркорликнинг ахолининг турмуш шароитини янада яхшилаш истиқболларни ёритиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье освещается роль бизнес-культуры в формировании Семейного бизнеса в обновленном Узбекистане, а также перспективы дальнейшего улучшения условий жизни населения семейного бизнеса.

SUMMARY

The role of culture in the formation of Family business in the conditions of Uzbekistan, which is being updated in the scientific article, and the prospects for further improvement of living conditions of the population of Family business.

**БЎЛАЖАК БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚИТИУЧИЛАРИНИ ТАРБИЯ
ФАНИНИ ЎҚИТИШГА ТАЙЁРЛАШДА ШАРҚ
МУТТАФАККИРЛАРИНИНГ ПЕДАГОГИК
ГОЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

Халилов Ф.Ф.

Андижон давлат университети таянч докторанти

Таянч сўзлар: тарбия, таълим сифати, тарбия методлари, шахсни тарбиялаш, салоҳият, бола тарбияси.

Ключевые слова: воспитание, качество образования, методы воспитания, воспитание личности, потенциал, воспитание детей.

Key words: upbringing, quality of education, methods of upbringing, upbringing of personality, potential, upbringing of children.

Кириш. Республикаизда «кузлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш йўлини давом эттириш, сифатли таълим хизматларига имкониятларни ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрларни тайёрлаш», шу билан биргаликда умумий ўрга таълим сифатини тубдан ошириш, тарбиявий ишларга оид талаб юқори бўлган фанларни чукурлаштирилган тарзда ўргатиш; иш берувчиликнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган мутахассисликлар бўйича тайёрлаш ҳамда олий таълим тизимида фаолиятининг сифати ва

самарадорлигини ошириш устувор вазифа сифатида кенг күламли ишлар олиб борилмоқда.

Юртимизда бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларини тарбия фанини ўқитишга тайёрлаш методикасини доимий ўзгариб бораётган шароитда илгор хорижий тажрибаларни ўрганган холда, бошлангич таълимда ўқитувчиларнинг методик тайёргарлигини такомиллаштириш технологиясини, дидактик асосларини ишлаб чикиш, педагогик шарт-шароитлари, мазмуни ва тузилмаси, такомиллаштириш мезонлари ва шаклланганлик даражалари, шакл, метод, воситалари, модели, ўқитиш сифатининг самарадорлигини ошириш, назарий ва амалий асосларини ишлаб чикиш муҳим аҳамият қасб этади. Бугунги янгиланиш, маънавий юксалиш даврида ҳар томонлама етук, билимдон, ижодкор ёшларни тарбиялаш ҳозирги куннинг асосий таалобларидан биридир.

Зеро юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек “Юртимизда ташкил этилаётган янги-янги боғчалар, мактаблар, олий ўкув юртлари, нуфузли хорижий университетларнинг филиаллари, маданият ва спорт иншоотлари, «Темурбеклар мактаби», «Президент мактаблари», «Ижод мактаблари» деб ном олган мутлако янги намунагадаги таълим масканлари бугунги глобаллашув шароитида ракобатга кодир бўлган етук кадрларнинг янги авлодини тарбиялашга хизмат қилмоқда” [1].

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳхили (Literature review)

Жаҳон миқёсида сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланишининг янада чукурлашуви, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш учун зарур ижтимоий фаол фуқаролар – юқори савияга эга мутахассисларни, меҳнат бозорида рақобатбардош ва бозор муносабатлари шароитида ҳамкорликдаги фаолиятга қодир шахсни тайёрлаш зарурати тарбияга оид кўнікмаларини шакллантириш муаммосини янада долзарблаштироқда. Айниқса, ўкувчиларда тарбияга оид кўнікмаларини шакллантириш ва “ақлли технологиялар” (смарт-сенсорлар) дан фойдаланиш лаёкатини ривожлантириш, уларда ижтимоий, маънавий-ахлоқий компетентликни таркиб топтириш, миллӣ анъана ва қадриятлар билан уйғунлигини таъминлашнинг педагогик механизmlарини такомиллаштириш муҳим аҳамият қасб этмоқда.

Замонамиз олимларидан бир қатир тадқиқотчилар тарбия мавзуларида изла-нишлар олиб боргандар. Жумладан, Б.М.Убайдуллаевна, З.Б.Жалолов, З.Э.Азимова, Н.Э.Азимова, Д.С.Давронова ва бошқаларнинг ишларида тарбиявий аҳамиятга эга бир қатир мавзулар талқин қилинган.

Д.С.Давронованинг “Оилада вояга етмаган болаларнинг ижтимоий онгини тарбиялаш тизимини ривожлантириш” мавзусидаги диссертациясида оилада вояга етмаган болаларнинг онгини ривожлантиришда медиатехнологиялардан фойдаланишининг ўрни ва роли, ижтимоий онгини тарбиялаш тизимини ривожлантириш, оила-маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлигини йўлга кўйиш масалалари илгари сурилган. Шунингдек, замонавий намуналари оилада вояга етмаган болаларнинг ижтимоий онгини тарбиялаш модели ишлаб чиқилган бўлиб, назари, амалий, конуний ва хукукий асосларига алоҳида эътибор қаратилган [2].

Н.Э.Азимова ўзининг “Бўлажак қасб таълими ўқитувчинини маънавий ахлоқий тарбиялаш технологияси” мавзусидаги номзодлик диссертациясида маънавий ахлоқий тарбиялашнинг мазмуни, методик таъминоти, маънавий-маърифий ишлар жараёнлари ҳамда педагогик туркум фанлар интеграцияси орқали бўлажак қасб таълими ўқитувчиларини маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг механизмини такомиллаштириш бўйича тадқиқот ишлари олиб борган [3].

3.Э.Азимованинг докторлык диссертацияси “Тарбиявий ишлар тизимини интеграл диагностика асосда такомиллаштириш” мавзусига қаратилган бўлиб, жамиятни маънавий янгилашнинг ижтимоий-педагогик, стратегик, интеграцион асослари ҳакида изланишлар олиб борилган. Шунингдек, олий таълим муассасаларида олиб бориладиган тарбиявий ишлар тизимининг интеграл-педагогик таҳлили, ривожланган давлатлар ва Ўзбекистон тарбиявий доктриналарининг педагогик хусусиятлари ҳамда талабаларда маънавий-ахлоқий муносабатларни ривожлантиришнинг интеграл педагогик муаммолари ёритиб берилган [4].

3.Б.Жалилов ўзининг “IX-XII асрларда Шарқ мутафаккирлари яратган тарбиявий қадриялардан олий педагогик таълим жараёнда фойдаланиш технологияларини такомиллаштириш” мавзусидаги тадқиқот ишларида Шарқ мутафаккирларининг таълимотлари мазмунидаги тарбиявий қадриялардан фойдаланиш технологиясини ишлаб чиқкан. Бундан ташқари, улуғ аждодларимиз таълимотлари мазмунидаги тарбиявий қадриялардан олий педагогик таълим жараёнда фойдаланиш шакллари, усуслари ва методлари ёритиб берилган ва атрофлича таҳлил килинган [5].

М.Куронов эса Ўзбекистонда миллый тарбия тизимини ривожлантириш, мактабларда ўзбекона миллый тарбияни амалда жорий қилиш усул ва методларини илк бора педагогик жиҳатдан ишлаб чиқди [6]. Таникли олим анъанавий тарбиядаги илгор усуслар ҳамда замонавий педагогикадаги ўзбек халқи рухиятига мос келувчи жиҳатлардан фойдаланган ҳолда миллый тарбия тизимини яратиш ва шу орқали тараккиётга интигувчи, баркамол ўзбекин тарбиялаш масаласини ўргата ташлайди.

Тадқиқот методологияси (Research Methodology)

Давлатимиз раҳбари томонидан қабул килинган қатор фармон ва қарорлар ўкувчиларнинг таълим ва тарбисини ривожлантиришга қаратилганилиги хеч бири-мизга сир эмас. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 6-ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараккӣёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тӯғрисида”ги ПФ-6108-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6-июлдаги “Ўмумий ўрта таълим муассасаларида «Тарбия» фанини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш чора-тадбирлари тӯғрисида”ги 422-сон қарори [7] умумтаълим муассасалари ўкувчиларининг ёшига хос психо-физиологик жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда уларда умуминсоний қадриялар ва баркамол маънавиятни, соғлом мухитни чукур сингдириш, ўкувчиларни ватанпарварлик, инсонпарварлик, толерантлик руҳида тарбиялаш, умумтаълим муассасаларида тасаруфидаги маънавий ва тарбиявий ишларни янгича кўринишда ташкил этишга қаратилганилигини кўришимиз мумкин.

Юқоридаги қарорга мувофиқ умумтаълим муассасаларида «Ватан туйгуси», «Одобнома», «Дунё динлари тарихи» ҳамда «Миллый истиқболғояси ва маънавият асослари» фанларини бирлаштириб ягона «Тарбия» фани 1-9- синф ўкувчиларида - 2020/2021 ўкув йилидан бошлаб, 10 - 11-синф ўкувчиларида эса - 2021/2022 ўкув йилидан бошлаб ўкув соатларига ажратилган асосий соатлар доирасида кетма-кетлиқда амалга оширилиши белгилаб кўйилган.

Олий таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган педагоглар, профессор-ўқитувчилар зиммасига эса катта маъсулит юқлатилдики, педагогик соҳада президент, ижод ва ихтинослаштирилган мактабларда таълим ва тарбия бериш учун замон талабларига жавоб бера оладиган кадрларни тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор беришлари талаб этилади. Шу ўринда талабаларнинг ўкувчиларга таълим ва тарбия бериш методикасини сингдириш билан бир қаторда Шарқ мутафаккир-

лари ижодини илмий, назарий-амалий жиҳатлари, асарларидаги ёшлар тарбиясига оид қадриятларни келажак авлод қалби ва онгига сингдиришлари лозим.

Шу нұктай назардан, IX-XII асрларда ижод қылған Шарқ мутафаккирларининг тарбиявий қадриятларидан фойдаланиш катта педагогик аҳамият касб этади. Шуны алохида таъкидлаш керакки, аждодларимизнинг хәёттің тажрибалари, ёш авлод тарбиясига оид ғояларидан фойдаланмасдан туриб, Ватан равнақини юксалтириш мүмкін эмас.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results) Миллатимизга хос бўлган хеч бир жараён йўқки тарбиявий аҳамиятга эга бўлмаган. Шу ўринда педагог ва психолог олимлар, ҳалқ номоёндалари Шарқ мутафаккирлари, ёзувчи ва шоирлар, қўйингки тадқиқот ишимизга алокадор бўлган адабиётларнинг аксарияти билан танишиб чиқилди. Мавжуд адабиётларнинг бир қисми ўрганилиб, таҳлил қилинди.

Энг аввало “Тарбия” фанига тўхталишдан олдин тарбия тушунчасининг ўзини баён килиш лозим.

Тарбия - ижтимоий онг шаклларидан бири бўлиб, ёшларда ҳалоллик, поклик, бурч, виждон, олижаноблик, фидойилик, каби фазилатларни шакллантиради. Тарбия инсонларнинг ўзига, оиласига, яқинларига, дўсту ёларига бўлган муносабатларини тартибга солиб турадиган хулқ-атвор мөъёларининг (нормаларининг) мажмуасидир. Тарбия кенг қаромли тушунча сифатида инсон фаолиятининг ҳамма жабхаларига таъсир кўрсатади. Тарбия ҳамма соҳа - ишлаб чиқаришда, турмушда, оиласда, бўш вақтда ҳам кишилар хулқ-атворини, инсоний муносабатларини тартибга солади. Тарбия ижтимоий онгнинг бошқа шаклларидан фарқ килиб, иктисолид, сиёсий, маънавий вазифаларни бажаради.

Маълумки; тарбия тушунчаси тор ва кенг маънода қўлланилади. Тор маънодаги «тарбия» субъект томонидан шахсада муайян карашлар, тасавурлар, мөъёрлар, тушунчалар ва бошқа шу кабиларни қарор тоғтириш мақсадида йўналтирилган таъсир кўрсатиш жараёнидир. Бунда тарбиявий таъсир жараёнининг режа асосида олиб борилиши ва аниқ мақсадга қаратилганига ургу берилади. Кенг маънодаги «тарбия» тушунчасида эса инсоннинг ижтимоий тажрибани ўзлаштиришига таъсир кўрсатадиган ижтимоий алокаларнинг бутун бошли тизими назарда тутилади. Фикримизча, ўзувчиларни жамият аъзоси сифатида шакллантиришга қаратилган тарбияни ижтимоийлаштириш, дейилса мантиқан тўғри бўлади.

Бугунги кунда бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларини тарбия фанини ўқитишига методик тайёргарлашнинг асосий мақсади – ёш авлодни ҳар томонлама етук, жамиятимиз тараққиёти учун зарур бўлган баркамол инсонлар этиб шакллантиришдир. Баркамол инсон ўзида маънавий ва жисмоний етукликни мужассам этади. Бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларини тарбия фанини ўқитишига методик тайёргарлаш учун биринчи галда ҳалқ оғзаки ижоди, ҳалқ эртаклари, ҳикоялар, афсоналар, аждодларимизнинг маънавий мероси ҳамда тарихий китоблар асосий ўрин тутади. Бундан ташкари Шарқ мутафаккирларининг мөъроси, шеър ва ғазаллари, бадий ижод намуналари дастурламал бўлиб хизмат қиласди. Ахмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбандий, Ал-Бухорий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мухаммад ал-Хоразмий, Абулқосим Фирдавсий, Амур Темур, Алишер Навоий, Заҳирiddин Муҳаммад Бобур синглари алломаларнинг ижтимоий-сиёсий, фалсафий-таълимий карашларига таяниб иш кўрилса, талабаларнинг тарбиявий ишлари жараёнини ривожлантириш ишлари янада мукаммаллик касб этади.

Шу нұктай назардан, IX-XII асрларда ижод қылған Шарқ мутафаккирларининг тарбиявий қадриятларидан фойдаланиш катта педагогик аҳамият касб этади. Шуны

алохода таъкидлаш керакки, аждодларимизнинг хаётий тажрибалари, ёш авлод тарбиясига оид фояларидан фойдаланмасдан туриб, Ватан равнақини юксалтириш мумкин эмас.

Х-ХII асрларда ижод килган Шарқ мутафаккирларидан бири Юсуф Хос Ҳожибнинг комил инсонни шакллантириш ҳамда фарзанд тарбияси ҳакидаги фоялари, қарашлари илмий- маърифий фикрлар заминидаги катта хаётий аҳамиятга эга. Юсуф Хос Ҳожибининг 1069 йилда ёзилган «Қутадғу билиг» («Саодатга бошловчи илм») шеърий асарида [8] ўзининг ҳаёти ва фаолияти, ўша давр воқеалари ҳамда аждодлардан қолган бебаҳо педагогик қадрият намуналари акс этган. Мазкур асар бутун Шарқда машҳур бўлган.

Имом Мұхаммад ал-Бухорийнинг диний, тарбиявий, маънавий- маърифий, илмий ва ахлоқий аҳамият касб этувчи жуда катта мероси мавжуд. Улар инсон ҳаёти учун зарур бўлган диний ва дунёвий билимлар ҳамда панду-насиҳатлар мужассамлашган «Ҳадис»ларда ўз аксини топган. «Кайси бирларингиз ўзингиздан бойроқ ёки тарбиялироқ одамни қўриб қолсангиз, дархол ўзингиздан камбағалроқ ва тарбиясироқ одамлар ҳам борлигини эсланг», «Одамларга кенг қалбли бўлинглар, шунда одамлар ҳам сизларга шундай бўлурлар», «Одамларга таом едиринглар ва ширин сўз бўлинглар», «Очларга овқат беринг, беморларни бориб қўринг ва ҳожатмандларнинг ҳожатини чикаринг», «Кайси бир мўмин бирор экин экса ёки мевали даражат ўтқазса-ю, улардан кушлар, одамлар ёки хайвонлар еса, бу унинг учун садака хукмида бўлади», «Илмни ўрганиб сўнг уни бошқаларга ўргатмаслик гўёки молу давлатни йиғиб уни сарф қилмай уни кўмиб қўйиш билан баробардир” каби хикматли сўзлар келтирилган.

Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations). Ўқувчиларнинг тарбияя оид кўнкималарини шакллантиришнинг муаммоси таълим тизимида ўзига хос дол зарблек касб этади. Мазкур муаммонинг назарий ва методик асосларини ишлаб чиқиши, уларни назарий ҳамда амалий жиҳатдан асослаш, шунингдек, ўқувчиларнинг тарбияя оид кўнкималарини шакллантиришга эришиш, сўз юритилаётган жараённинг самарали ташкил этилишига имкон беради.

Ўзбекистонда ижтимоий-хукукий, демократик давлат куришда тарбиявий фаолият ўзига хос аҳамиятга эга. Ўқувчиларнинг тарбияя оид кўнкималарини шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаолиятни фаол ташкил этишда мутахасислар давлатимиз ва хорижий мамлакатларнинг тажрибаларни ўрганиш, умумий моҳияти ва мазмунини таҳлил қилиш кутилган натижаларга эришиш имкониятини яратди.

2. Ўқувчининг ташкилотчилик қобилиятларига эга бўлиши ва шахсларро муносабатда фаол иштироқ этишда ўз фикрларини тушунтира олиш ва уларни ўз фикрига эргаштира олишига ёрдам беради.

3. Муаммоларни назарий жиҳатдан ўрганиш ва педагогик кузатиш умумтаълим амалиёти мазкур ёши ўқувчиларда ташкилотчилик асосида акс этувчи – киришимлилик, мулокотга киришувчаник, ўз-ўзини тўғри баҳолаш, бошқариш, синф жамоасида бирликка интилиш, синффошларига нисбатан яхши муносабатга бўлиш, уларни қадрлаш, ижтимоий муносабатларда киришимлилик, атрофдагилар билан синффошлари билан ўзаро сухбатни самарали ташкил этиш, серҳаракатлилик ва стакчилик каби сифатларни шакллантириш имкониятига эга эканлигини тасдиқлади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 29 авустдаги «Таълим тўғрисида» 464-1-сон

конуни. / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-модда; 2013 й., 41-сон, 543мода; Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон; 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон

2. Д.С.Давронованинг “Оиласда вояга етмаган болаларнинг ижтимоий оғигини тарбиялаш тизимини ривожлантириш” мавзусидаги диссертацияси

3. Н.Э.Азимова ўзининг “Бўлажак қасб таълими ўқитувчисини маънавий ахлоқий тарбиялаш технологияси” мавзусидаги номзодлик диссертацияси. Тошкент-2012.

4. З.Э.Азимованинг докторлик диссертацияси “Тарбиявий ишлар тизимини интеграл диагностик асосда тақомиллаштириш” докторлик диссертацияси. Нукус-2018.

5. З.Б.Жалилов “ХХ-ХІІІ асрларда Шарқ мутафаккилари яратган тарбиявий қадриятлардан олий педагогик таълим жараёнидаги фойдаланини технологияларини тақомиллаштириш” педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиши ёзилган диссертацияси. Бухоро-2018.

6. М.Қуронов эса Ўзбекистонда миллий тарбия тизимини ривожлантириш, мактабларда ўзбекона миллый тарбияни амалда жорий килиш усул ва методлари. Тошкент-2019.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 6-ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараккёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПФ-6108-сон Фармони.

8. Юсуф Хос Ҳожиб «Кутадгу билиг». Тошкент-1069.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақола бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларини тарбия фанини ўқитишга тайёрлашда шарқ мутафаккиларининг педагогик ғояларидан фойдаланиш асосланди. Бугунги кунда бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларини тарбия фанини ўқитишга методик тайёрлашнинг асосий мақсади – ёш авлодни ҳар томонлама етук, жамиятимиз тараккёти учун зарур бўлган баркамол инсонлар этиб шакллантиришдир. Баркамол инсон ўзида маънавий ва жисмоний етуксликни мужассамнинг этади. Бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларини тарбия фанини ўқитишга методик тайёрлаш учун биринчи галда ҳалқ оғзаки ижоди, ҳалқ эртаклари, хикоялар, ағсоналар, аждодларимизнинг маънавий мероси ҳамда тарихий китоблар асосий ўрин тутади.

РЕЗЮМЕ

Статья основана на использовании педагогических идей восточных мыслителей при подготовке будущих учителей начальных классов к преподаванию предмета образования. Сегодня основной целью методической подготовки будущих учителей начальных классов к преподаванию предмета образования является формирование подрастающего поколения полноценными, разносторонними людьми, необходимыми для развития нашего общества. Совершенный человек олицетворяет духовную и физическую зрелость. Фольклор, народные сказки, сказки, легенды, духовное наследие наших предков и исторические книги играют ключевую роль в методической подготовке будущих учителей начальных классов к преподаванию предмета образования.

SUMMARY

The article is based on the use of the pedagogical ideas of oriental thinkers in the preparation of future primary school teachers for teaching the subject of education. Today, the main goal of the methodological preparation of future primary school teachers for teaching the subject of education is the formation of the younger generation with full-fledged, versatile people necessary for the development of our society. The perfect person personifies spiritual and physical maturity. Folklore, folk tales, fairy tales, legends, the spiritual heritage of our ancestors and historical books play a key role in the methodological preparation of future primary school teachers for teaching the subject of education

ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИ КАСБИЙ КЎНИКМАЛАРИНИНГ ПЕДАГОГИК ХУСУСИЯТИ

Рахмонова З.

Андижон давлат университети Педагогика кафедраси катта ўқитувчи

Таяинч сўзлар: қасбий фаолият, қасбий компетентлик, кўникма, педагогик фаолият, методика, ахлоқий категориялар, мажбуриялар, ахлоқий талаблар.

Ключевые слова: профессиональная деятельность, профессиональная компетентность, навыки, педагогическая деятельность, методология, моральные категории, обязанности, этические требования.

Key words: professional activity, professional competence, skills, pedagogical activity, methodology, moral categories, obligations, ethical requirements.

КИРИШ. Бугунғи күнде жаһонда таълимни ривожлантириш йўлида олиб борилётган барча ишлар келажакка қўйилган инвестиция деб баҳоланмоқда. Жамиятда ижтимоий-лингвистик стратегияларнинг самарадорлигини ошириш механизмларини жорий этиш барча инсонлар учун билим олиш, касб ўрганиш, мамлакат ривожига муносиб хисса қўшиш орқали кулай шароитда яшаш имкониятларини яратади.

Ўқитувчи касби асрлар давомида барча дунё халқларининг азалий ва абалдий касбларидан бири бўлишига қарамай, уларга қўйилган талаб ва мажбуриятлар ўзининг асл мазмунни ва моҳиятини ҳозиргача саклаб қолган. Бу касб эгаларининг шахсий сифатлари, қобилият ва иқтидори, характеристери, билим, кўникма ва малакасига бўлган талаблар ижтимоий ҳаётнинг тараққиёти, ундаги ўзгаришлар ва ислоҳотлар мазмуни билан белгиланади.

Шу боис, асрлар давомида олим-энциклопедистларни инсонларнинг ақлий ва ахлоқий фазилатларини ривожлантириш воситаси сифатида уларни фойдали касб-хунар сирларини эгаллаш ва шуғулланишлари, умуминсоний ахлоқ нормаларига риоя қилишлари, устоз ва мураббийлар қандай фазилатларга эга бўлиши ҳақидаги муаммолар уларнинг диккат марказидан ўрин эгаллаб келган.

АСОСИЙ ҚИСМ. Айниқса, янги аср бўсағасида илм-фан ва техника жадал суръатлар билан ривожланаётган бир даврда замонавий педагогнинг қиёфаси унинг касбий-педагогик сифатларининг нечоғлик шаклланишига, педагог шахсининг йўналишига, танлаган касбига, ўкувчиларга ва ўқитилаётган фанларга, педагогик фаолиятнинг субъекти сифатида ўзига бўлган муносабатига боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикасиининг “Таълим тўғрисида”ги Конунида белгиланишича: “... касбий тайёргарлик ва тегишли билимга эга бўлган, юксак ахлоқий фазилатли шахсларгина давлат таълим муассасаларида ўқитувчи сифатида фаолият юритиши хукуқига эга”лиги таъкидланган. Шундай экан, ана шундай улуғ ва шарафли касбнинг муносиб эгаси бўлиши учун барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланиши, замонавий билимлардан, ахборот технологиялардан вокиф бўлиши кундалик вазифага айланаб қолди.

Педагогнинг касбий фаолияти – ижодий жараён бўлиб, ностандарт, кўзда тутилмаган турли вазиятларда тезда фикр юритиб, тегишли қарорлар қабул қилиш ва мос ҳатти-харакатларни амалга оширишин талаб этади.

Айниқса, умумтаълим мактаблари педагоглари фаолиятининг ўзига хос жиҳатларидан бири кичик ёшдаги ўкувчилар билан ҳамкорликда таълим-тарбия ва ташкилий ишларни олиб бориш, улар шахси ва жамоаси ҳақида тўғри ва аниқ илмий тасаввурга эга бўлиш, уларнинг қизиқишилари ва майлларини ривожлантириш учун ўзаро муносабатларини самарали уюштириш каби хусусиятлар педагогдан касбий ва шахсий фазилатлари етгарли даражада бўлиши муваффакият гаровидир.

Таърифлаб ўтилган умумназарий тавсифлар асосида, биз бошлангич таълим педагогларининг исталган, яъни зарур бўлган тушунча моделини такомилаштиридик. Бу борадаги фаолиятимизни маҳоратли педагоглар, ўқитувчи ва ташкилотчилар, шунингдек методистларнинг фаолияти ва иш тажрибаларини ўрганиш туфайли амалга оширидик.

“Педагогларнинг касбий кўникмалари” дейилган дастлабки тушунча замирида, аниқ вазиятларда амалга ошириладиган касбий кўникма ишларининг психологик асосларини ривожлантиришга йўналтирилган муаяйн тартибдаги таълим

ишларини назарда тутмиз.

Мазкур метод, биз назарда тутган тушунчанинг мухим фазилатларини қамраб олишга ҳамда йўналишларимизни янада ойдинлаштирга имкон берди.

Тадқиқотларимиз доирасида ўрганилган маҳсус ва психолого-педагогик ада-биёлтлар таҳлили, шунингдек умумтаълим мактаблари педагоглари тажрибасини, методист ва педагогик амалиётга мутасадди раҳбарларнинг фаолиятини кузатиш, ўрганиш ва самимий сұхбатлардан маълум бўлишича, қасбий қўнималар – педагоглар, тарбиячи ва ташкилотчиларнинг аниқ мақсад билан ўкувчиларга педагогик таъсир кўрсатишнинг мураккаб тизими эканлиги маълум бўлди. Таъкидлаш жоизки, таъсир кўрсатиш тизими мураккаб характерга эгадир, зеро “ҳар қандай субъектнинг обьектга таъсири, ўзаро ҳамкорлик жараённида таъсиранаётган обьект руҳиятининг сифат жиҳатидан ўзгача кўринишидир”.

Тадқиқотларимиздан маълум бўлишича, лозим деб топилган ёки зарур бўлган тушунчанинг мухим сифатлари бўлмиш: умумтаълим мактаблари фаолиятининг мухим негизини ташкил этувчи қасбий қўнималарнинг структурасини, мазмунни ва тамоилларини назарий жиҳатдан билиш ташкил этади.

Шу тамоиллар асосида биз лозим ёки зарур бўлган тушунчага қуидагича таъриф бердик:

Педагогнинг қасбий қўнимаси – бола шахсини комил инсон қилиб шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган, инновацион педагогик технологиялар ёрдамида аниқ мақсад сари етакловчи, субъект томонидан муваффақиятли ўзлаштирилган саъй-харакатларнинг муаяйн тизимиға айтилади.

Педагогнинг қасбий қўнималари – кўпкіррали мураккаб жараён бўлиб, у муаяйн кетма-кетлик, иерархик саъй-харакатлар тизимидан иборат. Шунингдек, қасбий қўнималар педагог фаолияти структурасида мухим унсур хисобланниб, ички мураккаб конструкцияяга эга, умумий мақсад билан белгиланган, қўникма шаклидаги алоҳида элементлар тизимиидир.

Шу маънода, умумтаълим мактаблари педагогларининг қасбий қўнималари структурасини кўриб чиқиши мақсадга мувофиқидир (Мазкур жараёнда С.Л.Рубинштейн, А.Н.Леонтьев, Л.С.Виготский, М.А.Милерян, Н.В.Кузьмина, М.Г.Давлетшин, Р.З.Гайнутдинов, Н.М.Мажидов ва бошқаларнинг ўқитувчи қасбий фаолияти структураси ҳақидаги таълимотига таянди).

Айтиш мумкинки, баркамол инсоннинг шаклланиши, унинг муносиб қасб-корни эгаллаши, жамият тараққиёти учун баҳоли кудрат ўз хиссасини қўшиб яшаши ва шу туфайли жамиятда ўзлигини англаши, намоён этиши, бир сўз билан айтганда шахс сифатида камол топиши назарга олинади. Комиллик сари интилиш шахснинг қасбий шаклланиши билан биргаликда, яхлит ҳолда кечадиган ва деярли бир умр давом этидиган мураккаб жараёндир. Кенг маънода қасбий шаклланиши дейилганда, инсоннинг ўз аклий қобилиятлари, жисмоний имкониятлари, у ёки бу соҳага бўлган лаёқатлари, кизиқиши ва интилишлари, шунингдек қадрият ва дунёқарашларига кўра бирон бир қасб соҳасига оид таълим олиши, кейинчалик шу соҳага киришиб, мослаша бориши ва ниҳоят, йиллар давомида етук ва малакали мутухассис бўлиб етишиши тушунилади.

Қасбий шаклланиш жараённинг дастлабки ва айни дамда ўта мухим босқичи бўлажак қасбни танлаш, яъни аниқ бир қасбий қарорга келишгача даврни ўз ичига олади.

Маълумки, узлуксиз таълим тизимида умумий ўрта таълимнинг битирувчи 9-синф ўкувчилари ўрта мактабларни якунлаш арафасида ўзларининг келажақдаги

орзу-умидларини амалга ошириш, ёшлик хис-туйғулари ва эхтиросларга тұла ҳаёт палласидир. Онтогенезда бу давр үзининг мустақил ҳаётта кадам қўйётган ёшларнинг фуқаролиг мақомига эга бўлишлари, шахсий, ижтимоий ва маънавий қарашлари ва эътиқодлари сингари ўзига хос хусусиятлари билан изохланади. Шундай экан, айни шу даврда шахснинг ҳаёт остонасида ўз мақсадларини тўғри қўя олиши, келгусида ўзига ишонч ва дадил қадам билан юришида мутасадди шахсларнинг масъулияти янада ошиши зарур.

ХУЛОСА қилиб айтганда, Тахлиллар, кузатиш ва тадқиқотлар бугунги кунда педагогик маҳоратнинг сир-асрорларини эгаллаш асослари олий ва ўрга маҳсус таълим муассаларида таҳсил олиш жараённида ижобий самара бериши, ундаги имкониятларнинг мавжудлиги, шу фаолият жараённида назарий ва амалий билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириши юксак самара беришини исботламоқда. Шундай экан, бўлажак педагогонинг шахсий ва касбий сифатларини замон талаблари асосида шакллантириш шундай мутахассислар тайёрловчи олий ва ўрга маҳсус таълим муассасаларига юксак масъулияти юклайди. Ҳар бир педагогнинг касбий ва педагогик маҳоратини оширишга, уларда зарур билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга каратилиши долзарб муммом касб этади.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва ҳалқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кабул килинганинг 24 йил лигига бағишилган тантанали маросимдаги маърузаси. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 48 б.
2. Ҳайдарова О.К. Бўлажак ўқитувчиларни таълим жараёнига технологик ёндашувга тайёрлаш. – Пед. фан.номз. ... дис. автореф. – Т.: ЎзПФИТИ, 2004. – 23 б.
3. Шодмонова Ш. Олий ўкув юрти талабаларида мустакиллик тафаккурини шакллантириш ва ривожлантириш (Касб таълими ўйналиши мисолида) Пед. фан. док. дисс. – Тошкент. –2010. – 340 б.
4. Марданов Ш.К. Педагог кадрларни таълимий кадриятлар асосида тайёрлаш ва малакасини ошириш нинг педагогик асослари. // Пед. фан. докт. ...дисс. – Тошкент. –2006. – 302 б.
5. Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти. //Пед. ф. док. дисс... – Т.: 2007.- 305 б.

РЕЗЮМЕ

Ушбу маколада педагогонинг касбий фаолияти ҳақидаги илмий-назарий асослар келтирилган бўлиб, педагогонинг касбий фаолияти ижодий жараён эканлиги, ностандарт, кўзда тутилмаган турли вазиятларда тезда фикр юритиб, тегизлиш карорлар кабул килиш ва мос хатти-харакатларни амалга ошириши талаб этиши тўғрисида мулоҳазалар ёритилган.

Таърифлаб ўтилган умумназарий тавсифлар асосида, биз бошлангич таълим педагогларининг исталган, яъни зарур бўлган тушунча тарифини такомиллаштиридик. Бу борадаги фаолиятимизни маҳоратни педагоглар, ўқитувчи ва ташкилотчилар, шунингдек методистларнинг фаолияти ва иш тажрибаларини ўрганиш туфайли амалга оширидик.

РЕЗЮМЕ

В данной статье представлены теоретические основы профессиональной деятельности учителя, рассказывается о том, как профессиональная деятельность учителя является творческим процессом, побуждает нас быстро мыслить и принимать соответствующие решения в необычных, непредвиденных ситуациях.

Основываясь на обобщенных описательных описаниях, мы усовершенствовали любое, то есть необходиное понимание учителей начального образования. Наша работа в этой области стала возможной благодаря работе опытных учителей, преподавателей и организаторов, а также работе методистов.

SUMMARY

This article presents the theoretical foundations of the professional activity of a teacher, reflects on how the professional activity of a teacher is a creative process, prompting us to think quickly and make appropriate decisions in unusual, unforeseen situations.

Based on the generalized descriptive descriptions, we have refined any, that is, necessary understanding of elementary education teachers. Our work in this area was made possible by the work of experienced teachers, teachers and organizers, as well as the work of Methodists.

БЎЛАЖАҚ ЎҚИТУВЧИЛАРДА БАДИЙ-ЭСТЕТИК КОМПЕТЕНТЛИКНИ ШАКЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Болтабоев И.

Андижон давлат университети Санъатшунослик факултети ўқитувчили

Таяинч сўзлар: бадиий-эстетик, компетентлик, тасвирӣ санъат, ахлоқӣ, партисипатив, жалб этиш, катнашиш, иштирок этиш, рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлиқ, архитектура ва санъат.

Ключевые слова. художественно-эстетический, компетентность, изобразительное искусство, этика, приверженность, привлечение, участие, участие, живопись, графика, скульптура, архитектура и искусство.

Key words. artistic and aesthetic, competence, visual arts, ethics, commitment, involvement, participation, participation, painting, graphics, sculpture, architecture and art.

Кириш. Республикаизда бўлажақ ўқитувчиларда бадиий-эстетик компетентликни шаклантариш мезонлари ва кўрсаткичларини аниқлаштириш, бўлажақ ўқитувчиларда бадиий-эстетик компетентликни шаклантариш бўйича ўкув материалларини тизимлаштиришнинг дидактик параметрларини аниқлаштириш, бўлажақ тасвирӣ санъат ўқитувчиларида бадиий-эстетик компетентликни шаклантаришнинг ташкилий-технологик тизимини такомиллаштириш муҳим вазифа сифатига белгиланди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида бўлажақ ўқитувчиларда бадиий-эстетик компетентликни такомиллаштириш асосида “Жисмонан соғлом, рухан ва аклан ривожланган, мустакил фикрлайдиган, Ватанга содик, катъий ҳаётий нуктаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чукурлаштириш ва фуқаролик б жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш” муҳим вазифа этиб белгиланди [1].

Олий таълим тизимида бўлажақ тасвирӣ санъат ўқитувчиларида бадиий-эстетик компетентликни шаклантаришнинг инновацион моделларини жорий этиш, бўлажақ ўқитувчиларни бадиий-эстетик фаолиятга тайёрлашнинг компонентлари ва омилларини аниқлаштириш, интеграцион ёндашув асосида бўлажақ тасвирӣ санъат ўқитувчиларида бадиий-эстетик компетенцияларни шаклантаришнинг электрон-дастурий таъминотини такомиллаштиришга доир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда [2]. Айниқса, ахлоқӣ-инсонпарвар тарбиянинг асосий воситаси сифатига бадиий-эстетик компетентликни шаклантаришнинг ижтимоий-педагогик технологияларини такомиллаштириш, шахсий, маданий турмуш ва бадиий-эстетик тажрибанинг уйғулигини таъминлаш, образли фикрлашнинг асоси сифатига бадиий ижодкорликни ривожлантиришнинг педагогик механизmlарини такомиллаштиришга алоҳида эътибор каратилмоқда.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (*Literature review*)

Талабаларнинг бадиий-эстетик компетентлигини шаклантариш муаммоларини ўрганишга кўйилган талабларни аниқлаш учун фанларо, партисипатив (иштирокчилик) ва бадиий турфа хилликка доир ёндашувларнинг имкониятларини бирлаштириш лозим, деган хуосага келинди.

Таълимда фанлараро муносабатларни амалга оширишнинг турли жиҳатлари А.Чориев, Б.Абдулаева, В.Далингер, М.Данилов, И.Зверев, В.Келбакиани, Ю.Кустов, В.Федоровская ва бошқаларнинг тадқиқотларида ёритиб берилган бўлиб, мазкур илмий изланишларда ўқитища реал дунё ўртасидаги муносабатларни акс эттиришнинг объектив эктиёжи асослаб берилган, фанлараро муносабатларнинг мафкуравий функция-

яси, талабалар ривожланишидаги роли очиб берилған, фанлараро муносабатларнинг талабалар билим тизимини шакллантиришга ижобий тәсіри кайд этилған ва турли мезонлар (асослар) бүйічә фанлараро муносабатлар таснифи ишлаб чыкылған, шунингдек мұвоғиқлаштырувчи ўқитуші методологиясы таклиф этилған. Бұлажақ мутахассисларның касбий тайёрлашда фанлараро ёндашувни құллашыннан зарурулығы жамият ривожланишининг ҳозирғы босқичида илмий билимларни интеграциялаш тенденциясы тобора күчайиб бораётгандығы, бугунғи кунда деярлі барча мұхым мұаммолар мажмұави тавсифа егалиги билан боғлиқидер.

Касбий-педагогик фаолиятта турли илмий соҳалардаги билимлардан мобил фойдаланишга қодир мутахассисларға әктиөж ортиб бормоқда. Бундай мутахассисларни тайёрлашда тағаккур тизимларини ривожлантириш, объектни унинг күп томонлама алоқалари ва муносабатлары бирлігіде күриш қобиляти мұхым ахамиятта ега [3].

Бундан ташқары, ўкув фанлари ўртасындағи ички алоқаларни очиб беріш ўкув жараёнини түгри ташқыл этиш, унинг тизимини ўзгартириш, мантикий ва илмий йұналишни ўзгартириш учун ахамиятледір. Натижада, билим нафакат аник, балқы умумлаштырылған бўлиб, бу бўлажак мутахассисларға мазкур билимларни янги холатларга ўтказиш ва уни амалда қўллаш имкониятини беради. Фанлараро муносабатларни амалга оширишнинг дидактик афзалларлар ахборотдан ўзаро фойдаланиш, уларнинг тақорланишининг олдини олиш, оламнинг моддий манзараси бўйича ягона қарашлар тизимини шакллантиришдір.

Илмий адабиётлар таҳлили шуны кўрсатдики, “партиципативлик” атамаси “иштирок этиш”, “катнашиш”, “жалб этиш” каби тушуңчалар билан ўзаро боғлик бўлиб, бу эса, бизнингчча, инглиз тилидан кириб келган сўзнинг ўзига хос хусусиятлари ва ушбу атаманинг аниқроқ муқобилини топиш истаги билан боғлиқидер. Шу билан бирга, айрим муаллифлар (У.Ж.Дункан, W.E.Deming, O.Irwin, P.B.Peterson ва бошқалар) унинг маъновий моҳиятини кенгрок очиб бериш учун турлича талқинларини көлтириб ўтишган [4].

Талабаларнинг бадий-эстетик компетентлігини шакллантиришга партиципатив ёндашувда ўқитувчи күйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қараташи лозим: ҳар бир талаба бетакрор шахсdir, шунинг учун уни касбий фаолиятта тайёрлаш учун стандарт назарий ва услубий стратегиялар ҳар доим ҳам қўлланилмайди ва муайян шахс ҳамда вазиятта нисбатан шакллантирилиши керак; ўкув гурухидаги талабалар бадий қобилятларининг уйғунылиги ва асосий қадриятларининг умумийлиги уларнинг индивидуал қобилятлари ҳамда хусусиятларидан тўлиқ фойдаланишини таъминлайди; талабалар ўргасида мазмунли шахслараро алоқани ўрнатиши керак; ажойиб максадларга эришиш учун гурухнинг энергияси конструктив йўналтирилиши лозим; талабалар бадий-эстетик вазиятлар ва уларнинг истиқболларини таҳлил килиш, биргалиқдаги ҳаракатларни режалаштириш, бадий-эстетик таълим натижаларини баҳолаш (ўз-ўзинни баҳолаш) да фаол иштирок этишлари керак.

Амалиётчи ўқитувчиларнинг фаолияти шундан далолат беради, дарсларни бадий-иғодали бойитища турли санъат турларини жалб қилиш, бадий тасвирлардан фойдаланиш ва талабаларнинг ижодий фаолият турларидан фойдаланиши яхши самара беради. Бу бадий турфа хилликка доир ёндашув (Б.П.Юсов) артпедагогика-нинг тараққий парвар йўналишларидан бириди, деб айтиш учун асос яратади.

Ҳозирғи вактда таълимга доир мөбёрий хужжатларда таълим сифатини оширишнинг мұхым шартларидан бири шахсни маънавий тарбиялаш максадида ахлоқий тамойиллар ва стандартларни шакллантириш ҳамда ривожлантириш воситаси сифатида санъатнинг ахлоқий салоҳияттан янада кенгрок фойдаланиш лозимлігі кўп бор тилга олинади. Мазкур талаб ўсиб келаётган авлоднинг эстетик маданияттини шакллантира-

диган бадиий педагогик таълим ва ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги соҳасидаги стратегик режа асосида ётади ва тасвирий санъат фани бўйича талабаларни тайёрлаш соҳасидаги асосий касбий таълим дастурининг максади билан бевосита уйғундир: таълим ва маданият муассасаларида самарали бадиий ва эстетик фаолиятни амалга оширишга лаёкатли мутахассисларни тайёрлаш.

Педагогика олий таълим муассасалари тасвирий санъат ва муҳандислик графикиаси йўналиши талабалари санъат ва атрофдаги олам гўзаллигини баҳолашнинг аниқ мезонлари хисобланган маънавий-эстетик йўналганликка эга бўлишлари керак. Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчилари нафақат педагогик маҳорат асосларини ўзлаштириши, балки улар эстетик маданиятнинг тарғиботчиси ҳам бўлишлари керак. Шунинг учун бутунги кунда бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг касбий-эстетик тайёргарлиги мазмуни ва тузилмаси ҳамда олий таълим жараёни шароитида уни шакллантириш имкониятларини аниқлаштиришга алоҳида зарурият мавжуддир.

Педагогик фаолиятга касбий тайёргарлик муаммолари кўплаб тадқиқотлар обьекти сифатида тадқиқ этилган. Жумладан, А.Ц.Пунининг таъкидлашича, педагогик фаолиятга тайёрлик бошта ҳар кандай фаолиятдан фарқ килмайди, бу шахснинг ўз кобилиятига бўлган ишончи, ўз мотивациясини англаши ва барча ҳаракатларнинг максадларга эришишга йўналганлигини англатади [5]. Бу фикр албатта, бироз мунозарали, чунки бизнинг назаримизда, тайёрлик оддий ҳаракатларга қараганда анча мураккаб категориядир ва кўп боқисчли, киррали тизим бўлиб, унинг моҳияти фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади.

Ўқитувчи касбий тайёрлигининг кўп киррали ва мураккаблиги тадқиқотчилардан “тайёрлик” тушунчасининг моҳиятига янада ойдинлик киритишин талаб этади. Масалан, К.К.Платонов педагогик фаолиятга касбий тайёргарликни шахсиятнинг ажралмас қисми сифатида кўриб чиқади, унинг шаклланиши бошланиши тажриба субструкциясига тўғри келади, яъни аввало билим, маҳорат ва кўнкималарга боғлиқдир, деган хуласага келган. М.Т.Мирсолиева касбий тайёргарликка профессионалнинг ўзига хос ва жамоавий илмий ишларни ташкил этиш кобилияти, инновацион келажакни кўриш, ўзини ўзи ташкил этиш ва ўзини ривожлантириш қобилияти каби фазилатларни кириши мумкинлигини қайд этиб ўтган.

Ўқитувчининг касбий фаолиятга тайёрлигини учта таркибий асосини ажратиб кўрсатиш мумкин: биринчидан, мустаҳкам билим шаклида пойдеворнинг яратилганлиги; иккинчидан, ўқувчилар, ҳамкаслар билан ва педагогик жараёндаги ўзаро муносабатларда акс этадиган шахс сифати, қобилияти, устувор йўналишларининг шаклланганлиги; учинчидан, ўз-ўзини ривожлантиришнинг қатъий асосига эгалиги.

Таъкидлаш жоизки, юқоридаги фикрлар баъзи мутахассислар учун, масалан, тасвирий санъат ўқитувчилари учун мукаммаллик касб этмайди, чунки тасвирий санъат ўқитувчиларининг тайёргарлигига кўйиладиган талаблар унинг фаолият йўналишига қараб белгиланиши керак. Ўзининг малакавий тавсифига қўра, тасвирий санъат ўқитувчиси ихтисослиги ўқувчиларни бадиий ва эстетик тарбиялашга қаратилган бўлиб, унинг инсоният цивилизацияси дунёсини билиши, шунингдек ўз-ўзини англаш ҳамда ўз-ўзини намоён этишига имкон бериш орқали шахс ижтимоийлашувига хизмат килади.

Тадқиқот методологияси (Research Methodology)

Тасвирий санъатнинг алоҳида таркибий қисмига бадиий асарларнинг ўзи, санъат-шунослик элементлари, тасвирий фаолият назарияси, амалий расм чизиши ўрганиш киради. Тасвирий санъат ўқувчиларни рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлиқ, архитектура ва санъат ҳамда хунармандчиллик каби турли йўналишлар билан таништиради.

“Тасвирий санъат” фанининг мазмуни тасвирий санъат асарларини идрок этиш ва ўрганишни шакллантиришга, атрофдаги воқеликка ва болалар бадий изходиётига кретив муносабатни ривожлантиришга қаратилган.

Тасвирий санъат дарслари атрофдаги воқеликлар билан бевосита боғлиқ бўлиб, дунёни эстетик идрок этиш ёрдамлашиш, гўзаликни кузатиш қобилиятини шакллантириш, воқелик ва санъат асарларидағи эстетик ҳодисаларини фарқлаш, таҳлил қилиш ва таснифлашга йўналтириш орқали ўқитувчи ўқувчиларни воқеликка фаол эстетик муносабатда бўлиш, ўкув, меҳнат, ижтимоий фаолият жараённида бадий қобилиятларни амалда кўллай олишга ўргатади.

АҚШ олимлари бадий-эстетик ривожлантиришнинг асосий максадларидан бири шахс ва муҳитнинг эмоционал таъсир даражасини барқарорлаштириш, ижобий йўналгандликка эга субъектив тажрибани бойитиш деб хисоблашади. Эмоционал мувозанат гоясининг изчил баён этилиши кўпроқ В.Лоуэрфельднинг “санъат орқали терапия” концепциясида ўз ифодасини топган. Мазкур концепциянинг моҳияти шундаки, болада хаётта ишончнинг йўқолишининг асосий сабаби ўзининг фикрини сўз ёрдамида ифода этиб бера олмаслигидадир. “Санъат орқали терапия” билан боғликларда З.Фрейд назарияси ва бихевиористик психологиянинг эстетик тарбия масалаларига доир изланишларида қатор атамалар истемолга киритилган: ўз-ўзини намоён этиш (self-expression), ўз-имкониятларини амалга ошириш (self-realisation), “ўз-ўзига ишонч” (self-confidence), “ўз-ўзини баҳолаш (self-evaluation). Ўз-ўзига муносабатнинг мазкур жиҳатларини ўзида бирлаштирган атама америка назариясида “personal adjustment”, яъни “шахс ва муҳит муносабатлар барқарорлиги” деб номланган [6].

Мазкур хуносаларни олий ўкув юргларида тасвирий санъат ўқитувчиларининг касбий ва педагогик тайёргарлиги мазмуни билан тўлиқ боглаш мумкин. Тасвирий санъат ўқитувчиларининг касбий ва педагогик тайёргарлигига кўйиладиган малака талабларига мувофиқ кўйидаги фаолият турлари доирасини кенгайтириш лозим: таълимий фаолият тури (ижтимоий педагогик, ўқитувчилик); маданий-маърифий (маърузалар ўкиш, санъат бўйича мушоҳадалар, музей, галереялар, архитектура ва миллий маданият ёдгорликларига экскурсиялар); ишлаб чиқариш-бадий, корхонада интеръер, экспертьерга бадий безак беришни назарда тутувчи рассом ёки матбаа ишлаб чиқаришида китоб рассоми; илмий-тадқиқот ва услубий. Бу бадий педагогика, шахснинг ривожланиш психологиясининг долзарб муаммоларига ечим топиш, тасвирий санъатни ўқитишига янги ёндашувлар, ўқувчиларни ўқитишининг янги услубларини ишлаб чиқиши, санъат таълим мининг янги моҳиятини аниқлаштиришга қаратилган фаолиятни назарда тутади; бадий-изходий, тасвирий санъат ўқитувчисининг ранг ва қалам тасвир, графика, хайкалтарошлиқ, амалий безак санъати бўйича бадий асарларни яратишига доир иш йўналишини назарда тутади.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results) Хар қандай йўналишдаги мутахассисларнинг бадий-эстетик компетентлигини шакллантириш замонавий дунёда уларнинг ракобатбардошлиги ва мобиллигини таъминлашнинг муҳим кўрсаткичларидан биридир. Шахс эҳтиёжларини қондиришига қаратилган замонавий таълим парадигмасида инсоннинг ўз-ўзини ривожлантириш, ўз-ўзини англаш ва ўз-ўзини намоён этиш муаммолари алоҳида ўрин эгаллади. Шу муносабат билан замонавий мутахассисига кўйиладиган талаблар ҳам ўзгариб боради ва бу ўз навбатида олий таълим муассасасида талабаларнинг касбий тайёргарлигини ташкил этиш, унинг мазмуни, шакл ва усусларини бадий-эстетик компетентликни шакллантириш жиҳатидан қайта кўриб чиқиши талаб қиласи.

Компетентлик – бу субъект ва унинг фаолиятига берилган тавсиф бўлиб, у кўпинча,

турли маълумотлар берадиган лугавий-мөъёрий адабиётларда “бирор нарса ҳакида фикр юритиш, ўз фикр-мулоҳазасини билдириш имконини берадиган билимларни чукур эгаллаш” дей таърифланади. Бошқача айтганда, компетентлик – бу, авваламбор, ишни бажариш (максадга эришиш) учун нималар зарур эканлигини тушунишининг чукур билимларга асосланган даражасидир. Касбий компетентлик эса касбий фаолиятга оид масалаларни ҳал этишида билим ва кўнгилмаларни амалий тажрибада самарали кўллай олиш маҳоратидир.

Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations).

Бадиий-эстетик компетентлик асосида таълим мазмунини кўп даражали лойихалаш ўзида куйидаги муҳим жиҳатларни акс эттиради: бадиий-эстетик компетентликни шакллантиришнинг концептуал асосларига таянган ҳолда таълим мазмунини танлаб олиш ва эстетик тарбия воситаларини таянч тушунча сифатида белгилаш; бадиий-эстетик компетентликни шакллантиришга доир билиш объектларини моделлаштириш ҳамда гўзалликни яратувчаник фазилатларини акс эттириш; назариз ва амалиёт бирлиги ҳамда шахсий-ҳаётий тажриба асосида ички ва ташки интеграцияни таъминлаш; ўқитиши жараёнини ривожлантирувчи таълим асосида ташкил этиш, эмоционал-кулай муҳитни яратиш; бадиий фаолиятга мотивацияни қарор топтириш; шахс ривожининг мотивацион, интеллектуал ва ахлоқий соҳаларини такомиллаштириш.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ти ПФ-4947-сон Фармони. – Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 апрелдаги ПҚ-4688-сон “Тасвирий ва амалий санъат соҳаси самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлари тўғрисида”ти карори.
3. Бобомуратова Э.Х. Духовное обновление общества и изменение общественной психологии молодежи Узбекистана: Автoref.дисс. ... докт.филос.наук. – Ташкент, 1997. – 54 с. 5.
4. Аннамуратова С.К. Художественно-эстетическое воспитание школьников Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1991. – 370 с. 6.
5. Буров А.И. Эстетическая сущность искусства. – М.: Искусство, 1966. – 181 с. 7.
6. Мардонов Ш., Зокирова У. Духовно-эстетическое воспитание педагогических кадров на художественном наследии Academic research in educational sciences volume 1 | issue 4 | 2020 issn: 2181-1385scientific journal impact factor (sjif) 2020: 4.804 р. 3

РЕЗЮМЕ

Ушбу маколада бўлажак ўқитувчиларда бадиий-эстетик компетентликни шакллантириш технологиялари ҳакида сўз юритилган. Ҳусусан, бўлажак тасвирий санъат фани ўқитувчиларини тайёрлашнинг ўзига хослиги таълим мусассасаларида тасвирий, декоратив ва амалий санъат соҳаларида ишлаш ва тасвирий санъатни ўқитишида касбий маҳоратнинг шаклланшишидир. Бажарилиш сифати муҳим ҳисобланган түфайли агар икодий ишни баҳолаш ва унга тааллукли мезонлари аник бўлса, демак, педагогик компетентликни шакллантириш ва уни баҳолаш тасвирий санъат фани ўқитувчиси учун ҳам долзарб муаммо ҳисобланади.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается технология формирования художественно-эстетической компетентности у будущих учителей. В частности, особенностью подготовки будущих учителей изобразительного искусства является формирование профессиональных навыков при обучении изобразительному искусству, работающих в сфере изобразительного, декоративно-прикладного искусства в образовательных учреждениях. Поскольку важно качество исполнения, если оценка творческой работы и критерии ее ясны, то формирование и оценка педагогической компетентности также является актуальной проблемой для учителя изобразительного искусства.

SUMMARY

The article discusses the technology of the formation of artistic and aesthetic competence in future teachers. In particular, a feature of the training of future teachers of fine arts is the formation of professional skills in teaching fine arts, working in the field of fine, decorative and applied arts in educational institutions. Since the quality of performance is important, if the assessment of creative work and its criteria are clear, then the formation and assessment of pedagogical competence is also an urgent problem for a teacher of fine arts.

DARSDAN TASHQARI VAQTLARDA O'QUVCHILARDA EKOLOGIK TARBIYANI AMALGA OSHIRISHNING MAVJUD HOLATI VA IMKONIYATLARI

Toshtemirova M.A.

Farg'onan davlat universiteti o'qituvchisi

Tayanch so'zlar: atrof muhit muhofazasi, ekologik madaniyat, ekologik ta'lif-tarbiya, ekologik ma'rifat, yer osti boyliklari, ekologik bilim.

Ключевые слова: охрана окружающей среды, экологическая культура, экологическое просвещение, экологическое просвещение, полезные ископаемые, экологические знания.

Key words: environmental protection, environmental culture, environmental education, environmental education, minerals, environmental knowledge.

KIRISH. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 5863-soni 2030 yilgacha bo'lgan davrda "O'zbekiston Respublikasining atrof muhitni muhofaza qilish konseptsiyasini tasdiqlash to'g'risida" gi farmoniga muvofiq "Mamlakatimizda atrof muhitni muhofaza qilish, tabiiy resurslardan oqilona foydalanish, sanitariya va ekologik holatni yaxshilashni ta'minlash sohasida izchil ishlar olib borilmoqda" [1].

Shu bilan birga, bu borada o'tkazilgan tahlil natijalari atrof muhitni muhofaza qilish sohasida davlat funksiyalarini amalga oshirishda kompleks yondashuv va strategik rejalashtirishning mavjud emasligi, shuningdek, qo'yilgan vazifalarni samarali bajarish uchun tabiatni muhofaza qilish organining vakolatlari yetarli emasligidan dalolat beradi.

Astrof muhitni muhofaza qilish sohasida davlat siyosatining ustuvor yo'nalishlarini belgilash, tabiatni muhofaza qilish sohasidagi qonun hujjatlari buzilishlari profilaktikasi, ularni aniqlash va oldini olishning samarali mexanizmlarini joriy etish, respublika aholi punktlarining sanitariya va ekologik holati uchun davlat organlari, xo'jalik yurituvchi sub'ektlar rahbarlari va fuqarolarning shaxsiy javobgarligini kuchaytirish, shuningdek, 2030 yilgacha bo'lgan davrda barqaror rivojlanish sohasidagi Milliy maqsad va vazifalarga erishishni ta'minlash maqsadida samarali ishlar olib borilmoqda.

ASOSIY QISM. Boshlang'ich sinflarda ekologik tarbiya berish dars va darsdan tashqari vaqtarda amalga oshiradi. Darsdan tashqari vaqtarda o'quvchilarни tabiat qo'yniga, tabiat muzeylariga sayoxatga olib chiqib, shanbaliklar, suhbatlar, ertaliklar o'tkazish jarayonida ekologik tarbiyah shakllantiriladi. Dars jarayonida o'quvchilar ekologik tarbiyani o'qituvchi xikoyasi hamda darsliklarda o'z ifodasini topgan mavzular orqali oladilar. Boshlang'ich sinflarda ekologik tarbiya bolalarga tabiat, odobnomha, o'qish va boshqa darslar orqali singdiriladi. Shu sababli ekologik madaniyatni shakllantirishga yordam beradigan mavzular qisman bo'lsada darsliklarga kiritilgan. O'quvchilarga ekologik tarbiya 1 – sinfga kelgan vaqtidan boshlab berib boriladi. Kichik maktab yoshidagi o'quvchilarning ekologik madaniyatini shakllantirishda tabiat darslari katta ahamiyatga egadir. Chunki tabat darslarida atrof – muhitga e'tibor, tabiatni sevish, asrab – avaylashga, tabiat boyliklaridan unumli foydalanishga o'rgatiladi.

Ekologik tarbiyani shakllantirishda turli xil tadqiqot ishlari olib borilgan va ilmiy adabiyotlar ishlab chiqilgan:

Jumladan I.Xakimovning «Sog'lom muxit va sog'lom avlod» nomli kitobida xozirgi ekologik xavf, uning kelib chiqish sabablari, bu xavfning jamiyat va inson salomatligiga salbiy ta'siri, atrof muxitni toza saqlash va muxofaza qilish, ekologik xavfning oldini olish va bunda ekologik ta'lif xamda tarbiyaning axamiyati kabi shu kunning muhim masalalari xaqida fikr yuritiladi. Risola o'qituvchilar, o'quvchilar, talabalar uchun mo'ljallangan [2].

B.Ziyomuxammedovning «Ekoliya va ma’naviyat» kitobida ijtimoiy tanglikdan chiqish, ekologik tanazzulning oldini olish yo’llarini qidirish zarurligi va buning uchun, barcha o’quv muassasalarida ekologik ta’limni joriy qilish kerakligi ta’kidlangan [3].

Yangicha milliy mакtab tartibi yaratilguncha, shu kunda ishlab turgan mакtablarda o’qitiladigan har qanday fan darslarida ekologik fan darslarida ekologik ta’limni qushib olib borishlik tavsiya etiladi.

E.B.Qodirov, M.Sh.Shermatov, Q.A.Akbarov, E.V.Mavlonov, A.A.Odilov muxarirriliг ostida chiqqan «Tabiiy muxitni muxofazalashning geologik asoslari» nomli kitobida tabiiy muxitni muxofazalash fanlari, uning sifatini belgilovchi standartlar, ekologik ekspertiza va tabiatni muxofazalashdagi tashkiliy masalalar, tabiiy xamda texnogen jarayonlarning muxitga salbiy ta’siri yoritilgan [4].

A.To’xtaev, A.Hamidov «Ekologik asoslari va tabiatni muxofaza qilish» nomli kitobida xozirgi vaqtida insonning tabiatga ta’siri natijasida tashqi muxitning keskin o’zgarishi eng muhim masalalardan biri bo’lib qolganligi shu xususda baxs etadigan ekoliya fani, uning qisqacha tarixi, muhim abiotik, bitik, antropogen omillar va ularga tirk organizmlarning moslashishlari xaқida gap ketgan vaziyatni yumshatish va ekologik vaziyatni shakllantirish uchun ota-bobolarimizning tabiat va uning narsalariga bo’lgan munosabatini, ekologik ma’naviyat me’rosini o’rganishimiz lozim [5].

Ushbu mavzuni yoritishdan avval men o’zim faoliyat ko’rsatayotgan maktabda kuzatuv ishlarini olib bordim. Kuzatuвlarim natijasida boshlang’ich sinflarda ekologik tarbiyaning xozirgi axvoli xaqidagi ma’lumotlarni to’plab chiqdim. Boshlang’ich sinflarda ekologik tarbiya to’laligicha xali o’z aksini topgani yo’k. Ma’lumki totalitar tuzum davrida ekoliya ekoliya masalasiga e’tibor berilmagan. Shu sababli tabiatimizning ekologik muvozanati bir qancha muammolarni keltirib chiqarmoqda. Bugungi kunda esa ekoliya, ekologik tarbiya masalalariga katta e’tibor qaratilmoqda. Aynan boshlang’ich sinflarda dars va darsdan tashqari vaqtarda ekologik tarbiya muntazam berilmoqda. Ekologik tarbiya berish maqsadida darsliklar tarkibiga ham bir qancha mavzular kiritilganki, bu albatta o’quvchilarning bilim va tarbiyasini oshiradi.

Amaldagi darslik boladagi ekologik tarbiyani shakllantirish uchun asosiy vosita xisoblanadi. O’quvchilar Atrofdagi olam darsida tabiatda narsalar, uning boyliklari xaqidagi ma’lumotlarni egallash bilan birligida, tabiatni uning boyliklарini sevishni, ardoqlashni, asrashni o’rganadilar. Darslikda shunday mavzular mavjudki aynan ekologik masalalar haqida bola tushunchaga ega bo’ladi.

Boshlang’ich sinf o’quvchilari «Atrofdagi olam», tabiatshunoslik darslaridan juda ko’p ekologik ta’lim – tarbiya oladilar. Ular tabiatni sevishga, o’simliklarni ardoqlashga, xayvonlarni parvarish qilishga o’rganadilar. Shuningdek tabiat boyliklari haqida ma’lumotlarga ega bo’ladilar. Umuman o’quvchiga ekologik tarbiya berishga doir mavzular tabiatshunoslik darslariga kiritilgan. Shunga qo’shimcha tarzda aytmoqchiman, bu darsliklarga esa ekologik tarbiyani singdiruchi mavzular kiritilsa va milliy marosimimizdan foydalanib o’quvchilar ongiga yetkazilsa maqsadga muvofiq bo’lar edi. Bunda milliy marosimimizda aks etgan (xikoya, rivoyat, topishmoq, xadislarda, xikmatlarda maqollar) ekologik tarbiyaga oid misol keltirilsa, o’quvchilarning bilim saviysi yanada yuqori bo’ladi.

Boshlang’ich sinf o’quvchilarida ekologik madaniyatni shakllantirishda odobnomal

darslarining o'rni beqiyosdir. Shuni xisobga olib odobnoma darsliklarda ekologik ta'limga – tarbiya beruvchi mavzular qisman bo'lsada o'z aksini topgan.

Amaldağı «Odobnoma» darsligida «Tabiatni asrash va avaylash» deb nomlangandir. Shu bilan birligida tabiat jismlariga e'tiborli bo'lishga, asrab avaylashga, g'amxo'rlik qilishga o'rganadi.

XULOSA qilib shuni aytmoqchimanki, xozirda boshlang'ich sinflarda ekologik tarbiya to'laligicha darsliklarda o'z aksini topgani yo'q. Qo'shimcha tarzda tabiatshunoslik, odobnoma darslariga yanada ko'proq milliy marosimizdan foydalaniłgan xolda tabiatni asrab – avaylashga, sevishga oid mavzular kiritilsa maqsadga muvofiq bo'lardi.

Tarbiyaviy tadbirlar vositasida ekologik tarbiyani amalga oshirish haqida fikr yuritishdan avval, sinfdan va mакtabdan tashqari tarbiyaviy ishlар,ularning turlari, o'zaro o'xshash jixatlari va farqlari xususida fikr yuritsak. Maktabning o'quvchilar bilan olib boradigan o'quv mashg'ulotlaridan tashqari xilma-xil ta'limga tarbiya ishlari sinfan tashqari ishlar nomini olgan.

Sinfdan tashqari ishlar mакtab ta'limga tarbiya jarayonining tarkibiy qismi o'quvchilarning bo'sh vaqtlarini yo'lga qo'yish formalaridan biridir.

Sinfdan va mакtabdan tashqari ishlar shaxsni har tomonlama kamol toptirish va uni hayotga aktiv faoliyatga tayyorlash uchun keng imkoniyatga ega.

Bu ishlar bolalarning qiziqishlariga muvofiq tarzda ko'ngillilik asosida tashkil qilinadi. O'quvchilar sinfdan va mакtabdan tashqari ishlarda o'zlarini qiziqtiradigan mashg'ulotlarni tanlab olishadi a ulard mustaqil tashabbuskorona ishtirot etishadi.

Adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2030 yilgacha bo'lgan davrda “O'zbekiston Respublikasining atrof muhitni muhofaza qilish kontseptsiyasini tasdiqlash to'g'risida” gi farmoni.
2. Ekologiya va manaviyat Ziyomuxammedov Bo'ri Toshkent - Mexnat 1997.
3. Sog'lom muxit sog'lom avlod Xakimov Islom Toshkent - O'zbekiston 1999 yil
4. «Tabibi muxitni muxofazalashning geologik asoslar» E.B.Qodirov, M.Sh.Shermatov, Q.A.Akbarov, E.V.Mavlonov, A.A.Odilov. Toshkent 2009.
5. Ekologiya asoslari va tabiatni muxofaza qilish. To'xtaev Anvar va Xamidov Azim Toshkent —O'qituvchi 1994 y.

РЕЗЮМЕ

Usbu maqola darsdan tashqari vaqtarda o'quvchilardek ekologik tarbiyani amalga oshirishning mavjud holati va imkoniyatlari xaqida so'z yuritilib, ta'lindan olinadigan samaradorlikni oldindan belgilab olishni, darsning to'liq o'zlashtirilishi uchun dars usullaridan to'g'ri foydalananish hamda zaruriy ta'limga vositalari, boshqa kerakli shartsharoitlarni oldindan tashkil etish xaqida yozilgan. Boshlang'ich sinf o'quvchilarida ekologik madaniyatni shakllantirishda tarbiyaviy fikrlarning o'rni beqiyosdir. Shuni xisobga olib tarbiyaviy fikrlarni o'quvchilar ongiga singdirish orqali ekologik ta'limga tarbiya berish dolzarb ahamiyat kasb etidi.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается современное состояние и возможности реализации экологического образования через образовательные идеи, предопределяется эффективность обучения, правильное использование методов обучения для полного усвоения урока, а также необходимые учебные средства и другие необходимые условия. Неоценима роль воспитательных идей в формировании экологической культуры младших школьников. Учитывая это, экологическое образование приобретает все большее значение благодаря внушению образовательных идей учащимся.

SUMMARY

The article examines the current state and the possibilities of implementing environmental education through educational ideas, determines the effectiveness of teaching, the correct use of teaching methods for the complete assimilation of the lesson, as well as the necessary teaching aids and other necessary conditions. The role of educational ideas in the formation of the ecological culture of younger students is invaluable. With this in mind, environmental education is gaining more and more importance through instilling educational ideas in students.

МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ РАҲБАР ВА ПЕДАГОГ ҚАДРЛАРИНИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ДИДАКТИК ШАКЛИ СИФАТИДА

Каримов К.А.

Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог қадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти

Таяинч сўзлар: интернет, мультимедиа, видеомаърузалар, реал вакт режими, электрон портфолио, андрагогика, андрагогик ёндашув, ахборот-таълим мухити, интеграция.

Ключевые слова: интернет, мультимедиа, видеолекции, режим реального времени, электронное портфолио, андрагогика, андрагогический подход, информационно-образовательная среда, интеграция.

Key words: internet, multimedia, video lectures, real-time mode, electronic portfolio, andragogy, andragogy approach, information and educational environment, integration.

Ўзбекистон тарихий тараққиёт силсиласида, яъни умумий тарих, маданият ва фан-таълим узвий бўлган минтақавий тараққиётни қайта уйғотмоқда. Таълим тизими ислоҳотлари Ўзбекистонда янги уйғониш даври пойдеворини яратади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, биз кенг кўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислоҳотлари орқали Ўзбекистонда янги “Уйғониш даври”, яъни “учинчи Ренессанс” пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад килиб белгиладик.

Малака ошириш тизимини ривожлантириш педагог ходимларнинг юкори касбий мақомини сақлаб қолишининг зарурӣ шартидир. Таълимни ривожлантиришнинг ҳозирги тенденцияси ахборот-коммуникация технологияларига асосланган узлускисиз масофавий таълимидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 26 февралдаги 106-сон қарори билан “Профессионал таълим муассасаларининг бошқарув ҳамда педагог қадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низоми тасдиқланди. Мазкур Низомга асосан, малака ошириш жараёнларини ташкил этишда Интернет ахборот тармоғи, мультимедиа тизимлари, масофадан ўқитиш усулларидан, вебинар технологиялари имкониятларидан унумли фойдаланиш, ахборот-коммуникация ва инновацион технологияларни эгаллаш ва уларни ўқув жараёнига татбик этиш кўнгилмаларини шакллантириш қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг асосий мақсад ва вазифаларидан бири этиб белгиланди.

Мамлакатимизда профессионал таълим муассасаларининг бошқарув ҳамда педагог қадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнини ташкил этишда қуйидаги тушунча ва таърифлар кўлланилади.

масофавий қайта тайёрлаш ва малака ошириш — қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг онлайн (видеомаърузалар, маслаҳатлар, назорат шакл-турларини масофадан туриб реал вакт режимида ўтказиш) ва оффлайн (масофавий таълим тизимидағи тегишли ўқув-методик ресурсларни мустакил равишда ўзлаштириш) шакли;

мустакил малака ошириш — бошқарув ҳамда педагог қадрлар томонидан таълим даражаси ва сифатига қўйиладиган давлат таълим талабларига мувофиқ янги

билим, кўнікма ва малакаларни мустақил ўзлаштириш, ўз-ўзини касбий ривожлантириш шакли;

муқобил малака ошириш— индивидуал касбий маҳорат кўнікмаларини тасдиқлашнинг амалдаги бевосита малака ошириш шаклларига тенглаштирилган шакли;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш муассасалари— профессионал таълим муассасаларининг бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш режаси ҳамда таълим дастурлари асосида фаолият юритадиган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрга маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти, Институтнинг худудий қайта тайёрлаш ва малака ошириш факультетлари ва ихтисослашган олий таълим муассасалари;

электрон портфолио—бошқарув ва педагог кадрларнинг касбий фаолияти натижаларини баҳолашда кўмаклашишга қаратилган ўқув-методик, илмий-тадқиқот ва ижодий иш материалларини қамраб олувчи электрон ресурслар мажмуаси.

Масофавий технологиялардан фойдаланишининг асосий жиҳатлари педагог ходимлар малакасини оширишда кўриб чиқилади. Тармоқ технологияларидан фойдаланиш кенгаяди ўқитувчининг шахсий ва касбий компетенцияларини такомилаштириш имкониятлари ошади. Илғор ўқув дастурларини мустақил танлаш ва уларни мустақил масофавий ривожлантириш ўқитувчига ўз билим савиясини ошириш ва индивидуал касбий ва ижодий ўз-ўзини ривожлантириш маҳсули сифатида ўз компетентлигини ривожлантириш имконини беради.

Бугунги кунда таълим тизимида таълим олишнинг шакллари ўрнига масофавий таълим элементлари кириб келди. Замонавий аҳборот ва коммуникация технологиялари воситаларини таълим жараёнига кириб келиши анъанавий ўқитиш усулларига кўшимча равишда янги ўқитиш шакли - масофавий ўқитиш яратилишига омил бўлди. Масофавий таълимда тингловчи ва ўқитувчи фазовий бир-биридан ажralган ҳолда ўзаро маҳсус яратилган ўқув курслари, назорат шакллари, электрон алоқа ва Интернетнинг бошқа технологиялари ёрдамида доимий мулокотда бўладилар. Интернет технологиясини кўллашга асосланган масофавий ўқитиш жаҳон аҳборот таълим тармоғига кириш имконини беради, интеграция ва ўзаро алоқа тамойилига эга бўлган муҳим бир туркум янги функцияларни бажаради.

Педагог кадрлар малакасини оширишни ташкил килишининг миллий ва хорижий назарияси ва амалиётини таҳлил қилиш асосида профессионал таълим муассасалари педагог кадрлари малакасини ошириш тизими олдига қўйилаётган замонавий талабларга узлуксиз таълимнинг маҳсус тамойилларини ва ўқитишнинг андрагогик моделини ўз ичига олиши лозим бўлган янги шакл сифатида қурилган ташкилий-дидактик тизим жавоб бериши мумкинлиги асосланди. Аҳборот-таълим мухитини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш психологик-педагогик, методик ва технологик тавсифдаги талаблар ва тавсиялар мажмуасига катъий амал қилган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Бизнинг фикримизча, таълим жараёнига масофавий таълимнинг концептуал ғоялари билан қўшиб олиб борилган андрагогик ва шахсий-фаолияти ёндашувлар

синтези узлуксиз педагогик таълимнинг янги сифатини таъминлайди. Илмий категория сифатида ёндашув нафақат назарияни, балки амалиётни шакллантиришини ҳам кўзда тутади: айнан ёндашув таълимнинг тамойиллари ва методларини асослашга имкон берувчи негиз бўлиб хизмат қиласди. Шу билан бирга, андрагогик ёндашув катталар таълимининг назарияси ва амалиёти ўртасида боғловчи звенодир.

Адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, андрагогик ёндашувни бир бутун холда тушуниш учун унинг бир катор категориялар ва тушунчалар билан алоқасини аниклаштириш лозим. Ҳар қандай ёндашувнинг зарурий ва мажбурий компоненти бўлиб, педагогик фаолиятни амалга оширишнинг дастлабки ёки бош коидалари сифатидаги тамойиллар ётади.

Юкорида келтирилган гоялар тажрибани таҳлил килиш методига – катта ёшдаги таълим олувчиларга, ўқув ишларини ташкил қилишининг маҳсус усуслари ва услублари тизими ёрдамида, таълим олувчиларнинг шахсий тажрибаларини самараали жалб қилиш орқали, уларни андрагог-ўқитувчи томонидан фаоллаштириш жараённида янги таълимий тажриба сифатида янги билимлар ёки янги таълим мазмунини эгаллашга имкон берадиган шароитларини яратишни таъминлайдиган таълим тизими, деб таъриф беришга имкон яратади.

Малака ошириш узлуксиз таълимнинг таркибий қисми тегишли раввишда каталар таълими жараёни хисобланар экан, унинг мақсади илгари эгалланган касбий билимларни янгилаш ва чуқурлаштириш, касбий фаолият билан боғлик бўлган таълимий эҳтиёжларни кондиришдан иборат. Бунда ўқитиш моделида аниқланган қонуниятлар, андрагогик ёндашув нуктаи назардан шаклланадиган таълим жараёни тўғрисидаги идеал тасаввурларни тавсифлади.



1-расм. Андрагогик ёндашувнинг концептуал схемаси

Малака ошириш узлуксиз таълимнинг таркибий қисми тегишли раввишда каталар таълими жараёни хисобланар экан, унинг мақсади илгари эгалланган касбий билимларни янгилаш ва чуқурлаштириш, касбий фаолият билан боғлик бўлган таълимий эҳтиёжларни кондиришдан иборат.

Ахборот-таълим муҳитини ишлаб чиқиши технологияси ва уни амалий қўллаш методологиясининг ўқитишнинг методик тизимига мослиги маълум афзалликларга зга. Улардан бири сифатида ресурсларни лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқища таъ-

лим олувчиларнинг ўзларининг иштирок этиш имкониятларини ҳисоблаш мумкин. Таълим олувчилар томонидан амалга оширилган ишланмалар, ахборот ресурсларини ишлаб чиқувчи мутахассислар томонидан қабул қилинган қоидаларга амал қилинган ҳолда муҳит таркибиға киритилиши учун мосланиши ва йўналтирилиши мумкин.

Бундан, профессионал таълим муассасалари педагогик кадрлари малакасини ошириш моделини қасбий фаолиятида фойдаланиш методологиясини эгаллаган ҳолда, билимларни эгаллаш асосида таълим олувчига йўналтирилган ахборот-таълим муҳити кўринишида тақдим этиш мумкинлиги хулоса қилинди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, раҳбар ва педагог кадрларнинг масофавий шароитида малака ошириши уларнинг қасбий ва шахсий ривожланиш жараёни қасбий етуклик ва ўз-ўзини шакллантиришга қаратилган. Ўкув дастурини ишлаб чиқишини масофадан қўллаб-куватлаштиришга қарашларни, шу жумладан, курслараро тармок услугубий таъминоти, профессионал таълим ходимини масофавий малакасини оширишини масофавий қўллаб-куватлаштиришга қарашларни мөхияти, мазмунини очиб беради ва назарий ва услугубий ёндашуввларни интеграциялашга асосланган назарий ва услугубий билимларнинг мураккаб, мақсадли тизимини ифодалайди ва малака ошириш жараёнининг самарадорлигини таъминлайди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5812-сонли Фармони. Тошкент. 2019 йил 6 сентябрь, ПФ-5812-сон. <https://lex.uz/docs/4500926>.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2021 йил 26 февралдаги “Профессионал таълим муассасаларининг бошқарув ҳамда педагог кадрларини кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 106-сон карори. <https://lex.uz/docs/5309472>

3. Джураев Р.Х., Тайловок Н.И. Ахборотлашган таълим муҳити-ўқитиши самарадорлигини ошириш воситаси // “Uzluksiz ta’lim”. ИМЖ. – Т., 2004. – №3. – Б. 3-7.

4. Парпив А. ва бошк. Электрон университет. Масофавий таълим технологиялари. – Т.: ЎзМЭ давлат илмий нарийти 2008. –196-б.

5. 11. Абдуқадиров А.А., Пардаев А.Х. Масофали ўқитиши назарияси ва амалиёти (монография). – Т.: «Фан», 2009.

6. Фозилов Ж.К., Юлдашев М.А., Яхъяев М.С., Тожиева Ф.М. Педагог кадрларнинг билвосита малакасини оширишини жорий килишнинг илмий-амалий асослари (Умумий ўрта таълим мактаблари педагоглари мисолида). – Т.: «Турон замин зиё», 2014.

РЕЗЮМЕ

Мазкур маколада профессионал таълим тизими раҳбар ва педагог кадрларини масофадан малакасини оширишининг масофавий ташкил этишининг педагогик-ташкилий-методик шарт-шароитлари, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг аҳамияти каби масалалар ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматриваются такие вопросы, как педагогико-организационно-методические условия дистанционной организации дистанционного обучения руководителей и педагогов системы профессионального образования, важность использования современных информационно-коммуникационных технологий.

SUMMARY

This article discusses such issues as pedagogical, organizational and methodological conditions for distance organization of distance learning for managers and teachers of the vocational education system, the importance of using modern information and communication technologies.



МИЛЛИЙ ИДЕЯ ХӘМ РУЎХЫЛЫҚ ТИЙКАРЛАРЫ, ТАРИХ, ФИЛОСОФИЯ

ПАРКЕНТ ТУМАНИ МИКРОТОПОНИМЛАРИНИ ТАРИХИЙ ЭТИМОЛОГИК ТАДҚИҚ ҚИЛИШДА ЛИНГВОМАДАНИЙ ЖИҲАТЛАР

Абдуллаев А.А.

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти таянч докторантни

Таянч сўзлар: топоним, “Бобурнома”, тарихий-этимологик маъно, этногенезис, лингвомаданий ривож, Паркент, Фаркат, Навдак, Санганак, Заркент, Номданак, Сўқоқ, Чанги, Ҳисарак, Кумушкон, Шампань.

Ключевые слова: топоним, «Бобурнома», историко-этимологическое значение, этногенез, лингвокультурное развитие, Паркент, Фаркат, Навдак, Санганак, Заркент, Номданак, Сокок, Чанги, Ҳисарак, Кумушкон, Шампанс.

Key words: toponym, “Boburnoma”, historical-etymological meaning, ethnogenesis, linguocultural development, Parkent, Farkat, Navdak, Sanganak, Zarkent, Nomdanak, Soqoq, Changi, Hisarak, Kumushkon, Champagne.

Үлкамиз жой номлари (топоним)ни ўрганишда қадимий манбалар сифатида Махмуд Коғарийнинг XI асрга оид “Девону лугатит турк” асари, Юсуф Хос Хожибининг “Қутадғу билиг” асарларини келтиришимиз мумкин. Юртимиздаги кўплаб қадимиж жой номлари, уларнинг тарихий-этимологик маъноси, келиб чиқиши ва даврлар ўтиши билан ўзгариши ҳақида юон тарихчиси Геродотнинг “Тарих”, Страбоннинг “География”, Плинийнинг “Табиий тарих” номли асарларида үлкамиз топонимикасига оид кўпгина маълумотлар келтирилган. Булардан ташкари, жой номлари ҳақида муаллифи номаълум бўлган “Худуд ал-олам”, Абу Райхон Берунийнинг “Қонуни Маъсудий”, Мирзо Улугбекнинг “Тўйт улус тарихи”, З.М. Бобурнинг “Бобурнома” асарлари мухим тарихий топонимик манбадир.

Ўзбекистонда топонимика илмий мактабининг шаклланиши, ривожланиши Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, география фанлари доктори, профессор Ҳ.Ҳасановнинг номи билан боғлиқ. Ҳ.Ҳасановнинг илмий ишлари факат Ўзбекистонда эмас, кўпгина чет элларда ҳам маълум.

Топонимика, тилшунослик, таржимонлик соҳасида самарали меҳнат қилган олимлардан бири – С.Қораевдир. Филология фанлари номзоди (1969), география фанлари доктори (1998) С.Қораев Ўзбекистон топонимикаси бўйича етук мутахассис, тарихий топонимия, ойконимия, этнонимия, шунингдек, ҳалқ терминларининг билимдонидир.

Ўзбекистонда жой номларини географик жиҳатдан ўрганган олимлардан Ҳ.Ҳ.Ҳасанов, С.Қораев, П.Н.Ғуломов, Қ.Сейтниязов, Қ.Ҳакимов, Ю.Аҳмадалиев ва А.Низомовларнинг илмий ишларини алоҳида қайд этиш лозим.

Тадқиқотлардан бизга маълумки, XV асрнинг биринчи ярми Ўрта Осиё ва Хурросон тарихида “2-Ренессанс”, яъни уйғониш даври бўлган. Профессор Ҳ.Хасанов избораси билан айтганда, “Бу давр мухим, фахрланишга арзийдиган воқеалар билан бойдир. Масалан, айни шу даврда Ҳофизи Абру йирик тарихий географик асар ёзган; Фиёсiddин Накқош Хитойга саёҳат килган; Абдураззок Самаркандиндик Ҳиндистонга элчи бўлиб борган; Улугбек расадхонасида зиж тузилган; Али Кушчи географик билимлар тарғиботчisi, астроном ва картограф сифатида шуҳрат қозонган...”[1, 3]. Табиийки, улар ўз асарларида жой номларидан кенг фойдаланган.

Машхур саркарда, шоҳ ва шоир Захириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асари ўрта асрларга оид мухим топонимик манбадир. Ушбу асарда ўша даврга оид жуда кўплаб жой номлари келтирилган; ўз ўрнида мазкур жой номларига баъзи изоҳлар хам ҳам берилган. Асарда XVI аср бошидаги жой номлари ўша вактдаги умумхалқ тилидаги айтилиши транскрипцияда берилган. Шунингдек, айрим номларнинг тарихий-этимологик маъноси, унинг пайдо бўлиши ўша ерлик аҳолининг этногенезиси ва лингвомаданий ривожи билан боғликлigi ҳакида баъзи ривоятлар билан боғланганлиги ҳакида маълумотлар бор. Жумладан, асарда Паркент тумани ҳакида асарда куйидаги маълумотларга дуч келамиз: “... Ҳазрати Хўжаго Ҳожа Самаркандин чиқиб келиб, Фарқатта ўлтуриб эрдилар. Фарқатқа чиқиб Хўжани кўрдим. Умидвор эдимки, хон додам риоят ва иноят макомида бўлуб, вилоят ва паргана бергайлар” [2, 116].

“Паркент” топонимининг пайдо бўлиши ҳакида бир қанча нақллар мавжуд. Маҳаллий аҳолининг баъзилари Паркент жуфт (пар) қишлоқ, яъни сойнинг икки соҳилядаги кишлоқ дейишиди (Учқўрон ва Ўчоқ даҳалари назарда тутилган). Баъзилари эса бу ерда парисимон одамлар яшагани учун Пари кент – парилар шахри номини олган деб таҳмин қилишади. Яна бир фикрға кўра, Фарқат – фаровон қишлоқ. Пар – баланд маъносига ҳам егалиги ҳисобга олинса, Парқат баланд қишлоқ ҳам бўлиши мумкин. Албатта, бу нақл ва ривоятлар жудаим асоссиз эмас. Қишлоқнинг қадимги номи Фарнкат (Фарқат) эканлиги ҳам шубҳа туғдирмайди. Бунга юкорида номлари келтирилган қадимги географларнинг кўлэзмаларида бу манзилнинг шу ном билан қайд этилиши етарли далиллар. Кат кўшимчаси сүфд тилида обод жой – шаҳар ёки қишлоқни, Фар – нурни билдиришини ҳисобга олиб, нурафшон қишлоқ деса ҳам бўлади. Лекин қадимшунослар, Фарқат топонимаси зардуштлик динига боғлик маъбудлардан бири – Фарн (Фарн – илоҳий олий зот. Баҳт, омад рамзи, нурул сиймо. Оқ күш, оқ кўй, оқ от ва бошқа қиёфаларда тасаввур килинган. Авесточа – Хварно) га бағишиланган ибодатхона номидан келиб чиқиши эҳтимоли кўпроқ, деб билишади. Хварно сўзи илк форс тилида фарн, сўнг фар, сүфд тилида эса пар шаклида ишлатилган. Масалан, фарах – баҳтли ҳаёт (ваҳи авесточа – ҳаёт).

Тадқиқотчи адабиётшунос олим М. Исоқов изоҳларига кўра: “Фарн узок аждодларимиз тасаввурида дину-диёнатда, имону-эътиқодда, эзгулик ва адолатда сабиту мустаҳкам, ҳак буюрган ишларга ўзлигини сафарбар этган, жисми, калби, руҳида кабоҳат ва ёмонликни, фикри-зикри, сўзидан алдоқ ва ёзузликни, Ахриман (“Авесто”да зулмат, ёзузлик яратувчи) пайдо килган норавонликни ситиб чиқарган, пок инсонларга насиб бўладиган илоҳий баҳт тажаллисидир. “Авесто”да айтилишича, борлиқнинг яратувчиси ва олий ҳакам Ахурамазда ўзи иродаси билан Фарнга лойик этган суюкли бандалари саноқли бўлган. Жумладан, Кайёний шоҳларидан Кайкубод, Кайковус, Кайпишин, Кайориш, Сиёвшулар илоҳий Фарнга сазовор бўлишган. Улар Ахурамазда сўйтган бандалар бўлиб, савобли, тўқ, фаровон қилиб яратилган ўлкалардаги барча эзгу инсонларга баҳт-иқбол беришлари лозим ҳисобланган” [3, 54].

Ўша даврда оддий халқ орасида Фарнга сиғиниш кенг тарқалган. Чunksи унга ибодат қилиш содда, оддий халқ учун тушунарлы бўлган. Ибодатдан олдин Фарнга бағишлиган дуоларни ўқиши савобли хисобланган. “Авесто” тасаввурларига кўра, Фарнинг назари тушган шохларнинг худудига ноз-неъмат, серҳосиллик, құдрат, маъмурликни инъом этган. У табиат бойликларини, қабилаларни инсу жинслардан ва девлардан химоя қилувчи илохий куч чифатида қиёсланади. Фарн инъом этган бойликлар, қуёш нурлари остида ўсган бўрдоки кўйлар подаси, деб хисобланган. Шунинг учун узоқ аждодларимиз уни олтин шохли улкан кўчкор қиёфасида тасаввур қилишлари ажабланарли эмас. Айнан шунинг учун, тўкин-сочинлик, бойлик келтирисин, деб зардуштийлар кўза бандларини, болалар ўйинчоқларини ва бошқа буюмларни кўчкор шаклида ясашган. Унинг рамзини ўчоқ қалаган гиштларда, остоналарда ҳам учратиш мумкин. Демак, бу буюмлар, ҳам диний, ҳам майший маросимларда ишлатилган. Келтирилган маълумотлардан маълум бўладики, жой номларининг пайдо бўлиши аждодларимизнинг диний эътиқоди, урф-одат ва маросимлари, расм-руслумлари, этно ва лингвомаданий шаклланиши билан боғлиқ.

Фаркат номининг Паркат, Паркентга ўзгарган вактини аниқлаш қўшимча тадқикот манбаларини талаб қиласи. Форс ва араб олимларининг саёҳатномаларида Фаркат номи билан тилга олинини, араблар истилоси ва ундан кейинги даврларда ҳам мазкур худуднинг шу ном билан аталганини билдиради. Мўгуллар истилоси даврида Фаркат вайрон бўлиб, 100-150 йиллардан сўнг секин-асталик билан бу худуд яна қайта тикланган. Ўша даврларда ушбу жой Паркент номи билан тикланган бўлиши мумкин, деган эҳтимол ҳам йўқ эмас. Юқорида келтирганимиздек, “Бобурнома”да бу манзил Фаркат дея тилга олинган. Хўжа Абдулҳақ қаламига мансуб, бобоси Хожа Убайдулло Аҳрор Валийнинг ҳаёт йўлига бағишлиган “Мақомати Хожа Аҳрор” асарида (XVI аср ўрталари) Тошкентга қарашли Паркат кишлоқларидан бири Инжакент кишлоғи ҳакида маълумот келтирилган [4, 257-261]. Демак, XVI аср ўрталаридан бошлаб, яъни шайбонийлар даврига оид (1501-1600) ёзма манбаларда Паркат топонимикаси кайд этила бошлаган.

Қадим-қадимдан Тошкент воҳасининг таркиби қисми бўлиб келган Паркентда яшаган аждодларимизнинг этногенези минтақада ўтиб борган ўша даврлар тарихий жараёнлари билан боғлиқ ҳолда шаклланган. Бу худудда яшаган аҳолининг урф-одатлари, тили, диний эътиқоди, маросимлари ва қадриятлари умумийликни ҳосил килган. Бу ердаги қўплаб жой номлари ушбу манзилда яшаган аждодларимизнинг этно ва лингвомаданий шаклланиши билан боғлиқ:

Навдак кишлоғи Паркентдан 22 км жануби-шарқда Бошқизилсойнинг чап соҳилица жойлашган. Бу ерда яшовчи аҳолининг кўпчилиги тожик миллатига мансуб. Қишлоқнинг Навдак деб аталиши ҳақида маҳаллий аҳоли орасида икки ривоят мавжуд. Биринчисига асоссан, Навдак – янги (Нав) кишлоқ. Иккинчисига кўра, Тожикистоннинг Нав қишлоғидан кўчib келган тожиклар кишлоқка асос солиб, номини Навдак деб аташганлиги тахмин қилинади.

Санганақ қишлоғи Паркентдан 22 км жануби-шарқда Санганақ дарёсининг чап соҳилица жойлашган. Бу ерда яшовчи аҳолининг ҳам кўпчилигини тожик миллатига мансублар ташкил қиласи. Қишлоқнинг топонимикаси тўғрисида маҳаллий аҳоли орасида икки ривоят мавжуд. Биринчи фикрга кўра, тахминан 500 йиллар мукаддам, бу ерга ҳозирги Ангрен худудидан кўчib келган Сангинаң деган шахс жойлашиши билан боғланади. Иккинчи фикрга кўра, сантош, яъни Санганақ “тошлок қишлоқ” маъносини билдиради. Профессор М.Шерматов тахминига кўра Санганақ сўзининг ўзаги “санги”, лотинча “Sanguines”, яъни қондек қизғиши ранг маъносини билдиради.

Шунинг учун унинг номи Санганак дарёсінинг юқори қисміда тарқалған қызил ранглы қоютоғ жинслари билан boglyk бўлиши ҳам мумкин [5, 77].

Заркент қишлоғи Паркентдан 12 км жануби-шарқда, Чотқол тоғ тизмаларининг гарбий тоголди минтақасида жойлашган. Заркент ушбу худуддаги энг қадимги топонимлардан хисобланади. Қишлоқнинг топонимасини академик В.В.Бартольд араб географлари асарларида Шош вилоятида қайд қилинган Заранкату қишлоғи, хозирги Заркент бўлса керак, деб тахмин киласди. Маҳаллий ахолининг тахминига кўра, шу атрофдаги тоғлардан қазиб олинган ҳом ашёлар қишлоқда қайта ишланганлиги сабабли бу қишлоқни заргарлар қишлоғи – Заркент деб номлашган. Атоқли номчунос олим С. Қораев бу қишлоқнинг топоними ҳақида “Этимологияси номаълум. Зар - “олтин”, зер (зерин) - “қуий”, “этак”; Зеринкат - “пастдаги қишлоқ”, “тоғ этагидаги қишлоқ” бўлади.”,- дея маълумот беради [6, 146].

Номданак қишлоғи Паркентдан 16 км жанубда, Бошқизилсой билан Угамсой ирмогининг оралиғида жойлашган. Номданак ҳам бу худуддаги қадимий қишлоқлардан бири. Номданак лугавий жиҳатдан “машхур қишлоқ” деган маънени билдиради. Баъзи ўрта аср манбаларида бу қишлоқ “Номадванак” номи билан ҳам қайд этилган. Профессор С.Қораев ушбу топонимнинг этимологияси ҳақида “Намдон - “сернам”, “серсув”, “сув обори”, ак – топоним ясовчи қўшимча.” [6, 148],- дея маълумот беради.

Сўқок қишлоғи Паркентдан 18 км жануби-шарқда, Чотқол тоғ тизмаларининг гарбий этакларида, Сўқоқсой дарёсининг соҳилларида жойлашган. Маҳаллий кекса ахолининг фикрига кўра “Сўқок” сўзи туркийча – “ёлғизоёқ йўл”, араб тилида эса – “кайиқ йўли” маъносини билдиради. Баъзилар қишлоқ номини унинг шифобаҳш сувлари билан боғлиқ дейишиди. Бу ерда ёдгорлик ҳисобланган қадимий кўргонлар ва қабристонлар ҳам топилган. Мазкур кўргонларда археологик қазишма ва тадқиқот ишлари давом эттирилса, топонимик ва этнонимик янги маълумотларга эга бўлиш мумкин.

Чанги қишлоғи Паркентдан 4-6 км шарқда, Паркентсой соҳилларида жойлашган. Чанги қишлоғи ҳам қадимий қишлоқлардан бири бўлиб, унинг пайдо бўлиши, номланиш тарихи ва этимологияси ҳақида илмий манбаларда маълумот топилмаган. Қишлоқ номи ҳақида маҳаллий аҳоли орасида бир неча тахминлар мавжуд. Баъзилар “Чанги” сўзи форс тилида “Жасур” деган маънени билдиради, дейишиса, баъзилар дастлабки қишлоқ аҳолиси, Кўқон шаҳридан 26 км масофада жойлашган “Чанги” қишлоғидан кўчиб келгани учун шу ном билан қишлоқни аташган дейишиди. Ўз даврида қишлоқнинг ён-атрофи мол бокишига кулаги бўлгани сабабли бу ерларда қадимдан моҳир чорвадорлар яшаб, мол ҳайдаш пайтида кўтарилиган чанг узоқдан кўрининиши – унинг топонимикасига ургу бўлган бўлиш эҳтимолиј [5, 81] бўлганлигидан қишлоқнинг номи келиб чиққанлиги ҳақиқатга яқинроқдир. Айтишиларича, Ҳисарак қишлоғига кўчиб келган аждодлар, Заркент қишлоғи аҳолиси билан яхши қўшничилик муносабатларини ўрнатишган. Заркентликлар уларни “хисараки” – “хисорликлар”, яъни Хисордан кўчиб келганлар, деб айтишган. Шу зайлда “Хисарак” топоними вужудга келган [5, 83].

Кумушкон қишлоғи Паркентдан 18 км шимоли-шарқда, Паркентсойнинг юқори оқимининг ўнг соҳилида жойлашган. Қишлоқ топонимининг пайдо бўлиш тарихи ва этимологияси илк ўрта асрларда бу ерда қазилган кумуш кони билан боғлиқлиги шубҳа туғдирмайди.

Шампан қишлоғи Паркентдан 16 км жануби-шарқда, Санганаксой билан Угамсойнинг оралиғида жойлашган. Ушбу қишлоқ нисбатан янги пайдо бўлган қишлоқлардан

хисобланади. Ҳудуднинг этногенезини ўзбеклар, тожиклар, татарлар ва қозоқлар шакллантирган. Қишлоққа 1947 йилда асос солинган. Унинг атрофидаги ҳудудларда винобоп узумлар етиширилиши ва шу даврда қурилган вино заводида кайта ишланиши сабабли қишлоқнинг номи Франциянинг Шампан вилояти номи билан аталган [5, 76].

Жой номлари классификацияси анча мураккаб масала. Топонимист олимлар томонидан жой номларининг турлича таснифлари таклиф қилингандар, лекин бу масалада ягона ва муштарак қараш мавжуд эмас.

Топонимларни тарихий-этимологик аспекттә тадқиқ қилишда лингвомаданий ва этномаданий жиҳатларнинг аҳамияти бекиёдир. Қадимги қўллэзмалар, тарихий-бадиий асарлар; ҳалқ оғзаки ижоди; илмий адабиёт; ҳалқ урф-одатлари ва анъаналари; турли қадимий лугатлар, топонимларнинг этиологик келиб чиқишини аниқлашда асосий ёрдамчи манбалар бўлиб хизмат қиласди.

Келтирилган маълумотлар ва таҳлиллардан келиб чиқиб шуни айтишимиз мумкинки, микротопонимларни туманлар доирасида тарихий-этимологик аспекттә тадқиқ қилишда лингво ва этномаданий жиҳатларига катта этибор бериш керак.

Адабиётлар:

1. Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. -Т., Ўзбекистон, 1981. – 151 б.
2. Бобур З. М. Бобурнома. –Т., Ўлдузча, 1990. - 368 б.
3. Авесто. Яшт китоби. Т., Шарқ, 2001, - 108 б.
4. Ахмедов Б. Тарихдан сабоклар. Т., Ўқитувчи, 1994, - 397 б.
5. Ҳусомиддинов С., Шерматов М. Паркент тумани. Т., Ўқитувчи, 2006, - 149 б.
6. Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимикаси. -Т.: "Ozbekiston milliy ensiklopediyasi" Давлат илмий нашриёти, 2005. - 240 б.
7. Қорайев С. Торономика. -Toshkent., 2006. - 320 б.
8. Маҳмуд Кошғарий. Туркий сўзлар девони (Девону луготут турк). -Т.: Фан, 1963. - 463 б.
9. Сайдуллаев А.С. Қадимги Ўзбекистон ишманбаларда. - Ташкент: Ўзбекистон, 1996. - 112 б.
10. Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар. Том V/Конуни Маъсудий. - Ташкент: Фан. 1973.
11. Алимова Д. А., Филанович М. И. Тошкент тарихи. - Ташкент: Фан.2009.-185 б.

РЕЗЮМЕ

Маколада топонимларни тарихий этиологик аспекттә тадқиқ қилишда лингвомаданий, этносоциал-маданий жиҳатларни кўпроқ ёритиш оркали жой номларининг пайдо бўлиши тархи илмий фаразларга якни келиши ҳакидаги мулоҳазалар баён этилиб, Паркент туманидаги жой номлари мисолида кўрсатиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье обсуждается тот факт, что история топонимов близка к научным предположениям в изучении топонимов с исторической этиологической точки зрения, с большим охватом лингвокультурных, этносоциальных аспектов, и показан пример топонимов в Паркентском районе.

SUMMARY

The article discusses the history of place names in the study of toponyms from the historical etymological point of view, the history of place names is closer to scientific hypotheses, and the example of place names in Parkent district.

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ”НИ ЎРГАНИШ МЕТОДИКАСИ

*Ғанибаева Б.Ш.
ТВЧДПИ ўқитувчиси*

Таяинч сўзлар: янгилик, тараққиёт, стратегия, ўрганиш, ўзлаштириш, билим, тушунча, кўнкимга.

Ключевые слова: новый, развития, стратегия, изучение, обучение, знание, смысл, навык.

Key words: new, development, strategy, learning, learning, knowledge, meaning, skill.

Ўзбекистонда 2017-2021 йиллар давомида мамлакатни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегияси амалга оширилди. Бунинг натижасида таълим соҳасининг мазмуни ҳам янгиланди ва таълим тизимини ҳалқаро стандартларга мослаштириш жараёни бошланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2022-2026 йилларга мўлжалланган етти йўналишдан иборат “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” эълон килинди [1]. Бу стратегия мамлакатни келгуси беш йилда ривожлантириш йўналишларини қамраб олган. Шу сабабли бўлажак ўқитувчиларнинг мазкур стратегияни ўзлаштириши тақозо этилади. Мазкур ўринда ана шу стратегияни ўрганишнинг методикаси таҳдилига эътиборингизни тортамиш.

Биринчи йўналиш: эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш орқали ҳалқпарвар давлат барпо этиш, инсон кадр-киммати ва унинг қонуний мафтаатларини таъминлаш. Бу йўналишни ўзлаштириш учун уч масалага эътибор бериш керак: 1) эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш; 2) ҳалқпарвар давлатчиликни ривожлантириш; 3) инсон қадр-кимматини юксалтириш. Эътибор берилса, бу йўналиш кўпроқ одамларнинг муаммоларини ҳал қилишга мўлжалланган. Шу сабабли ҳар бир киши касбидан қатъий назар мазкур йўналиш бўйича қабул қилинаётган дастурлар ижросида фаол иштирок этиши тақозо этилади. Мисол учун, талабалар ўргасида инсонни қадрлаш маданиятини юксалтириш мухимdir.

Иккинчи йўналиш: адолат ва қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, инсон кадр-кимматини таъминлаш. Бу йўналишни ўзлаштиришда ҳам уч масалага эътибор бериш лозим: 1) инсон ва жамиятда адолатпарварликни таркиб топтириш; 2) жамият ва одамлар муносабатларида қонунийликка амал қилиш маданиятини ривожлантириш; 3) ҳар бир кишининг жамиятда қадрини таъминлаш. Буларнинг ижроси фақат инсонга боғлиқ эканлигини идрок этиш лозим. Мисол учун, талабалар онгига адорлатпарварликни таркиб топтириш билан уларнинг педагоглик компетенциясини кутилган даражада шакллантириш мумкин бўлади.

Учинчи йўналиш: миллий иқтисодиётни ривожлантириш. Бу йўналишда кўйидагилар назарда тутилган: 1) тайёрланяётган хомашёларни тўлиқ маҳсулотга айлантириш; 2) яшил иқтисодиётга ўтиш; 3) таълим тизимида фаолият юритаётган тажрибали ва олий тоифали ўқитувчиларнинг маошини 2025 йилга бориб минг долларга етказиш. Дикқат килинса, мазкур йўналишда белгиланган режалар ҳам инсон ва жамият ривожига, таълим тизимининг тараққий этишига йўналтирилган. Мисол учун, бўлажак ўқитувчиларни касбий компетенциясини шакллантиришда замонавий технологияларга асосланиш уларнинг дастлабки босқичдаёқ тажрибали ўқитувчи сифатида фаолият бошлишига ёришиш мумкин.

Тўртинчи йўналиш: адолатни ижтимоий сиёсат юритиши ва инсон капиталини ривожлантириш. Мазкур йўналишни ўзлаштиришда кўйидагиларга эътибор бериш керак бўлади: 1) ижтимоий соҳани, яъни таълим тизими, тибиёт соҳаси ва уй-жой коммунал тармоқли замонавий даражада ривожлантириш; 2) инсон капиталини, яъни инсоннинг билим олиши ва ўз аклий салоҳиятидан фойдаланишини моддий кўллаб-кувватлаш ва ривожлантириш; 3) Миллий таълим дастурини ишлаб чиқиб, амалиётга тадбик этиши. Эътибор берилса, мазкур йўналиш бевосита таълим ва тарбия соҳасига боғлиқдир. Чунки тибиёт ва уй-жой коммунал соҳаларига мутахассислар таълим тизими воситасида тайёрланади. Шу жиҳатдан таълим соҳаси вакиллари мазкур йўналиш ижросида фаоллик кўрсатиши мақсадга мувофиқ бўлади. Мисол учун, олий

педагогик таълим жараённда ўқитишинг кредит-модул тизимини ривожлантириш билан тайёрланаётган мутахассисларнинг касбий тайёргарлигини кутилган даражада ривожлантириш имкониятига эга бўлинади.

Бешинчи йўналиш: маънавий ва маърифий соҳаларда ислохотларни амалга ошириш. Бу йўналиш мазмунини ўзлаштириш учун қўйидагиларга эътибор бериш керак: 1) “Янги Ўзбекистон – маърифатли жамият” концепциясини амалга ошириш, яъни одамларнинг билимдонлик даражасини оммавий равишда ривожлантириш; 2) ёш авлод онгига янги миллый ғоямиз инсонпарварлик, эзгулик ва бунёдкорликни таркиб топтириш ҳамда уларда “жахолатга қарши – маърифат” тамоили асосида иллатларга қарши курашиш кўникмасини таркиб топтириш; 3) жамиятимизда истиқомат килаётган миллат ва элатларнинг миллый ўзлигини, она тилисини, маданийтини, динини, урф-одат ва анъаналарини сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш. Диккат килинса, мазкур йўналиш ҳам бевосита таълим тизимини ривожлантиришга йўналтирилган. Чунки жамиятда маънавий ва маърифий соҳанинг ривожланниши бевосита таълим сифатига боғлиқдир [2]. Мисол учун, ўкувчилар ва талабаларни юксак маънавиятли ва билимли қилиб вояға етказиш билан уларда маънавий маданиятлилик, маърифий билимдонлик ва бағрикенглик кўникмаларини шакллантиришга эришиш мумкин.

Олтинчи йўналиш: глобал муаммоларнинг миллый ва минтақавий даражадаги счимларини топши. Мазкур йўналиш бўйича қўйидагиларни ўзлаштириш тақозо этилади: 1) глобал муаммолар, яъни иқлим исиши, табиатнинг ифлосланиши ва Орол денгизининг куришига қарши миллый ва ҳалқаро миқёсда курашиш; 2) ёшлар онгига ва катта ёшлилар тафаккурида экологик маданиятни таркиб топтириш; 3) ёшларнинг имкониятларини миллый ва минтақавий, яъни Марказий Осиё худудида эркин ҳаракат кила олиш имкониятларини юксалтириш. Шу сабабли таълим жараённда шахснинг экологик маданиятини бугунги талаблар даражасида шакллантириш долгзарб бўлиб турибди. Мисол учун, олий таълим жараённда бўлажак ўқитувчиларнинг экологик маданиятлик компетенциясини шакллантириш мухимдир. Экологик маданият дегандан шахс онгига поклик, яхшилик, табиатни асрарш, табиий бойликлардан тежамкор фойдаланиш ва гўзалликка интилиш кўникмаларининг таркиб топиши назарда тутилади.

Еттинчи йўналиш: тинчлик ва ҳавфсизликни таъминлаш, ҳалқаро ҳамкорликни ривожлантириш. Бу йўналиш мазмунини ўзлаштиришда қўйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофик бўлади: 1) Куролли кучларимиз кудратини ошириш билан тинчликни сақлаш; 2) одамлар ва жамиятни турли иллатлардан ҳимоя қилиш; 3) прогматик, яъни очик, самарали ва ҳамма учун фойдали ташки сиёсат юритиши. Буларни ўзлаштириш билан жамиятимиз аъзоларининг фуқаролик маданияти ва масъулияти юксалади. Шу маънода мазкур йўналиш бўйича алоҳида тушунчага эга бўлиш тақозо этилади. Мисол учун, олий таълим жараённда бўлажак ўқитувчиларнинг онгига ҳарбий ватанпарварликни талаб даражасидаги таркиб топтириш, уларнинг тинчликсеварлик маданиятини юксалтириш ва масъулиятини ошириш жамиятимизда ўзига хос тинчликсеварлик ва инсонни ҳимоя қилиш маданиятини таркиб топтиришга эришиш мумкин.

Эътибор берилса, келгуси беш йилга мўлжалланган Таракқиёт стратегиямизнинг барча йўналишлари мазмунида инсонни қадрлаш, унга фаровон ҳаёт яратиб бериш ва унинг ақлий имкониятларидан оқилона фойдаланишга йўналтирилган. Шу сабабли мазкур стратегияни ўрганиш, унинг ижросида фаол иштирок этиш ва ташаббус кўрсатиб фаолиятда бўлиш жамиятимизда инсонни чинаккам маънода қадрлашга

олиб келади. Чунки инсонни қадрлаш билан жамиятни юксалтириш, халкпарвар давлатта эга бўлиш ва инсондаги энг муҳим бойлик бўлган ақлий имкониятларидан оқилона фойдаланишга олиб келади. Шу сабабли бизнингча, Таракқиёт стратегиямизни ўзлаштириш учун қуйидаги методларга таяниш мақсадга мувофиқ бўлади:

- стратегиянинг маъно-мазмунини одамларга тушунтириш;
- стратегия мазмунни ва унда қўйилган вазифаларнинг изохи бўйича илмий ишланмалар эълон қилиш;
- айниқса ёш авлоднинг мазкур стратегиямиз мазмунини тўлиқ ўзлаштириши учун турли тадбирларни амалга ошириш.

Бундай ёндашув Таракқиёт стратегиямизнинг мазмунини ўзлаштиришга ва унинг маъносини ўрганишга олиб келади.

Ўзбекистоннинг кейинги беш йилда таълим тизими ана шу стратегия асосида ривожлантирилиши биз педагоглар учун муҳим аҳамиятга эга [3].

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон таракқиёт стратегияси асосида демократик ислоҳотлар йўлини катый давом эттирамиз. // “Янги Ўзбекистон” газетаси 2021 йил 7 ноябрь сони.
2. Марданов Ш.Қ. Педагогика фанидан ўқитишнинг электрон-модули дидактик таъминотини ишлаб чиқиши технологияси. – Тошкент, 2021.
3. Жабборова О.М. Ўқитишнинг кредит-модуль тизимида ўқув фанларини танлаш тамойиллари. Academic research in educational sciences, 2(6),2021. Б. 1095-1099

РЕЗЮМЕ

Маколада “Янги Ўзбекистоннинг таракқиёт стратегияси”ни ўрганиш методикаси тўғрисида фикр юритилган ва тавсиялар тақдим этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье размышлено о изучение методики “Стратегия развития нового Узбекистана” и дана методические рекомендации по данному вопросу.

SUMMARY

The articles reflect on the study of the methodology “Strategy for the Development of a New Uzbekistan” and provide methodological recommendations on this issue.





ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

ФИЗИКАДАН ФАНЛАРАРО ИНТЕГРАЦИОН ТАЪЛИМ БЕРИШ АСОСИДА МУҲАНДИСЛИК ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИНИ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ

Бекнозарова З.Ф.

ТИҚҲММИ катта ўқитувчиси

Бобоходжаев Қ.У.

физика-математика фанлари номзоди ТВЧДПИ ўқув-услубий бўлум бошлиги

Таинч сўзлар: методика, физика, интеграция, таълим, муҳандислик, талаба, компетентлик, ривожлантириш, узлуксиз таълим, бўлажак муҳандис.

Ключевые слова: методология, физика, интеграция, образование, инженерия, студент, компетентность, развитие, дополнительное образование, будущий инженер.

Key words: methodology, physics, integration, education, engineering, student, competence, development, additional education, future engineer.

Мамлакатимизда замон талаблари асосида физикадан таълим жарайини ташкил этиш, жумладан, техника олий таълим муассасларида ахборот- коммуникация технологияларини жорий этиш орқали юкори малакали муҳандисларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Ўзлусиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувоғиқ юкори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш” мухим устувор вазифа сифатида белгиланган [1].

Бўлажак муҳандисларга методологик, компетенциявий ва тизимли ёндашувлар асосида физика ўқитиши таълим сифати ва самарадорлигини, муҳандислик мутахасислигига хос сифатларни ошишига хамда лойихалаш, тадқиқотчилик каби касбий компетенцияларини ривожлантиришга хизмат киласи [2].

Ирригация тизимларида гидроэнергетика бакалавриат таълим йўналиши малака талабларига асосан касбий фаолиятининг соҳалари:

-фан, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги йўналиш бўлиб, ирригация тармоқларига куриладиган Гидроэлектростанциялар (ГЭС) учун лойиха-қидирив ишлари, лойихалаш, куриш, эксплуатация килиш ва хизмат кўрсатиш, қайта куриш, таъмиrlаш ва реконструкция қилиш билан боғлиқ комплекс масалалар мажмуасини камраб олади [3].

Касбий фаолиятининг объектлари кўйидагилар:

- гидроэлектростанциялар;
- гидроэнергетик қурилмалар;
- насос станциялар;
- ноанъянвий ва қайта тикланувчи энергия манбалари асосида ишловчи қурилмалар;

- гидроэнергетик қурилмаларни самарали лойихалаш, улардан фойдаланиш ва таъмираш жараёнлари.

Касбий фаолиятининг турлари:

- илмий тадқиқот фаолияти;
- лойихавий-конструкторлик фаолияти;
- йиғиши ва созлаш ишлари;
- фойдаланиш ва сервис хизмат күрсатиш;
- ишлаб чиқариш-технологик фаолияти;
- ташкилий-бошқарув фаолияти;
- педагогик фаолияти кабиларни ўз ичига олади [8].

Мұхандислик йўналиши талабаларига физика ўқитиши жараённанда илмий-тадқиқот, лойихавий конструкторлик касбий фаолият турларига тайёрлашда лойихалаш, конструкторлик ва тадқиқотчилик каби касбий компетенцияларини ривожлантиради. Илмий-тадқиқот фаолиятга тайёрлашда тадқиқотчилик компетенциясини, лойихавий-конструкторлик фаолиятга тайёрлашда лойихалаш ва конструкторлик компетенцияларини ҳамда педагогик фаолиятга тайёрлашда педагогик компетенциясини ривожлантириш назарда тутилади.

Илмий - тадқиқот фаолиятида:

- гидроэнергетик қурилмаларда кечадиган жараёнлар, уларни иш самарадорлигини ошириш ва хавфсизлигини таъминлаш буйича лабораторияда тадқик килишда қатнашиш;
- илмий тадқиқотларни ўтказиш ва ишланмаларни ишлаб чиқишида қатнашиш;
- мавзу (топширик) буйича илмий техник маълумотларни йигиши, ишлов бериш, таҳлил этиши ва тизимлаштириш;
- тадқиқот натижалари ва ишланмаларни тадбиқ этишда қатнашиш.

Лойихавий-конструкторлик фаолиятида:

- бажарилаётган тажриба-конструкторлик ва амалий ишлар мавзуси буйича математик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиши ва тадқиқот қилиш;
- лойихавий ва дастурий хужжатларни ишлаб чиқиши;
- амалиётда ахборот технологияларининг ҳалқоро ва касбий стандартларини, замонавий парадигма ва методологияларни, инструментал ва ҳисоблаш воситаларини тайёргарлик ихтисослигига мос равища қўллаш.

Педагогик фаолиятида (умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимида):

- умумий ўрта, ўрта маҳсус касб-хунар таълим тизимининг таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари буйича иқтисодий фанлардан замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб назарий ҳамда амалий машғулотларни ўтказиш;

- ўқув жараёнини ташкил этиши ва ўтказилишига кўмаклашиш, тадқиқотларда иштироқ этиши, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиши;

- ўқитилаётган фанлар буйича дарс машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик хужжатларни шакллантириш, тузиш ва уларни тадбиқ этиши;

- мустакил таълим ва ижодий кидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педа-

гогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва шакллар жабҳаларида ўз-ўзини тақомиллаштириб бориш.

Ирригация тизимларида гидроэнергетика обьектлари бакалавриат таълим йўналиши талабаларининг касбий компетенцияларига куйидаги талаблар кўйилган:

1. Умумий компетенциялар:

давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иктисодий муаммолар ва жараёнларни мустакил таҳлил қила олиши;

хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид хужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар буйича касбий фаолияти доирасида зарурый билимларга эга бўлиши хамда улардан замонавий илмий асосда касбий фаолиятида фойдалана олиши;

ахборот технологияларини касбий фаолиятида куллай билиши, ахборотларни иғиши, сақлаш, кайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усусларини эгаллаган бўлиши, касбий фаолиятида мустакил асосланган карорлар кабул қила олиши;

янги билимларни мустакил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

соглом турмуш тарзи ва унга амал килиш зарурияти тўғрисида тассавурuga эга бўлиши.

2. Касбий компетенциялар:

- гидроэнергетик курилмалар ва станциялар соҳасидаги маҳсус адабиётлар, илмий техникавий маълумотлар, чет элда ва республикамида эришилаётган фан ва техника соҳасидаги ютукларни ўрганиш кўнікмаларига эга бўлиши;

- гидроэнергетик курилмалари қисмлари, деталлари ва йигма бирликларининг лойиҳасини тизимли ёндашув асосида автоматлаштирилган равишда ишлаб чиқиш кўнікмаларига эга бўлиш;

- гидравлик машиналари ва жиҳозлари ҳамда уларнинг элементлари ишчи параметрлари ва ишчанлик қобилиятини аниқлаш буйича синовларни ўтказиш кўнікмаларига эга бўлиш;

- гидроэнергетик курилмалари, жиҳозлари ҳамда уларнинг двигателларидан фойдаланиш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатишни ташкил этиш кўнікмаларига эга бўлиши;

- ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва тадбик қилиш кўнікмаларига эга бўлиш;

- мухандислик ва конструкторлик ечимларини амалиётга тадбик қилишни билиши;

- ишлаб чиқариш жараённида сифатни бошқаришни билиши;

- бажарилётган иш режасини тузиш ва бу ишни назорат қилиш, ишни бажариш учун зарур бўйлан ресурсларни режалаштириш, ўз ишининг натижаларини баҳолаш кўнікмаларига эга бўлиш;

- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳитни ва меҳнат хавфсизлигини назорат қилиш тизими талабларига мослигини мониторинг қилиш кўнікмаларига эга бўлиш [8].

Мухандислик йўналиши талабаларини физика ўқитиш жараённида касбий компетентлиги ривожлантиришда фанлараро интеграцион таълим беришни ўкув режага мувоффик умумий ва касбий компетенцияларга кўйилган талабларни инобатта олган ҳолда амалга оширидик. Бунда фан блокларидан куйидаги фанлар ажратиб олинди:

1-блок: физика, математика;

2-блок: электротехника ва электроника асослари;

3-блок: гидроэлектростанциялар;

4-блок: гидроэнергетик курилмалардан фойдаланиш.

Мұхандислик йұналиши талабаларини фанлараро интеграция аосида физика үқитиши жарапнанда касбий компетентлигини ривожлантириш үйлі харитасини ишлаб чыкамиз (1-жадвал).

Бундан максад, физикадан маъруза, амалий, лаборатория, мустақил таълим ва түгәрек машгулолларыда ихтисослық фанлар билан интеграцион таълим бериш, шу билан бирға ихтисослық фанларига доир курс ишлари, малакавий амалиёт, битирув ишларини бажариш сифат даражасини ошириш назарда тутилади.

1-жадвал

Фанлараро интеграция аосида физика үқитиши үйлі харитаси

Максад	Фанлараро интеграция	Физика үқитиши шақлары	Ривожлантирилдеган компетентлигілар	Таълим методлари	Натижә	КОМПЕТЕНТЛІК МУХАНДІС
Физика үқитиши жарапнанда талабалардың касбий компетенттігінің	Математика	ФИЗИКА	Маъруза	Моделлаштырыш	Мұаммоли таълим	Мұхандис
	Электроника ва электротехника асослары		Амалий	Лойихалаш	Кейс-стади	
	Гидроэлектростанция		Лаборатория	Конструцијалаш	Ингерфөз таълим технологиялары	
	Гидроэнергетик курилмалардан фойдаланыш		Мустақил таълим	Тәдқиқотчылык	Интегратив таълим технологиясы	
			Тұғарек	Педагогик	Лойихалаш вә тәдқиқотчылык таълим методлари	

Ушбу фан мазмунини таҳлил қылғандан сүнг, асосий касбий компетентликни шақллантиришга ёрдам берувчи маҳсулотни қайта ишлаш сифатини текшириш операцияларини түгри бажариш көбилиятини ривожлантириш; үлчов асбоблары ўртасидаги фарқларни топиш, уларнинг максадларини аниклаш каби таълимий вазифаларнинг формуулалари аникланди[4]. Муайян үлчовларни амалга оширишда талабалар үлчов воситаларини түгри танлашлари керак. Берилған топшириқлар “Электроника ва электротехника” фанини үрганишда ҳам ахамиятлайды, чунки хозирги үлчов воситалари конструкция ва ишлаш принципи жиҳатидан фарқ қиласы. Үлчовлар ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш, олинган үлчов натижаларини баҳолаш, шунингдек үлчаш күнілімдерини ривожлантириш ҳар қандай мұхандислик фаолияти учун асос бўлиб хизмат киласы.

Биз томонимиздан ишлаб чиқилган методика фан асосларини үқитиши ва амалий соҳада фундаментал билимларни күллаш (касбий фаолият) ни бирлаштыришга имкон беради. Талабаларнинг ўкув-билив фаолиятини муваффакиятли амалга оширишнинг мухим шарты унинг мураккаб тузилишидир. Биз педагогик технологияни уч босқичида амалга оширишни таклиф етдик: тайёргарлик, асосий ва якуний. Физика фанини фанлараро интеграцион үқитишида техника ОТМ талабалари касбий фаолиятида касбий компетентликни ривожлантиришда биз томонимиздан ишлаб чиқилган модельдан фойдаланиш мухим ахамиятга эга.

Адабиётлар:

1. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 5450400 «Гидротехника иншоатлари ва насос станциялари»(бакалавр даражаси) тайёрлаш соҳасида олий таълим бўйича Давлат таълим стандарти ва маалака талаблари.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ти ЎРҚ-637-сон Қонуни. <https://lex.uz/docs/5013007>.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 марта “Физика соҳасидаги таълим сифатини ошириши ва илмий тадқикотларни ривожлантириши чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПҚ-5032-сон Карори <https://lex.uz/docs/5338558>

4. Амирова, Л.А., Багишаев З.А. Профессионально-педагогическая мобильность учителя как целевая установка высшего педагогического образования // AlmaMater (Вестник высшей школы). - 2004. - № 1. - С. 37 – 41.

РЕЗЮМЕ

Маколада Физикадан фанлараро интеграцион таълим бериш асосида мұхандислик йўналиши талабарини касбий компетентлигини ривожлантириш методикаси ёрнитилган.

РЕЗЮМЕ

В статье описана методика развития профессиональной компетентности студентов инженерных специальностей на основе междисциплинарного интегрированного образования по физике.

SUMMARY

The article describes the methodology for developing the professional competence of engineering students on the basis of interdisciplinary integrated education in physics.

ФИЗИКА ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА МУХАНДИСЛИК ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИНИ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛАНТИРИШ МОДЕЛИ

Бекназарова З.Ф.
ТИҚҲММИ катта ўқитувчи
Бобоходжаев Қ.У.

физика-математика фанлари номзоди ТВЧДПИ ўқув-услубий бўлими бошлиги
Таянч сўзлар: физика ўқитиш жараёни, мұхандис, талабалар касбий компетентлигини шакллантириш, модель, таълим жараёни, ахборот-коммуникация технологиялар.

Ключевые слова: учебный процесс физики, инженерия, формирование профессиональной компетентности студентов, модель, учебный процесс, информационно-коммуникационные технологии.

Key words: educational process of physics, engineering, formation of professional competence of students, model, educational process, information and communication technologies.

Жаҳондаги ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши индекси (ICT Development Index) бўйича етакчилик қилиб келаётган давлат-ларнинг педагогик тажрибаларига асосан замонавий педагогик технологиялари ва ахборот-коммуникация технологияларини физикадан таълим жараёнига кенг татбиқ этиши хамда таълимнинг сифат даражасини янги боскичга кўтаришда бўлажак мұхандисларни лойихалаш, ишлаб чиқариш ва созлаш, конструкциялаш, тадқиқотчилик ва бошқарув каби касбий компетенцияларни ривожлантириш мухим ўрин тутади. Жумладан, табиий-илмий, умумкасбий ва ихтисослик фанларини фанлараро интеграцион ўқитиш асосида физика ўқитишнинг дидактик таъминотини такомилаштириш, дастурлаш тилининг инновацион мухитидан фойдаланиб, педагогик дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиши ва илмий-тадқиқот натижаларини қайта ишлаш орқали

бүлажак бүлажак мухандисларни касбий фаолиятга тайёрлаш алохода аҳамият касб этади. Шу нуктаи назардан, техника олий таълим муассасаларида мухандислик йўналиши талабаларини физика ўқитиши жараённида халқаро стандартлар даражасидаги касбий фаолият турларига тайёрлашда дастурий воситалар ва таълим методларидан самарали фойдаланиш орқали меҳнат бозори талаабларига мувофиқ касбий компетенцияларини шакллантириш заруратини такозо қиласди.

Бўлажак мутахассисларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик тадқиқотларида моделлаштириш усули энг оммабоп ва самарали хисобланади. М.В.Ядровскаяяниң илмий тадқиқот ишида модел [француз тилидан: modèle, итальянча: modello, лотинчада modulus] тадқиқотчи томонидан атроф-мухит, табиат, жамият ёки фанда содир бўладиган обьект, ҳодиса ёки обьектни тасвирлаш учун яратилган диаграмма сифатида тасвирланади [195].

Тадқиқотчи О.М.Власенконинг таъкидлашича, модел тушунчаси кўп маънолидир. Муаллиф учта энг кенг тарқалган талкинни: модел муайян дизайннинг бир тури сифатида, нусхаларни яратиш модели сифатида ва обьектнинг вакили сифатида аниқлайди. Олимнинг фикрича, педагогик тадқиқотларда модел мазкур обьектга: шахс, харакат, хулк-автор ва мулокотга ўхшатиш вазифасини бажаради [49].

Моделларни таснифлаш О.М.Власенко ишида кўриб чиқилган бўлиб, у қуйидаги турларни ажратиб туради: ақлий, нутқ, белгили, мажозий, асосли ва функционал. Муаллифнинг таъкидлашича, педагогик тадқиқотларда энг кўп кўлланиладиган моделлар иккиласмчи образлар бўлиб, улар обьектнинг умумлашган ва тузилган тасаввурлариди [49]. Илмий адабиётларни таҳлил қилиш асосида П.В.Яковлев кўпчилик моделларни моддий ёки идеал сифатида тавсифлаш мумкинлигини қайд этади [196]. Е.О.Лодатко обьектни танлаш орқали таълим тадқиқотларида жараёнларни моделлаштириш кетма-кетлигини очиб берди. Шундай килиб, тадқиқотчининг фикрига кўра, педагогик тадқиқотларда моделлаштиришнинг энг кенг тарқалган обьекти - жамиятнинг таълим йўналиши ва қадрият йўналишига нисбатан концептуал ёндашувларидир. Кейинги - таълим мазмунни, батағисироқ ўрганиши учун, ўқитишининг методик тизимини аниқлаш учун муайян фаннинг ўкув материали мазмунининг моделидан фойдаланилади. Кейинги босқич ўқитиш технологиясини моделлаштириш бўлиб, у ўқитишининг турли босқичларида кўлланиладиган усул ва услубларни ишлаб чиқади [100].

О.М.Киселеванинг фикрига кўра, моделлаштириш усули кўпчилик фанлар, жумладан, педагогика учун асосийлардан бири бўлиб, математик моделларни куриш, кўллаш ва ўрганишдан иборат [89]. О.М.Власенко моделлаштиришни модел яратиш, кузатиш ва модел асосида хulosha чиқариш жараёни сифатида тавсифлайди [49].

Муаллиф Н.В.Литвинова ўз ишида моделлаштиришни таълим мухандисларининг касбий компетенциясини ривожлантиришни кузатиш ва таҳлил қилиш тизими сифатида кўриб чиқади [105]. А.Б.Дамбуева курилган тизимнинг барча таркибий қисмларини тўлиқ таҳлил қилиш имкониятини моделлаштиришнинг асосий афзалиги деб хисоблайди [61]. Шундай килиб, бошқа томондан, моделлаштириш, агар бу тизимнинг ишлашига таъсир килмаса, тизим учун аҳамиятга эга бўлмаган тизим компонентларини соддлаштириш сифатида тақдим этилиши мумкин.

Педагогикадаги ҳар қандай жараён каби моделлаштириш ҳам кетма-кет бажариладиган муайян босқичлардан иборат. С.О.Касярум модел яратишнинг қуйидаги босқичларини белгилайди: аввало моделлаштириш ёрдамида ўтказиладиган тадқиқот вазифаларни аниқлаш керак; обьектни бевосита кузатиш мумкин эмаслигини тасдиқлайди; шундан сўнг, тадқиқотнинг мавжудлиги ва обьектнинг мухим фази-

латлари ва хусусиятларини аниқлаш учун асосий талаблар бўлган моделни танлаш керак; кейинги мониторинг юклатилган вазифаларга мувофиқ амалга оширилади; охирида натижалар объектнинг ўзига ўтказилади [87].

Тадқиқотчи Н.И.Евтушенко моделлаштиришнинг ўхшаш босқичларини таърифлаб, модел параметрларидаги ўзгаришларни баҳолаш мезонлари ва танланган обьектга риоя қилиш моделини ўрганиш мезонларини танлаб, олинган мезон ва кўрсаткичлардан фойдаланиш нуткай назаридан мураккаб тарзда амалга оширилади [66].

Педагогик тадқиқотларда моделлаштириш жараёнининг асосий тамойилларини тавсифлаган Е.О.Лодатко ўрганиш катта қизиқиш уйғотади, улар орасида куйидагиларни ажратиш мумкин:

- турли муаллифлар учун бир хил педагогик концепцияни тадқиқотнинг мақсадлари ва контекстига қараб турли йўллар билан талқин қилиш мутлако қонунийдир;
- бир ёки бир неча тажриба натижалари асосида муайян педагогик ҳодисанинг тўлиқ тасаввурларини кўрб чиқиши мумкин эмас;
- идеаллаштириш, содалаштириш, муайян компонентларга эътибор қаратиш натижасида моделлаштириш жараёни педагогик ҳодиса тавсифини расмийлаштиришга имкон беради ва натижаларни қайта ишлаш учун сонли усууллардан фойдаланишга кўмаклашади;
- битта модел обьектни тавсифловчи барча хусусиятлар ва сифатларни тўлиқ акс эттира олмайди;
- моделни куришнинг асосий талаблари унинг ахборот мазмуни, фойдаланиш қуяйлиги, педагогик тамойилларга мослиги ва моделни маълум компонентлар орқали бошқариш қобилиятидир [100].

Моделлаштириш орқали педагогик тадқиқотларни олиб бориш жараённида турли муаллифлар кўйилган вазифаларни ҳал этишга энг кўп имкон берадиган моделларнинг функцияларидан фойдаланадилар. Шундай килиб, Т.В.Волкова куйидаги моделлаштириш функцияларини белгилайди ва кўллайди: моделлаштириш усули маълум бир педагогик жараённи бошидан охиригача доимий ўрганишга имкон беради; моделлаштириш обьектни нафақат бутун, балки унинг компонентларининг ўзаро таъсирини ҳам батафсил ўрганишга имкон беради; моделлаштириш моделнинг маълум хоссаларига, сўнгра ўрганиш жараёнини самаралироқ киладиган обьектга эътибор бериш имконини беради, моделлаштириш усулидан фойдаланиб, тизимнинг нафақат статик ҳолатини, балки жараёнлар динамикасини ҳам ўрганиш мумкин [50].

О.М.Власенко бундай моделлаштириш функцияларини реконструктив, тавсифловчи ва интерпретатив деб ҳисоблайди, унинг асосида обьектнинг муайян хусусиятларини танлаш, тавсифлаш ва умумлаштириш мумкин [49]. Н.В.Кузьмина, А.А.Остапенко таълим тизимини моделлаштириш жараённида куйидаги таркибий элементларни ажратиб кўрсатади: мақсад, ўқитувчи, талаба, педагогик мулокот воситаси, ўкув ахбороти ҳамда таълим тизимининг сифат мезонлари [130].

Н.И.Евтушенко ўз тадқиқотларида кўп даражали моделлаштириш орқали про-гностик (эвристик) функцияни амалга ошириши оклади. Макродаражада тизимнинг ўзи, унинг компонентлари ва улар ўртасидаги муносабатлар моделлаштирилади. Мезодарражада тизимнинг компонентлари мустакил бирликлар ҳисобланиб, микродаражада обьектнинг таркибий бирликлари алоҳида моделлаштирилади [66]. Шундай килиб, модел обьектни нафақат статик ҳолатда, балки унинг ҳар бир компонентини биргаликда ёки алоҳида ўзгартириш жараённида ҳам ўрганишга имкон беради.

Шуны тақидаш керакки, тадқиқотчилар мутахассисларнинг касбий компетенттігінің ривожлантириш учун умумий қабул қылғанған модел шаклиға ега эмаслар, буни тадқиқот вазифаларидаги фарқлар билан изоҳлаш мүмкін, чунки юқорида тақидашланғанидек, моделлаштириш жараённи тадқиқотчига илмий қизиқиши үйгөтувчи обьекттінинг муайян компонентларига қаратылади.

Тадқиқотимиз доирасыда моделлаштириш обьекті физика фанини үқитиш жараённің бүлжак мұхандиссинг касбий компетенттігінің ривожлантириш жараённідір. Юқорида тақидашланғанидек, моделлаштириш обьекттінинг айрым хусусияттарынің бошқаларни батағсил күриб чиқыш фойдағысы соддалаштиришнің үз ичига олади, акс қолда модел нокулай бўлиб қолади ва үз функцияларыни йўқотади. Муаллифлик моделни куришда кўйидаги компонентларга эътибор қаратылади:

1) бўлжак мұхандислар томонидан ўрганилаётган табиий фанлар циклидан умумий физика курси барча асосий умумқасбий компетенцияларни шакллантириш учун энг катта имкониятларга ега бўлган фан сифатида моделлаштириш учун танланди;

2) ушбу ўкув курси доирасыда ўқазалиши мумкин бўлган барча дарс шаклларидан амалий машғулотлар маързуза, лаборатория иши, гурӯх ва мустақил иш элементларини үз ичига олиши мумкин бўлган педагогик шакл сифатида танланади;

3) амалий дарсдаги барча фаолият турларидан мұаммолар ечими дарс учун ажратылган вақтнинг 90% гача давом этадиган асосий фаолият сифатида танланади.

Илмий ва ўкув адабиётларини таҳлил қилиш натижасыда мұхандислик йўналиши талабаларини физика үқитиш жараённің касбий компетенттігінің ривожлантиришнинг уч босқичини аникладик: дастлабки, асосий ва якуний (2.1-жадвал).


2.1-жадвал

Мұхандислик йўналиши талабаларини физика үқитиш жараённің касбий компетенттігінің ривожлантириш босқичлари мазмуни

Босқичлар	Вазифалар
Дастлабки	1) компетентті өндешуев һүкмни назаридан назарий өндешувни тузиши; 2) таълим мұаммоларини ҳал қилиши бўйича кўрсатмаларни тизимлаштириши.
Асосий	1) талабаларнинг қизиқиши ва материялни мустақил топа олиши қобилятигини ҳосил қилиши; 2) масалани ечиши кептма-кептисини мустақил танлаши ва амалга ошириши қўнижмасини ҳосил қилиши.
Якуний	1) ўз билим ва қўнижмаларни баҳолаш қобилятигини ривожлантириши; 2) олинган қарорни баҳолаш қобилятигини ривожлантириши

2.1-расмда келтирилган умумий физика курсининг касбий йўналишини амалга оширишнинг ишлаб чиқылған таркибий ва мазмуний модели кўйидаги блоклардан иборат: мақсадли; мазмунли; жараёнли; диагностик ва натижавий.

Модель кўйидаги педагогик тамойилларга асосланди: назария ва амалиётни боғлаш, билиш фаолиятини фаоллаштириш ва үқитиш мазмунини структуралашда мұаммоли өндешув, ўкув жараённини интенсивлаштириш, касбий фаолиятга тайёрлаш. Моделнинг муваффақиятли ишлашини таъминлаш учун биз тадқиқотимиз доирасыда тавсия этилган модельнинг компонентларини таҳлил қилиш ва тузиш, шунингдек, умумий физика курсини үқитиш жараённини мұхандиссинг касбий компетенттігінің ривожлантиришнинг энг макбул асоси сифатида кўриб чиқиши имконини берадиган тизим ва компетентті өндешувларини танладик.



Тавсия этилган модельни кўллаш дастлабки, асосий ва якуний босқичларда амалга оширилди, уларнинг ҳар бири асосий умумкасбий малакаларниң муайян таркибий кисмини ташкил этади, чунки бўлажак мухандисларни умумий физикани ўрганиш жараённида гасбий фаолиятга тайёрлашни амалга оширади.

Таркибий-мазмун модели таълим жараёнининг ҳар бир босқичида шакллантириладиган бўлажак мухандиснинг асосий умумкасбий компетенцияларининг таркибий кисмларини, мухандислик йўналиши талабаларни ўқитишида илмий-услубий ишлар шакллари ва воситалари; педагогик жараённинг ҳар бир босқичидан кутилаётган натижаларини акс эттиради;

Моделдан фойдаланишдан асосий мақсад умумий физика курсининг гасбия йўналтиришни амалга оширишдан иборат. Мақсадли блокда тадқиқотнинг ҳар бир босқичига қўйилган оралиқ

мақсадлар, ўқитувчи томонидан босқичма-босқич ҳал этиладиган вазифалар киради.

Демак, дастлабки босқичда оралиқ мақсад - талабаларнинг муаммоли майдон хакидаги тушунчаларини назарий материаллар мажмуи, ўкув вазифалари шартлари ва уларни ҳал этиш йўллари сифатида кенгайтириши. Натижада ўқитувчининг олдига куйидаги вазифалар қўйилди: умумий физика курсидаги материални компетентли ёндашуви нуқтаи назаридан тузиш; таълим муаммоларини ҳал қилиш воситаларини тизимлаштириш; таълим муаммоларини ҳал қилиш учун зарур бўлган математика ва компютер фанлари бўйича амалий билимларни умумлаштириш; ўкув вазифаларини ҳал қилишда «муваффақият ҳолати» ни яратишга кўмаклашиш.

Асосий босқичда оралиқ мақсад талабаларнинг ўкув-гасбий вазифаларни ҳал этишда ўз билим ва кўнікмаларини кўллай олиш қобилиятини ривожлантиришдан иборат. Бу мақсад ўқитувчи олдига куйидаги вазифаларни қўяди: муаммоли (ишлаб чиқариш) вазиятни таҳдил кила олиш кўнікмасини шакллантириш; талабаларнинг ўз устида кўшимча зарур материал топа олиш кизиқиши ва қобилиятини шакллантириш; масалани ечиш кетма-кетлигини мустакил танлаш кўнікмасини ҳосил қилиш; муаммоли вазиятни тасаввур қилиш, сонли тавсиф олиш кўнікмасини ҳосил қилиш.

Якуний босқичда оралиқ мақсад билим ва кўнікмаларни янги вазиятларда мустакил кўллай олиш қобилиятини ривожлантиришдан иборат бўлди. Бу мақсадларга мувофиқ ўқитувчига вазифалар юклатилди: ўз билим ва кўнікмаларини баҳолаш кўнікмасини шакллантириш; умумлаштириш ва тизимлаштириш асосида ўкув (ишлаб чиқариш) муаммоларини ечиш алгоритмларини яратиш кўнікмасини шакллантириш; олинган ечимни баҳолаш кўнікмасини шакллантириш; ўрганилган материални структуралаш жараённига талабаларни фаол жалб этиш.

Жараёнли блоки ҳар бир босқичда шакллантириладиган бўлажак муҳандиснинг асосий умумкасбий компетенцияларини ўрганади.

Дастлабки босқичда когнитив-таҳлилий, когнитив ва ахборот-методик компетенцияларнинг мотивацион-шахсий ва билим компонентларини шакллантириш амалга оширилади: квази-касбий вазиятни таҳлил қилиш, муаммони аниклаша ва муаммоли соҳага оид материални тизимлаштириш. Шу билан бирга, ташкилот, тиришқоқлик, кузатиш, диккәт, мантикий қобилият, сўз қобилиялари, ишни режалаштириш қобилияти, тавсия этилган адабиётлардан фойдаланиш қобилияти, маълумотномалар, фундаментал билим, тизим тафаккури, сабаб-оқибат муносабатларини тушуниш ва илмий билимдонлик каби қобилият ва шахсий хусусиятлар ишлаб чиқилган. Кела-жакда касбий фаолият маҳсус адабиётлардан, маълумотномалардан, техник маданиятнинг юқори даражасидан, муҳандислик муаммосини кўриш қобилияти, гипотезани олдинга суриш қобилияти, техник билимдонлик, техник фикрлаш, техник муаммони баҳолаш қобилияти, техник вазиятни ҳақиқий баҳолаш, техник курилмаларни таҳлил қилиш ва синтез қилиш қобилиятига айланади.

Асосий босқичда бу малакаларнинг фаолият компоненти шаклланади: математика ва информатика фанларидан амалий билимлар мустаҳкамланиб, тенгламалар ва ёпик тенгламалар системаларини ечиш кўнимкалари ҳосил қилинади. Ушбу кўнимкалар келажақдаги муҳандиснинг кўйидаги фазилатларини ривожлантиришга ёрдам беради: тиришқоқлик, фидойилик, қарорларининг тўғри сабаблари, мустақиллик, танқидий фикрлаш, муаммони баҳолаш қобилияти, амалий ва назарий ақл уйғулиги, вазифаларни ҳал қилиш учун оқилона ёндашув, фикрлаш тезлиги, фазовий тасаввурни ривожлантириш, кўл эпчиллиги, фазовий хотира, кўзнинг ривожланиши, ўкув тасвирларини бажариш қобилияти, статика ва жараёнларнинг динамикасини акс эттиради. Ушбу фазилатлар ва маҳсус фанларни кейинчалик ўрганиши туфайли талабалар кўйидаги касбий кўнимкаларга эга бўладилар: техник сиёсат олиб бориш, самарали техник счимларни топиш, зарур материаллар миқдорини хисоблаш, техники қобилияларни шакллантириш, техник муаммони ҳал қилиш қобилияти, дизайн тасаввурни, кўл қобилиялари, диаграммаларни ўқиши ва тушуниш қобилияти, чизмалар, техник курилмаларнинг сенсомотор назорати кўнимкалари, амалий кўнимкалар, ишлаб чиқариш функцияларини бажариш қобилияти., харакат обьектлари ва тизимлари намуналарини яратиш қобилияти.

Якуний босқичда асосий умумкасбий компетенцияларнинг рефлексив компоненти шаклланади: топширикларни тузиш ва таснифлаш ва ўз-ўзини таҳлил қилиш қобилияти шаклланади. Шундай килиб, энергия, алоқа қобилиялари, гурухларда ишлаш қобилияти, қарорлар учун масъулият, ўз-ўзини назорат қилиш қобилияти, мустақил вазифаларни белгилаш қобилияти, шарт-шароитларнинг ностандарт кўриниши, ижодий ёндашув, ақл ва зийраклик мослашувчанлиги ва қобилияти, стандарт ўкув вазиятнига баҳо бериш ва уларнинг тасаввурларини, кузатишларини фарқлай олиш ишлаб чиқилади. Келгуси меҳнат фаолиятида талабаларга стандарт моделлардан янгича фойдалана олиш, ностандарт вазиятларни таҳлил қилиш ва баҳолаш қобилияти каби касбий аҳамиятли шахс хусусиятлари керак бўлади.

Мазмунли блокининг мақсади танланган барча асосий умумкасбий компетенцияларни ривожлантириши даражасини изчил амалга оширишdir. Дастлабки босқичда асосан педагогик фаолиятнинг шундай шаклларидан маъruzza, кўрсатма, сўров, баҳолаш ва сифат муаммоларини ечиш элементлари сифатида фойдаланилади. Faoliyat босқичида талабаларнинг билиш фаолиятини фаолаштириш мақсадида сухбат, сўров, машқлар ва мустақил масалалар ечишдан фойдаланилади. Якуний босқичда

асосий умумкасбий компетенцияларни юкори даражада шакллантириш учун семинар, танлов, мустақил иш олиб бориш, ижодий вазифаларни бажариш, асосий, график ва тайинланмаган вазифаларини ҳал қилиш каби шакл ва усуслардан фойдалинади.

Танланган шакл ва усуслар когнитив-тахлилий, когнитив ва ахборот-математик компетенцияларни шакллантиришнинг ҳар бир босқичида қўлланиладиган педагогик воситаларни аниклади. Дастробки босқичда дарслик ва ўқув қўлланмалар, стендлар, жадваллар, структуравий-мантикий схемалар, маълумотномалар ва қўп ахборот воситаларидан фойдаланилди. Асосий босқичда юкорида санаб ўтилган воситаларга ўз-ўзини ўрганиш машғулотлари учун топшириқ карточкалари ва бланкалар қўшилди. Якуний босқичда асосан ахборот-услубий материаллар, шахсий компьютер ва маълумотнома материалларидан фойдаланилди.

Диагностик блоки моделни амалга оширишнинг ҳар бир босқичида башорат килинган натижаларга эришишни баҳолаш, шу тариқа тадқиқот натижаларини аниклаш, модел фаолиятининг тўғрилигини текшириш ва кейинги босқич натижаларини башорат қилиншинг барча усул ва воситаларини ўз ичига олади. Тайёргарлик босқичининг башорат қилинган натижаси таҳлил қилиш, синтез қилиш, умумлаштириши қобилиятини шакллантириши, тузилган назарий билим ва масалаларни ечиш усусларини шакллантиришдир. Асосий босқичнинг охирида турли вазифаларни ҳал қилишда назарий билим ва усусларидан фойдаланиши қобилияти, квази-касбий вазиятини назарий таҳлил қилиш, натижада таълим муаммоларини ҳал қилишида янги билим ва қўнималардан мустақил фойдаланиш кутилган. Якуний босқич якунида талабалар ўз ҳаракатларини баҳолаш ва муаммоларни ечишга ижодий ёндашишлари учун ўз билим, қўнимка маалакаларини қўллай олишлари лозим.

Шундай килиб, умумий физика ўқув курси давомида бўлажак муҳандис тайёрлаш шакллари, усуслари ва умумий физика бўйича амалий таълим ўтказиш ишлатиладиган воситаларга мувофиқ ишлаб чиқилган анъанавий ва компетенцияларга асосланган ёндашувлар интеграцияси асосида таркибий моделини амалга ошириш, шунингдек муҳандис касбий компетентлигини узлусиз ривожлантириши билан амалга оширилади. Моделнинг ишлаш самарадорлиги турткни (ташки томондан ички), ўқувчиларнинг асосий фаолияти ўзгаририладиган (пассив ва репродуктивдан фаол ва ижодийгача) босқичларни (дастробки, асосий ва якуний) ўзаро боғлиқ мувофиқлаштириш билан таъминланади ва касбий ҳаракатлар рефлексив ривожланаиди.

Умумий физика курсида масалалар ечиш жараёнида амалий машғулотларда ушбу моделдан фойдаланиш ва касбий йўналтирилган вазифалар бўлажак муҳандиснинг касбий муҳим сифатларини босқичма-босқич ривожлантиришга ёрдам беради.

Тадқиқотимиз доирасида физика курсини ўқитиш жараёнида муҳандислик йўналиши талабаларини касбий компетентлигини ривожлантириши орқали касбий фаолиятга тайёрлашни амалга оширилди.

Адабиётлар:

1. Олий ва ўрга маҳсус таълим вазирлиги 5450400 «Гидротехника иншоотлари ва насос станциялари»(бакалавр даражаси) тайёрлаш соҳасида олий таълим бўйича Давлат таълим стандарти ва малака талаблари.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сон Қонуни. <https://lex.uz/docs/5013007>.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 мартағи “Физика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5032-сон Карори <https://lex.uz/docs/5338558>

4. Амирова, Л.А., Багишаев З.А. Профессионально-педагогическая мобильность учителя как целевая установка высшего педагогического образования // AlmaMater (Вестник высшей школы). - 2004. - № 1. - С. 37 – 41.

РЕЗЮМЕ

Ушбу маколада физика ўқитиш жараёнида мұхандислик йұналиши талабаларини касбий компетентлігіні шакллантириш модели ҳақида сүз этилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматривается модель формирования профессиональной компетентности студентов инженерных специальностей в процессе обучения физике.

SUMMARY

This article discusses a model for the formation of professional competence of students of engineering specialties in the process of teaching physics.

МАТЕРИАЛШУНОСЛИК ВА КОНСТРУКЦИОН МАТЕРИАЛЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА КОНСТРУКЦИОН МАТЕРИАЛЛАР

Шарипов Я.И.

Toшкент Кимә технологиялари институты Шахрисабз филиали асистенти

Таяныч сүзлар: материалшунослик, конструкцион, пластмасса, шиша, кермика, таркиб.

Ключевые слова: материаловедение, строительство, пластик, стекло, керамика, содержание.

Key words: materials science, construction, plastic, glass, ceramics, content.

Қора металлар темирнинг углерод билан котишимасидан иборатдир. Бундан ташқары уларнинг таркибида оз ёки кўп микдорда бошқа химиявий элементлар (кремний, марганец, олтингугурт, фосфор) ҳам бўлиши мумкин. Қора металларга хос бўлган хусусиятлар бериш учун уларнинг таркибига яхшиловчи ёки легирловчи қўшимчалар (никелр, хром, мисва бошқалар) киритилади. Таркибидаги углерод микдорига қараб кора металлар чуянлар ва пўлатларга булинади. Пўлат - таркибидаги углерод микдори 2% гача бўлган темир билан углероднинг bogланувчан котишимасидир.

Ишлаб чиқариш усулига қараб, пўлатлар, мартен, конвертор ва электр пўлатларига булинади. Котишига таркибига кирадиган химиявий элементларга қараб пўлатлар химиявий таркиби бўйича углеродли ва легирланган бўлади.

Углеродли пўлатлар темир билан углерод ва марганец, кремний, олтингугурт ва фосфор аралашмалари котишималаридан иборат. Улардан ҳар бири пўлатнинг механик хоссаларига маълум даражада таъсир килади. Курилишда ишлатиладиган оддий сифатли пўлатлар таркибида углерод микдори $0,06\div0,62\%$ бўлади. Таркибида углерод микдори кам бўлган пўлатлар юкори пластиклиги ва зарб қовушоклиги билан ажralиб туради. Углерод микдори ортиқ бўлса, пўлат муртлашади ва қаттиқ бўлади.

Маркаларда углерод фонизининг юздан бир улушларида (0,8;25 ва ҳоказо) курсатилади. Ст0, Ст1, Ст2, Ст3сп, Ст4, Ст5пс, Ст6кп. Углеродли сифали конструкцион пўлатлар: Ст08, Ст10, Ст35, Ст45.

Легирланган пўлатлар деб, таркибида легирловчи қўшимчалар (никелр-Н, хром-Х, волфрам-В, молибден-М, мис-Д, алюминий-Ю ва бошқалар) мавжуд бўлган пўлатларга айтилади. Кам легирланган пўлатлар курилишда кўп кулланилади. Бу пўлатлар таркибида углерод микдори 0,2% дан ортиқ булмаслиги керак,

чунки ортиқ бўлса пўлатнинг пластиклиги ва зангларга бардошлиги, шунингдек пайвандланиши ёмонлашади. Таркибига киритилган легирловчи кўшилмаларига караб пўлат хром-марганецли, марганец-никелр-мисли пўлат ва хоказолар деб аталади.

Сифатига кўра пўлатлар, оддий (рядовий) сифатли, юкори сифатли ва алохида юкори сифатли пўлатларга булинади. Пўлатларнинг хоссалари: ҳакиқий зичлиги, суюкланиш температураси, иссиклик сигими, иссиклик утказувчанлиги, температурадан кенгайиши.

Углеродли пўлатларни маркалашдан фаркли уларок кам легирланган пўлатлар маркасидағи ҳарфлар пўлат таркибидаги легирловчи аралашмаларнинг борлигини, ракамлар эса уларнинг уртacha микдорини олдинга хисобида курсатади; ҳарфлардан олдинги ракамлар пўлат таркибидаги углерод микдорини фоизнинг юздан бир улушкида курсатади. Пўлатни маркалашда ҳар бир легирловчи элементта маълум ҳарф берилади: Кремний - С, марганец - Г, хром - Х, никелр - Н, молибден - М, волфрам - В, алюминий - Ю, мис - Д, қобалт - К ва хоказо. Маркадаги биринчи рақам углероднинг уртacha микдорини (асбобсозлик ва зангламас пўлатлар учун фоизнинг юздан бир улушларида) билдиради; сунгра ҳар билан легирловчи элементнинг уртacha микдори курсатилади, масалан, пўлат 3x13 нинг таркибидаги 0,3% С ва 13%Сч, 2x17Н2 маркада - 0,2%С, 17%Сч ва 2% Ni бор. Пўлат таркибидаги легирловчи элемент микдори 1,5% дан кам бўлса, тегиши ҳарфдан кейин ракамлар ёзилмайди: 1Г2С, 12ХН3А. Марка белгисининг охиридаги А ҳарфи пўлат юкори сифатли эканлигини, Ш ҳарфи айникса юкори сифатли эканлигини курсатади. Масалан, 112С маркали кам легирланган конструкцион пўлат таркибидаги 0,1% углерод, 2% марганец ва 1% кремний борлигини ифодалайди.

Чўян турлари, хоссалари ва маркалари. Чўян - таркибидаги 2-4,3% углерод бўлган темир углеродли котишмадир. Вазифасига қараб чўяnlар куйилувчан, қайта ишланадиган ва маҳсус чуяnlарга фаркланади. Қайта ишланадиган чўяnlар пўлат ишлаб чиқариш учун ишлатилади, маҳсус чўяnlардан эса пўлат ва маҳсус ишларга мўлжалланган буюмлар олинади.

Чўян кўймаларни ишлаб чиқаришда кўшимча сифатида фойдаланилади. Чўян таркибидаги марганец, кремний, фосфор, шунингдек легирловчи кўшимчалар - никел, хром, магний ва бошқалар бўлиши туфайли чўян юкори механик хоссаларга эга бўлади ва оловбардошҳам, занглашга ва бошқа элементлар кўшилган чўяnlар легирланган чўяnlар дейилади. Юкори мустахкам чўяnlар суюқ чўянни Si, Ca ва бошқа кўшилмалар билан модификациялаб олинади.

Чўян домна печларда суюклантириб олинади. Чўян ишлаб чиқариш учун темир рудалари, ёкили ва флюслар дастлабки материал бўлиб хизмат қиласади (Fe_3O_4 , 70%, 65% Fe_2O_3 , 60% $2Fe_2O_3+2H_2O$).

Таркибидаги аралашмаларнинг микдори ва совўтиш тезлигига караб чўяннинг куйидаги асосий иккита тури: ок чўян ва кулранг чўян мавжуд. Бу номлар чўяннинг рангига мос келади. Оқ чўяннинг каттиклиги юкори, лекин жуда мўрт бўлади; у болғаланувчан чўян ва пўлат олиш учун ишлатилади. Суюқ ҳолатда кулранг чўян яхши окувчан ва қолипларга осон тўлади, қайтаётганида кам чўқади, механик усулда ишлов бериш қулай. Бу чўядан турли-туман қурилиш буюмлари (кувиirlар

учун фасон қыслар, радиатор ва бошқалар) ни қуиши учун фойдаланилади. Кулранг чүяннинг турларидан бири модификацияланган кора чўядир. Бу чўян суюк чўянига кўшимчалар (модификаторлар) киритиш ҳисобига ҳосил қилинади. У юкори механик хоссаларга эга.

Кулранг, шунингдек модификацияланган чўян СЧ ҳарфлари билан маркала-нади, масалан СЧ12-28, СЧ-18-36, СЧ28-48 ва СЧ32-52 ва ҳоказо. Чўян маркаси-даги биринчи рақам чўузилишга, иккинчи рақам эса эгилишга йўл кўйиладиган мустахкамлик чегарасини (кгк/мм²-да) кўрсатади. Асосан сиқувчи куч та’сирида бўладиган буюмлар (колонналар, таянч ёстиклар, канализация трубалари, тюбин-глар ва бошқалар) кўйма кулранг чўяндан ясалади, чўузилишга мустахкамлик чега-раси 120-210 ва эгилишга мустахкамлик чегараси 280-400 МПа билан тавсифла-нади. Курилишда юкори мустахкам ва легирланган чўянлардан кам фойдаланилади.

Юкори чидамликка эга бўлган, шарсимон графитли чуянлар (В4) - самарали конструкцион материалларнинг биридир. В4 навли чуян (ГОСТ 7293-79) юкори технологик, механик ва ишлатиш хоссасига эга. Юкори температура (500-6000С гача) ва каррозияга учрайдиган муҳит билан ишлайдиган деталларни тайёрлашда маҳсус легирланган чуянлардан (ГОСТ 7769-82) фойдаланилади.

Рангли металлар соф ҳолда кам (айникса, қурилишда) ишлатилади. Уларнинг қотишмалари кўп ишлатилади. Улар ҳакикий зичлиги бўйича енгил ва оғир катлам-ларга булинади. Улар зичлиги, камлиги, пластиклиги, яхши манзарали сифатлари билан ажralиб туради. Енгил қотишмалар алюминий ёки магний асосийда олинади. Энг кўп таркалган енгил қотишмалар алрюминий-марганецли, алрюминий-кремний икки оксидли, алрюминий-магнитли ва дюралюминий қотишмаларидир. Улар бино ва иншоотларнинг устунлари, ҳамда ихоталовчи конструкцияларда ишлатилади.

Алрюминий зичлиги 2,7 г/см³ бўлган бўлган кумукшисимон - ок рангли енгил металdir. У пластик, яхши прокатка қилинади ва кўйилади, суюкланиш температу-раси 6570С. Зангашга юкори даражада чидамли бўлади.

Алрюминий қотишмалари алрюминийга мос, марганец, магний, кремний кўшиб олинади. Алрюминий қотишмаларидан прокатларнинг ҳар хил турлари: бурчаклик, швеллер, куштавр, ясси ва торфланган листлар, трубалар ва ҳоказолар тайёрланади.

Оғир қотишмалар мис, калай, рух ва кургошин асосийда олинади. Қурилишда оғир қотишмалар ичдиа бронза (мис билан калай ёки миснинг алрюминий, темир ва марганец билан қотишмаси) ҳамда латунғ (миснинг рух билан қотишмаси) ишла-тилади. Бу қотишмалардан арматура деталлари ва санитария-техник арматуралари тайёрланади.

Мис-кизгиш рангли юмшок, пластик металл булиб, зичлиги 8,9 г/см³, суюклиги температураси 10830С ва чўузилишда мустахкамлик чегараси 200 мПа. Иссиклик ва электр утказувчанилиги юкори. Қурилишда соф ҳолда ишлатилмайди, лекин турли қотишмаларда асосий компонентдир. Миснинг рух (40% гача) билан қотишмалари латунғ дейилади. Бу қотишманинг механик хоссалари юкори, иссик ва совук холида яхши ишлайди.

Миснинг калай, алрюминий, марганец ёки никелр билан қотишмаси бронза дей-илади. У юкори механик, кўйма, манзарали хоссаларга эга. Зангашга чидамли.

Рух-кукимтир-ок рангли металdir. Зангашга бардошлиги юкори, шу сабабли

хар хил пўлат буюмларни (тунука, ичиди колдириладиган деталлар, болтлар ва бошқалар) рухлаш учун ишлатилади.

Кургошин-кулранг-кук рангли оғир металдир. У яхши қўйилади ва прокатга килинади, сулғфат кислота ва хлорид кислота таъсирига тургун, ренген нурларидан химоялашда юқори хоссага эга.

Умуман рангли металлар (кургошин, мис, алрюминий, никерл ва унинг котишмалари) пайвандлаш, калайлаш ва кўйма усууллар билан тайёрланадиган, уртача ва юқори агрессив широитларда ишлайдиган курилмалар тайёрлашда ишлатилади.

Бр. АЖ 9-4, Бр. АЖ 9-41, Бр. АЖ Мц 10-3-1,5, Бр. ОКС 5-5-5 маркали бронзалардан ва ЛМц С 58-2-2 маркали жезлардан втулкалар, гилдиракни гардишлари, халкалар, вкладишлар, червяқ гилдираклари ва шунга ухашашлар тайёрланади. Машина деталлари тайёрлашда нометалл материаллар пластмасса шиша, ёғоч, резина, иссиклик изоляцияси материаллари ва бошқалар кўп ишлатилади.

Коррозион муҳитда ишлайдиган бир каторда кимёвий курилмаларни ишлаб чиқаришда нометалл материаллардан фойдаланиши мақсадга мувофиқдир. Бундай конструкцион материаллар каторига пластмассалар (винипласт, фаолит, фторпласт ва хоказо), шишли пластиклар, кумир графитли материал, керамика, фарфор, композицион материаллар ва бошқалар киради.

Пластик массалар. Пластик массаларнинг асосий компонентлари бодловчи моддалар-полимер, тулдиргичлар ва стабилизаторлар. Полимерлар юқори молекуляр бирикмалар (смолалар) дан иборат. Келиб чиқишига қараб полимерлар табиий ва сунгийларга бўлинади. Табиий полимерлар: оксилилар, нуклеин кислоталар, табиий каучук.

Колдирилган ва совитганда полимерлар қандай бўлишига қараб термопластик ва термореактив полимерларга булинади. Термоактив полимерлар киздирилганда юмшаш ва совитганда котиш хусусиятига эга. Уларнинг электр каршилиги катта, сувни камшимади, иссикга чидамлиги ва қаттиклиги паст, осон шишиди.

Термореактив полимерлар иссиклик ва босим таъсири килганда котади ва қайта киздирилганда юмшамайди. Мустахкамлиги юқори, иссикча чидамлилигини ва қаттиклиги билан ажралиб туради.

Пластмассаларнинг асосий хоссалари. Пластик массалар катор физик-механик хоссаларга эга булиб, улар катта афзаликлар беради.

Шиша материаллар. Қаттиқ, аморф, оптик диапазоннинг у ёки бу соҳасида (таркибиға қараб) шаффоф бўлган, таркибида шиша хосил килувчи қўшимчалар (кремний, бор, алрюминий ва бошқаларнинг оксидлари) ҳамда металл (литий, калий, магний, кургошин ва бошқалар) оксидлари бўлган ўта совитилган суюк минерал эритмалардан олинадиган материал шиша дейилади.

Вазифасига кўра шиshalар курилиш ойналари (дераза ойнаси, нАҚШли, шиша блоклари), тара шиша, техник шиша (кварцли, ёргулик-техника, шиша тола), сортли шиша ва хакозоларга булинади.

Хом ашё: Кварц куми, охактош, доломит, калғцинирланган сода ёки натрий сулғфат. ойналарни техник хоссаларини яхшилаш учун бაъзи ойналарнинг таркибиға бор оксиди (иссикча чидамлилиги ошишиди) алрюминий, фтор, рух (мустахкамлиги ва химиявий киритилади. Суюкланиш температураси 1400-15000С. Ишлаб

чиқариш (колиплаш) усули буюм турига боғлиқ. Уларни олиши чўзиш (кирялаш), прокатлаш ва пресслаш усулларидан фойдаланилади.

Шиша сиқилишга юкори мустахкамлиги (600-1200 мПа) ва чўузилишига эса (30-90 мПа) нисбатан кам мустахкамлиги билан ҳарактерланади. У зарбга жуда ёмон қаршилик кўрсатади, яъни мўрт бўлади. Шишанинг тиниклиги ва кўринадиган спектр нурларининг камидаги 84% утказиш унинг ўзига хос хусусиятидир. Иссиклиники паст утказувчалиги билан фарқланади.

Шишасозлик саноати лист ойналарининг бир неча хилларини, витрина ойнаси, армировка қилинган, накшли, иссиклик ютувчи ва бошқа ойналар ишлаб чиқаради.

Керамик материаллар. Гилли массалар ёки уларнинг аралашмасига минерал кўшилмалар кўшиб, колиплаш ва кўйдириш йўли билан олинадиган буюмлар ва материаллар керамик материаллар дейилади. Керамик материаллар кўйидаги груп-паларга булинади: девор (гишт, керамика тошлар, блоклар ва панеллар); томлар учун ички говак тошлар, тош ва коплама панеллар); бинолар фасадини коплаш учун (керамика гишт ва тошлар, фасад плиткалар); бинолар ичига коплаш учун (сиранган плиткалар ва фасон деталлар, пол учун плиткалар). Керамик материаллар ва буюмлар турли-туман ўлчам, шакл, физик-механик хоссаларга эга бўлади ва турли мақсадларда фойдаланилади, лекин уларни осон ишлаб чиқариш технологик боскичлари таҳминан бир хил бўлади.

Адабиётлар:

1. И. Каримов. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент: Шарқ ,1997.
2. Правовая охрана изобретений и полезных моделей. Сборник нормативных актов. Государственное Патентное ведомство Республики
Ўзбекистан. Ташкент, 2000. –63 с.
3. Ўзбекистон ихтирочилар ва рационализаторлар жамиятининг Республика Кенгashi. Расмий хужжатлар тўплами. №2. Тошкент-1994.
4. Я.Х. Закин., Н.Р. Рашидов Основ научного исследования. Тошкент: Ўқитувчи, 1981.
5. Косарев А.А., Янушкевич И.П. Практика применения временных указаний о порядке оформления, подачи и рассмотрения заявления на рационализаторское предложение. - «Вопрос изобретательства», 1989, №22.

РЕЗЮМЕ

Ушбу макола материалшунослик ва конструкцион материаллар технологияси ва конструкцион материаллар хакида бўлиб, пўлатлар ва чўянлар, улар турлари, ранги материаллар ва котишмалар, нометалл материаллар (пластмасса, шиша, кермика ва ҳоказо), материалларни танлаш ва иктисодий асослашлар ёритилган.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящена материаловедению и технологии строительных материалов и строительных материалов, стали и чугуна, их видов, цветных материалов и сплавов, зеркальных материалов (пластик, стекло, керамика и др.). Выбора материалов и экономического обоснования.

SUMMARY

The article is devoted to materials science and technology of building materials and building materials, steel and cast iron, their types, non-ferrous materials and alloys, mirror materials (plastic, glass, ceramics, etc.), the choice of materials and economic justification.



БАСЛАЎЫШ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТӘРБИЯ

МАКТАБГАЧА ТА’ЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ТАРБИYАЛАНУВЧИЛАРИГА ФУТБОЛ О’YININI O’RGATISH TEXNIKASI

Abdullayeva B.P.

Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika instituti

Tayanch so’zlar: maydon, to’p, darvoza, yugurish, statcionar to’pni tepish, darvozabon, hakam, dribbling, fint, gol, o’yinchisi, jarima to’pi.

Ключевые слова: поле, мяч, ворота, бег, стационарный удар, вратарь, судья, ведение мяча, финт, ворота, игрок, пенальти.

Key words: field, ball, gate, running, stationary kick, goalkeeper, referee, dribbling, feint, gate, player, penalty.

Futbol o’ynash chaqqonlik, tezlik, harakatlarni muvofiqlashtirish, bola organizminingto’g’ri rivojlanishiga yordam beradi. To’p o’yinlari jamoada tegishli xulqatvor ko’nikmalarini rivojlantiradi, hamkorlik va o’zaro yordamga asoslangan do’stlilik rivojlantiradi. Ular chidamlilik, qat’iyat, jasorat talab qiladi. Bolalar turli sharoitlarda, turli o’yin holatlarida o’z harakatlarini nazorat qilishni o’rganadilar.

O’qitishning maqsadlari.

1. Maktabgacha ta’lim tarbiyalanuvchilarini futbol o’yini, uning kelib chiqish tarixi bilan tanishtirish.

2. To’p bilan eng oddiy texnik va taktik harakatlarni shakllantirish: dribbling, zarba berish, to’pni uzatish, individual taktikani o’rgatish.

3. Harakatlarni muvofiqlashtirish, chidamlilik, tezkorlik va epchillikni rivojlantirish.

O’quv vositalari: Uskunalar va inventar.

Futbol maydoni o’t bilan qoplangan maydonda jihozlangan, maydonning uzunligi 24 m, kengligi 18 m dan oshmasligi kerak. Agar bolalar bog’chasida etarli o’yin maydonchasi bo’lmasa, o’yin kamroq o’yinchilar bilan jamoalarda o’tkaziladi. barcha o’lchamdagি maydonlar. Maydonning belgilash bo’r bilan amalga oshiriladi. Maydon bo’ylab diametri 5 m bo’lgan o’rtalig’i va markaziy doira belgilangan. Maydon oxirida balandligi 2 m, kengligi 3 m bo’lgan darvozalar mavjud. Darvozalar diametri 12 sm bo’lgan yumaloq ustundan yasalgan. yoki metall quvurlardan tayyorlangan. Ular oq rangga bo’ylagan. Maydonning qarama-qarshi tomonida, ilgichlar darvozaga o’rnatalidi, ularning yordamini bilan to’r biriktiriladi. O’yinlarda bolalarni jarohatlamaslik uchun darvoza plastik narsalar yordamida yon tomondan himoyalangan. Maydonning barcha burchaklarida va o’rtalig’i

va oldingi chiziqlar kesishgan joylarida balandligi 0,80 - 1 m bo'lgan yorqin bayroqlar o'matiladi. Futbol maydonidan xarakatlari o'yinlar o'tishda shaharlardagi o'yinlar uchun ham foydalanish mumkin. Futbol. Qishda uni suv bilan to'ladirish va konkida uchish maydoni bilan jihozlash mumkin.

Futbol o'yini qoidalari.

Futbol o'yining soddalashtirilgan versiyasi maktabgacha yoshdag'i bolalar bilan (kichikroq maydonlarda va jamoalarda kamroq o'yinchilar bilan) o'tkaziladi.

O'yin qoidalari o'ziga xos xususiyatlarga ega. Bolalar uchun qiyin va erishib bo'lmaydigan talablar, masalan, jarima zARBalari, burchak zARBalari va katta futbolning boshqa qoidalari bu erda qo'llanilmaydi. Bundan tashqari, tarbiyachining o'zi ba'zi qoidalarni kelishib olishi mumkin: masalan, darvozabon bilan yoki darvozabonsiz o'ynash va hokazo.

O'yining maqsadi. O'yindagi jamoaning maqsadi - raqib darvozasiga imkon qadar ko'proq gol urish va to'pni yo'qotib qo'ygandan so'ng, o'yin qoidalariiga rivoja qilgan holda o'zini himoya qilish.

O'yin ishtirokchilari. Har bir jamoa 5-8 bola va bir nechta o'rnbosarlardan iborat. O'yinchilardan biri sardor. Jamoa o'yinchilarida yorliqlar bo'lishi kerak.

Hukm qilish. O'qituvchi o'yin qoidalarning bajarilishini nazorat qiladi va barcha bahsli holatlarda qaror qabul qiladi. O'yinchilar qoidalarni buzsa, u o'yinni to'xtatadi. O'yin 30 daqiqqa davom etadi. O'yin vaqt 5 daqiqalik tanaffus bilan har biri 15 daqiqadan iborat ikki bo'limga bo'lingan. O'yin oxirida bolaning tanasini tinchroq holatga keltirish uchun harakatsiz o'yin (3 - 5 daqiqqa davom etadi) o'tkaziladi.

O'yin natijasi. Agar to'p to'sin ostidagi ustunlari orasidagi chiziqdandan to'liq o'tib ketsa va o'yin qoidalari buzilmagan bo'lsa, to'p darvozaga kiritilgan hisoblanadi. Eng ko'p gol urgancha jamoa g'olib deb hisoblanadi. Agar gol urilmasa yoki ikkala jamoa bir xil miqdordagi gol urgancha bo'lsa, o'yin durang bilan yakunlangan hisoblanadi.

O'yin qoidalari. O'yinchilar to'pni oyoqlari bilan dribbling qilish, uni (oyoqlari bilan) o'yindoshiga uzatish, to'pni darvozaga kiritish huquqiga ega. Raqib jamoa o'yinchilarining vazifasi raqibning o'z darvozasiga o'tishiga yo'l qo'ymaslik va to'p kiritilishiga yo'l qo'ymaslikdir. To'p bilan barcha harakatlar faqat oyoq bilan amalga oshiriladi. To'pga bosh yoki gavda bilan tegish xato hisoblanmaydi va faqat darvozabon to'pga qo'llari bilan tegishi mumkin.

O'yin boshlanishi. O'yin boshlanishidan oldin bir tomonni tanlash yoki boshlash uchun qur'a tashlanadi.

Birinchi tepish to'pi maydon markazida yerga qo'yildi va o'yin boshlang'ich jamoadagi o'yinchilardan biri tomonidan murabbiyining ishorasi bilan boshlanadi. Bola to'pni raqib tomon yo'naltiradi. Raqib jamoa o'yinchilarini to'pdan kamida 3 m masofada bo'lishlari kerak. Birinchi tepishni tergan bola boshqa bolalardan oldin to'pga ikkinchi marta tegishga haqli emas.

O'qituvchi bolalarning xatti-harakatlarini o'zgartiradi, o'yin vaqtini nazorat qiladi.

Gol kiritilgandan so'ng, o'yin xuddi o'yin boshida bo'lgani kabi, to'p kiritilgan jamoaning o'yinchisi tomonidan darvozaga kiritilishi davom ettiriladi.

Belgilangan tanaffusdan so'ng, jamoalar tomonlarni o'zgartiradilar va zARBani raqib jamoaning o'yinchisi maydon markazidan amalga oshiradi.

O'zgartirish qoidalari. O'qituvchi o'yin davomida o'yinchilarni o'zgartirishi mumkin. Jamoadagi istalgan futbolchi darvozabonni almashirishi mumkin. Agar bolalardan biri juda charchagan bo'lsa, shikastlansa yoki o'yinni buzgan bo'lsa, o'qituvchi o'yinni to'xtatadi, agar kerak bo'lsa, bolaga yordam beradi yoki uni almashtiradi.

To'p o'yindan tashqarida. Yerda yoki havoda teginish chizig'i yoki darvoza chizig'ini kesib o'tgan to'p o'yindan tashqarida. O'yin o'qituvchi tomonidan to'xtatilganda to'p ofsayd hisoblanadi. Qolgan vaqt davomida to'p o'yin maydonida darvoza ustunidan yoki to'sindan sakrab tushsa ham o'yinda hisoblanadi yoki bolalar qoida buzilishi sodir bo'lgan degan taxmin bilan o'ynashni to'xtatsa va hakam to'xtab qoladi. o'ynash.

Qoidalarni buzish va ularni jazolash. O'yinchilarga do'stini qoqib qo'yish, raqibni tepish, turtish, kiyim-kechak, qo'llarni tortib olish, darvozabonga hujum qilish, undan to'pni tortib olishga harakat qilish taqiqlanadi. Qo'lda to'p bilan yugurish, uni ushlab olishga urinish ham o'yin qoidasini buzish hisoblanadi. Agar o'yinchilari qoidalarni buzsa, o'qituvchi o'yinni to'xtatadi va unga izoh beradi. Bunday holda, to'p raqib jamoaga uzatiladi va qoidabuzarlik sodir bo'lgan joydan o'yinga kiritiladi. Agar qoidabuzarlik bir vaqtning o'zida ikkala jamoaning o'yinchilari tomonidan sodir etilgan bo'lsa, bu holda ikkala jamoaga ham qoidabuzarlik joyidan jarima zARBasi (statsionar to'pga) beriladi.

Shunday qilib, bolalarga futbol elementlarini o'rgatishda bir qator vazifalarga riox qilish, tegishli sharoitlarni yaratish kerak.

Maktabgacha ta'lrim muassasasida futbolni o'rgatish texnikasi.

O'yinning asosiy texnikasi - harakat qilish, to'pga urish, to'pni tayyorlash, to'pni dribling qilish, to'p bilan kurashish, fintlar, to'pni otish, darvozabon bilan o'ynash.

Yurish, sekin yugurish, tezlanish bilan yugurish, orqaga yugurish, sakrash ko'rinishidagi harakat to'p bilan ochiq o'yinlarda va futbol o'yinining o'zida qo'llaniladi. O'yin vaziyatlarining tez o'zgarishi, dushmanning kutilmagan harakatlari turli xil harakat usullarini talab qiladi: to'xtab turgan joydan o'ta tez yugurish, tezlashtirish, yon qadamlar bilan yugurish; bundan tashqari, bola turli yo'naliishlarda harakat qilishi kerak: tekis chiziqda, yoyda, teskarri yo'nalihsda, zig-zagda va hokazo.

To'pga zarba berish futbol o'ynash texnikasining asosidir. O'yinchilar zARBalar yordamida to'pni sherigiga uzatadilar, darvozaga zarba beradilar, dribling va boshqa harakatlarni bajaradilar. To'pga zarba beradigan oyoqlarning massasi va tezligi maktabgacha yoshdagи bolalarda kichik, shuning uchun to'p yugorii tezlikni ololmaydi.

To'pga tepish oyoqning o'rtasi, oyoqning ichki va tashqi tomoni, oyoq barmog'i va oyoq va tananing o'yinda kamroq qo'llaniladigan boshqa qismlari bilan amalga oshiriladi. To'p tashlashga tayyorlanayotgan futbolchi erkin tebranish tufayli ma'lum energiya to'playdi (oyoq kuchli orqaga tortiladi, keyin esa oldinga siljiy boshlaydi, kuchli egilib). Qo'llab-quvvatlovchi oyoq (tizza bo'g'imida bir oz egilgan) ko'pincha tovondan joylashtiriladi va harakat paytida u yanada ko'proq egilib, tana og'irligi butun oyoqqa o'tkaziladi, so'ngra to'p oyoqdan ko'tariladi, oyoq barmog'i ko'tariladi. Oyoq to'pga tegishidan oldin, oyoq qattiq tutiladi. To'ping masofasi va tracktoriyasi uning qanchalik qattiq urilganiga bog'liq.

ZARBalar statsionar, aylanayotgan, uchib turuvchi yoki sakrab turuvchi to'pda bajarilishi mumkin. Harakathanayotgan to'pga urish qo'zg'almas to'pga qaraqanda qiyinroq, chunki o'yinchilari to'monidan to'p harakatlarni vaqt va masofadagi to'p harakati bilan muvofiqlashtirishga majbur bo'ladi.

Bu harakatlarni texnik jihatdan takomillashtirishga darslar mazmuniga kiritilgan quyidagi mashqlarni bajarish orqali erishiladi.

O'yinchining maydon atrofida harakati:

- yugurishning xar xil ko'rinishi ("ilon izi"), komandaga muvofiq yugurish tempining o'zgarishi (tezlashish, sekinlashish), orqachalab yugurish, boshq xarakatlar bilan almachinib yugurish;
- har xil turdagи sakrashlar, sakrashlar;
- ochiq o'yinlar

To'p zarbalari:

- oyoq barmog'i bilan joydan 2,5-3,5 m masofadan devorga qarab turgan xolatdagى koptokda;
- bir joydan 3-4 m masofadan 2-2,5 m kenglikdagi darvozada oyoq barmog'i bilan;
- darvozabonsiz qisqartirilgan (1,5-1,7 m) darvozaga 2-4 m masofadan aniqlik uchun ketma-ket 5-6 zarba;
- devorga statsionar to'p ustida yugurish bilan;
- to'pni oyoq barmoq bilan bir-biriga uzatish, juft (uchta), joydan turib, - «Tez va aniq» o'yin mashqi;
- tovon bilan: 2-3 m masofadan bir xil chiziqda yotgan 5-6 to'pgacha yugurib, ularga muqobil zarbalarini bajaring;
- to'pni juftlikda uzatish, tovon bilan urish (sheriklar orasidagi masofa - 2-2,5 m);
- «To'plarni tashish» o'yin vazifasi;
- ko'tarilishning o'rtasi (to'pni urishga taqlid qilish);
- statsionar to'p ustidagi joydan devorga 3-4 m masofadan;
- bir joydan (yugurish starti bilan) harakatsiz to'pda biror narsaga urish maqsadida (ob'ektgacha bo'lган masofa - 2-3 m);
- (zarba kuchini bosqichma-bosqich oshirish bilan) statsionar to'p ustidagi joydan (yugurish bilan) devorga (3-4 m);
- to'pni poldan tepish, uni cho'zilgan shnur orqali yuborish (shnur balandligi - 20 sm);
- devorga bo'yalgan nishonda, sherik (kattalar) tomonidan to'pni uzatgandan so'ng;
- oyoqning tashqi tomoni (yugurishdan to'pga zARBalarNI taqlid qilib, 6-8 zarbani bajaring);
- ko'tarilishning tegishli qismimi bo'r bilan belgilab, to'pni devorga (buyumga) joyidan (yugurish bilan) 8-10 marta urish;
- oyoqning ichki tomoni («yonoqq»);
- to'pni nuqtadan (yugurish bilan) devorga (masofa - 3-4 m);
- to'pni joydan urish (yugurish bilan), shnurdan (20 sm balandlikda) devorga o'tish;
- sherik tomonidan to'pni uzatgandan so'ng, to'pni urib, nishonga (yoki ob'ektga) 2,5-3 m masofadan zarba berish;
- aylanada turgan o'yinchilarga to'pni boshqaruvchidan uzatish;
- aylana perimetri bo'ylab turgan o'yinchilar tomonidan aylananing markaziga (aylana diametri - 4-5 m) qo'yilgan narsaga to'p [6, 83]

To'pni qabul qilish taglik, oyoqning ichki va tashqi tomoni, son, oyoq, oyoq, ko'krak va bosh bilan amalga oshiriladi. Maktabgacha yoshdagи bolalarni to'pni qabul qilishni osonroq o'rgatish kerak: taglik, oyoqning ichki va tashqi tomoni bilan. Kestirib, ko'krak, bosh tomonidan qabul qilish faqat katta yoshdagи bolalar uchun mavjud.

Aylanayotgan to'pni taglik bilan to'xtatish uchun o'yinchini tizzada bir oz egilgan oyog'i bilan kutib oladi va oldinga tortiladi (barmog'i yuqoriga tortiladi, tovon pastga tushadi), so'ngra to'p taglik bilan qoplanadi, oyoq barmog'i tushiriladi. va erga bosildi.

Oyoqning ichki tomoni bilan to'pga qarab dumalagan holda to'pni qabul qilish quyidagicha amalga oshiriladi: bola oyog'inи barmog'i bilan tashqariga buradi, tana og'irligini tayanch oyog'iga o'tkazadi va to'p bilan aloqa qilganda. , oyog'inи biroz orqaga tortadi.

To'pni oyoqning tashqi tomoni bilan qabul qilish to'p o'yinchining yon tomoniga tushgan hollarda qo'llaniladi. To'p tayanch oyog'i oldida cho'zilgan egilgan oyoq bilan

to'xtatiladi. O'ng oyoq tizzada egilgan tovoni va yuqori barmog'i bilan oldinga - chapga, chapga - oldinga - o'ngga cho'zilgan. To'p qo'nayotgan paytda qabul qilinadi.

Dribling oyoqning tashqi yoki ichki qismi, ichki tomoni, oyoq o'rtasi yoki oyoq barmog'i bilan, bir yoki navbat bilan o'ng yoki chap oyoq bilan ketma-ket tebranishlar bilan amalgalashiriladi. O'yin holatiga qarab, bola to'pni dribling qilganda, to'pni qo'yib yubormaslikka harakat qiladi yoki uni oldinga uzatadi. Agar raqib yaqin bo'lса, to'pning pastki qismiga, uzoqda bo'lса - to'pning o'rtasiga surish amalgalashiriladi [2, 174].

- to'g'ri chiziqda (10 m), o'ng va keyin chap oyoq bilan navbatma-navbat;
- chizilgan to'g'ri chiziq bo'ylab navbat bilan o'ng va keyin chap oyoq bilan;
- o'rash chizig'i bo'ylab;
- ob'ektlar orasida (medbollar, pinlar va boshqalar), ularni aylanib o'tish;
- yo'lak bo'ylab (kengligi 2 m va uzunligi 10 m), uning kengligi asta-sekin kamayadi;
- har qanday usulda to'pni erkin dribling qilish.

Fintlar (to'pni raqibdan uzoqlashtirish):

- murabbiy bilan juftlikda va texnikani o'zlashtirganingizda - boshqa o'yinchilari bilan;
- oyog'ingizni to'p ustidan ko'tarib, uni harakatda boshqa oyoq bilan itaring.

To'p bilan muomala qilish. To'p bilan kurashayotganda to'pga egalik qilgan o'yinchiga yaqinlashish kerak, u to'p nazoratini yo'qotsa, oyog'ini to'p tomon yo'naltirish kerak. Bolalarni ehtiyyotkorlik bilan o'ynash haqida ogohlantirish kerak, chunki ular jarohat olishlari mumkin.

o'yin mashqi «Xo'sh, olib tashlang!» murabbiy bilan bog'langan;

- o'yin mashqi «Issiq to'p» («Issiq kartoshka» tamoyiliga ko'ra - faqat oyoqlaringiz bilan).

To'pni yon chiziq bo'ylab tashlash quyidagicha amalga oshiriladi: bola to'pni ikki qo'lli bilan oladi, barmoqlarini bir-biridan ajratib turadi, oyoqlari kichik qadam yoki parallel ravishda joylashtiriladi. Orqaga suyanib, qo'llarini to'g'rilab, tezda to'pni tashlaydi.

Darvozaboning o'yinini qabul qilish. O'yin davomida darvozabon deyarli bir joyda turmaydi: u to'pni ushlaydi, uradi, darvozani himoya qiladi, ushlangan to'pni maydonga tashlaydi yoki oldinga siljish imkoniyati bo'lса, uni oyog'i bilan dribling qiladi.

- sakrashda baland uchayotgan to'pni ushlab olish (to'pni qo'l bilan bir-biriga uloqtirish);
- 2-3 m masofada juftlik (uchta) bo'lib, to'pni ushlab olish;
- bolalarning bo'yidan 20 sm balandroq cho'zilgan to'r orqali tashlangan to'pni ushlab olish;
- juft bo'lib yugurishda to'pni ushslash (juft bo'lib masofa - 2,5-3 m);
- to'pni ikki qo'l bilan uloqtirish va ushslash, bir joyda turib oldinga siljish; balandlikka sakrash bilan yugurish (o'yin mashqi «Qo'ng'iroqqa teging»);
- baland uchayotgan to'pni darvozadan uzoqroqqa ushslash va urish (o'yinchilar navbat bilan to'pni qo'llari bilan 2 dan 4 m gacha bo'lgan turli nuqtalardan darvozabonga tashlashadi, so'ngra o'yinchilar o'zlariga ma'lum bo'lgan har qanday usulda oyoqlari bilan xizmat qilishadi).
- ko'krak darajasida uchib ketayotgan to'pni ushlab olish (o'yinchilar birinchi navbatda to'pni darvozabonga qo'llari bilan berishadi - «Issiq kartoshka» o'yin mashqi: to'pni ushslashda darvozabon to'p qorin darajasida bo'lishi uchun sakrashi kerak; keyin oyoqlari bilan);
- pastda uchadigan to'pni ushslash (gimnastika o'rindig'inining bir chetidan ikkinchi tomoniga yon tomonga o'tish, murabbiy tashlagan to'pni kaftlar bilan 2,5-3 m masofadan urib tushirish);

- boshlovchiovchi tomonidan tashlangan to'pni urish uchun yopiq oyoqlari bilan yarim cho'zilgan, kaftlar to'pga qaragan;
- dumaloq to'pni qabul qilish (chiziq bo'ylab harakatlaning va kaftlar bilan uring, barmoqlarni bir-biridan keng, dumaloq sharlar)

Shunday qilib, to'p bilan ochiq o'yinlar va futbol o'yining o'ynash paytida bolalar to'pni, o'yindagi sheriklarni, himoyachilarning joylashishini ko'rishni o'rganadilar. Ular to'pni qabul qilish uchun bo'sh joyga yugurishni o'rganishlari kerak va to'pni ta'qib qilmasliklari kerak.

Bolalar bog'chasida sport o'yinlarini o'rgatishda bolalarda jismoniy madaniyatga qiziqishni, shuningdek, mustaqil o'rganishga bo'lgan ehtiyojni shakllantirish kerak. Sport o'yinlar va mashqlarida elementar harakatlar, musobaqaning individual elementlari nafaqat mumkin, balki maqsadga muvofiqdir. Sport o'yinlar bo'yicha o'quv materialining mazmuni, metodikasi va rejalashtirish o'ziga xos xususiyatlarga ega. Ularni tashkil etish bolalarning yosh xususiyatlarni, ularning jismoniy rivojlanishi va jismoniy tayyorgarligini, muktabgacha yoshdag'i bolalarning jismoniy tarbiya vazifalarini va maktabgacha ta'lif muassasalar ishining o'ziga xos xususiyatlarni hisobga olishni talab qiladi. Bularning barchasi o'qitishning o'ziga xos usullarini ham, darslarni o'tkazish shaklini ham belgilaydi.

XULOSA.Futbol - bu turli xil texnik va taktik usullarga asoslangan sport o'yini. Bolalar bog'chasining katta guruhiarida sport o'yinlari soddallashtirilgan qoidalarga, sport o'yinlarining elementlariga muvofiq amalga oshiriladi. Bu bolalar mustaqil ravishda harakatli o'yinlarni tashkil qilganda joriy etiladi. Sport o'yinlarining elementlari bo'lgan o'yinlar harakatli o'yinlarga qaraganda ko'proqxitirjamlikni, tashkilotchilikni, kuzatishni, bolalar uchun mayjud bo'lgan ma'lum bir harakat texnikasini va tezkor vosita reaksiyisini talab qiladi. Ular bolaning yoshi, sog'lig'i, individual moyilligi va manfaatlarini hisobga oлган holda tanlanadi.

Futbol katta mushak guruhlarini mustahkamlaydi, psixofizik fazilatlarni: kuch, tezlik, chaqqonlik, chidamlilikni rivojlaniradi. Sport o'yinlarida bolaning aqliy faolligi, aql-zakovati, fikrlashning tezkorligi, o'z harakatlaridan xabardorligi yuzaga keladi. Bola o'z harakatlarini o'rtoqlarining harakatlarini bilan muvoqiflashtirishni o'rganadi; unda vazminlik, o'zini tuta bilish, mas'uliyat, iroda va qat'iyatlik tarbiyalanadi; uning sensorimotor tajribasi boyib boradi, ijodkorligi rivojlanadi.

Sport o'yinlari har bir bolaga qo'shma harakatlarda ishtirok etish, natijalar va muvaffaqiyatga erishish uchun bir-biriga yordam berish muhimligini his qilish imkoniyatini beradi, bolalarni inson hayotining umuminsoniy qadriyatlarini bilan tanishtirish: mehribonlik, kollektivizm, o'zaro yordam.

Muktabgacha ta'lif muassasasida futbol o'ynashni o'rganishning o'ziga xos xususiyati uning hissiy yo'nalişidir. Axir, ijobji hissiy ohang sog'linqing eng muhim sharti bo'lib, turli kasalliklarning rivojlanishiga to'sqinlik qiladi, shuningdek, bolalarning jismoniy tarbiyaga qiziqishini saqlaydi. Turli o'yin mashqlari, harakatlari o'yinlar bolalarni shunchalik maftun etadiki, ular ba'zan vaqtini «unutib qo'yishadi». Taklif etilayotgan faoliyatning quvonchi va zavqini bilib, muktabgacha yoshdag'i bolalar uni imkon qadar tezroq davom ettirish istagi bilan darsni tark etishadi. Nafaqat futbolga, balki umuman jismoniy tarbiyaga ham ongi qiziqish va motivatsiya shunday shakllanadi.

Bolalarning yosh xususiyatlari va jismoniy imkoniyatlari, muktabgacha ta'lif muassasasi ishining o'ziga xos xususiyatlari bolalarni futbol o'ynashga o'rgatish uchun o'qitishning o'ziga xos usullarini va mashg'ulotlarini o'tkazish shaklini belgilaydi. Muktabgacha yoshdag'i bolalarning yosh xususiyatlari va jismoniy imkoniyatlari qanchalik hisobga olinishiga qarab, mashqlar sog'lomlashtiruvchi, tarbiyaviy va ta'limiyl jihatdan turli

xil natijalar berishi mumkin. Darsning o'yin shakli sport o'yinlarini o'qitish metodikasining asosi hisoblanadi. Dars qiziqarli o'yin sifatida o'tkazilishi kerak.

Adabiyotlar:

1. Adashkevichene E. Y. Bolalar bog'chasida sport o'yinlari va mashqlari. - M.; Ma'rifat, 1992 yil.
2. Vine H. Futbol o'yashni qanday o'rganish kerak: yoshlar uchun texnik mukammallik maktabi / H. Vine. - Per. ital. bilan. - M. : Terra-Sport; Olympia Press, 2004 ... 244 p.
3. Dmitrienko T.I. Maktabgacha yoshdagagi bolalar uchun sport mashqlari va o'yinlari. - Kiev, 1983 yil.
4. Keneman A.V. ; Xuxlaeva D.V. "Maktabgacha yoshdagagi bolalarni jismoniy tarbiya nazariyasi va metodikasi". M. : Ta'lim, 2007 yil
5. T.I.Osokina «Bolalar bog'chasida jismoniy madaniyat». M. : Ta'lim, 2008 yil.
6. Mosyagin, S.M. 6-9 yoshli yosh futbolchilarini tayyorlash uchun dars dasturi. Futbol nazariyasi va metodologiyasi: Rossiya futbol ittifoqi nashri / S.M. Mosyagin, M.A. Godik, I.A. Shvykov. - Olimpiya; Man, 2007. - Ed. № 28. - 39 b.
7. Penzulaeva L.I. «5-6 yoshli bolalar bilan jismoniy madaniyat darslari». M. : Ta'lim, 2004 yil.
8. Usakov V.I.Maktabgacha yoshdagagi bolalar tomonidan sport o'yinlarini dastlabki o'rganish metodologiyasining xususiyatlari. - Krasnoyarsk. 1996 yil.

РЕЗЮМЕ

Bu maqolada maktabgacha ta'lil muassasalari tarbiyaluvchilariga futbol elementlarini o'rgatish texnikasi haqida so'z yuritilgan. Maqolada bolalarga futbol o'yini elementlarini o'rgatishda nimalarga e'tibor berish zarurligi ta'kidlab o'tilgan. Bolalarga futbolni o'rgatish qonun qoidalari, o'yinni tashkil qilish tartibi, o'yinga tayyorgarlik mashqlari, o'yin otkazish uchun maydon tanlash va maydonni o'yinga mos holda jihozlash, bolalarni o'yin qoidalari bilan tanishitirish haqida aytib o'tilgan.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается методика обучения дошкольников элементам футбола. В статье рассказывается, на что следует обращать внимание при обучении детей футбольного матча. Правила обучения детей футболу, порядок организации игры, подготовка к игре, выбор поля для игры и оборудования поля в соответствии с игрой, ознакомить детей с правилами игры.

SUMMARY

The article discusses the methodology of teaching preschoolers to the elements of football. The article explains what to look for when teaching children a soccer match. The rules for teaching children football, the procedure for organizing the game, preparing for the game, choosing the field for the game and the equipment of the field in accordance with the game, to familiarize children with the rules of the game.

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ АТРОФ ОЛАМ БИЛАН ТАНИШТИРИШДА ЎЙИН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Хурвалиева Т.Л.

ТВЧДПИ "Мактабгача таълим методикаси" кафедраси доценти, н.ф.н.

Таяинч сўзлар: ўйин, дидактик ўйин, технология,атроф олам, компетенция, коммуникатив, "Мен" образи, комплекс, фланелеграф,малака, қадрият.

Ключевые слова: игра, дидактическая игра, технология, окружающий мир, компетенция, коммуникативность, образ «Я», комплекс, фланелеграф, умение, ценность.

Keywords: game, didactic game, technology, surrounding world, competence, communicativeness, "I" image, complex, flannelegraph, skill, value.

Ўйин технологиялари мактабгача таълимнинг асосий пойдевори хисобланади. Ўйин технологиясининг вазифалари мавжуд бўлиб, улар ўйин харакатлари орқали болаларни катталар ва тенгдошлар ўргасидаги ўзаро муносабатларнинг элементлари хақида тушунча бериш орқали тарбиялаш; ахлоқий маданиятни шакллантириш ва

амалиётда ўйинни ташкил этишга қўйилган замонавий талаблардан фойдаланишга ёрдам бериш; ўйин жараёнида болаларда фаол бўлиш қўнікма, малакаларни ривожлантириш ва такомиллаштиришдан иборат. Ўзаро муносабатлар ўйин бошлангунича ёки ўйин жараёнида амалга ошади, яъни ролларни таксимлаш, ўйин қоидалари билан танишиш, атрибутлар танлаш ва тайёрлаш, ўйинни ижро этиш вақтида турли хил ҳаракатларни бажариш келишиб олинади. Ўйин орқали бола ўзи ва ўзгаларни, атроф оламни англайди ҳамда ўзининг хиссиятларини ифодалайди.

Болаларни атроф олам билан танишитириш мактабгача таълим жараёнида “Илк қадам” Давлат ўкув дастури асосида амалга оширилади. Ушбу дастур мактабгача ёшдаги болаларга таълим беришда компетенциявий ёндашув, бола шахсини ҳётга тайёрлаш, унда ҳёттий муҳим масалаларни ҳал қилиш учун зарур ахлоқий меъёр ва қадриятларни ўзлаштириш, бошқа инсонлар билан мулокот қилиш, “Мен” образини яратиш билан боғлиқ фаолият усулини шакллантиришни кўзда тутади[1].

Болаларни атроф оламини тасаввур қилиши, ўз оламига киришининг табиий йўли бу ўйин хисобланади. Ўйин жараёнида кийинчилик ва муаммоларни енгишни ўрганади. Боланинг ўзлигини англашида ўйин алоҳида аҳамиятга эга. Ўйиннинг хусусияти шундаки, биринчидан ўйин жараёнида бола реал ҳаракатларни, воқеликни ижро этади, иккинчидан эса бу ҳаракатлар болада ҳарактерни шаклланишига туртки беради [3]. Болаларнинг жисмоний, маънавий, психик-эмоционал (рухий-хиссий) жиҳатдан ривожлантириша ўйин муҳим ўрини эгаллайди.

Мактабгача ёшдаги болаларни атроф олам билан танишитиришда ўйин технологияларидан оқилона фойдаланиш орқали бўлажак бошланғич синф ўкувчиларда коммуникатив компетенция (мулокот воситаларидан турли вазиятларда фойдалана билиш кўнікмаси); ўйин компетенцияси (боланинг ўйин жараёни ва уни ташкил қилишда тажриба, билим ва кўнікмалардан ижодий фойдаланиши таълимий-тарбиявий жараён учун асос хисобланади); иккимойи компетенция (ҳёттий вазиятларда катталар ва дўстлари билан мулокотда ахлоқ қоидалари ва меъёрига риоя килган ҳолда ўзини тута олиш маҳорати); билиш компетенцияси (атрофдаги оламни онгли равишида идрок қилиш ва олинган билим, кўнікма, малака ва қадриятлардан ўкув ва амалий топширикларни ҳал қилиш учун фойдаланиш) шаклланишига эришилади [1].

Юкорида санаб ўтилган компетенцияларнинг болаларда шаклланганлигини ўрганишда оғзаки, кўргазмали, амалий методлардан якка тартибда, педагогик вазиятга қараб аралаш тарзда фойдаланилади. Кўйида “Илк қадам” ўкув дастури асосида 5-7 ёш болалар учун атроф оламга оид дидактик ўйинлардан намуналар келтирамиз. Мактабгача таълим жараёнида ўйинларни ташкил этишда оғзаки, кўргазмали ва амалий методлардан комплекс тарзда фойдаланилади.

5-7 ёшдаги болалар учун “Менинг хонам” ўйини.

Максад. Болаларда ўз хонаси қандай бўлиши кераклиги ҳакидаги тасаввурларни шакллантириш. Хонада қандай мебел ва жиҳоз, нарса-буюмлар, ўйинчок ва китоблар бўлиши лозимлигини аниқлаш. Фазони идрок қилишни ривожлантириш.

Керакли жиҳозлар. Ҳар бир тарбияланувчига биттадан оқ қофоз (бўш хона), мебел (кроват, кийим жавони, стол, стул) ва жиҳозлар, ўйинчок, тўқ ва ёрқин рангдаги пардалар расми, хона ўсимлиги, китоблар ва компьютер расми.

Ўйин қоидаси:

- ўйин иштирокчилари 5-6 нафар бўлади.
- ҳар бир иштирокчи мустақил равишида фаолият юритади.
- расмларни ўз хоҳишга кўра танлайди.

- топширикни тез бажарган ва хонани қандай жиҳозлаганини тушунтириб берган болағолиб саналади.

Үйиннинг бориши. Тарбиячи үйин ҳақида қисқача савол-жавоб ўтказади ва куйидаги саволларни беради. Болалар сизни үйингизда алоҳида хонангиз борми?, Агар хонангиз бўлса, уни қандай жиҳозлаш керак?, Хонада нималар бўлиши керак?. Стол устида хонангиз учун керакли бўлган барча мебел, жиҳоз ва буюмларнинг расми кўйилган. Ўз хонангизни (оқ коғозга) безатинг. Үзингиз ёқтирган расмларни танлашингиз мумкин. Буюм ва нарсаларни жойлаштиринг. Нима учун шу буюмларни танлаганлигингизни сўзлаб беринг.

Изоҳ: Болалар топширикни мустақил равишда бажаради. Кейин навбат билан хонани қандай жиҳозлаганини гапириб беради. Үйин якунида натижалар таҳлил килинади. Топширикни тез ва сифатли бажарган болалар рағбатлантирилади.

“Үйимизни безатамиз” үйини.

Мақсад. Болаларда мебеллар тури ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш. Уй ва хоналарни жиҳозлашда фойдаланиладиган жиҳозлар, нарса ва буюмлар, хона гулини жойлаштириш ҳақидаги тасаввурни кенгайтириш. Майший ускуналар ва уларнинг вазифаларини англашга ўргатиши.

Керакли жиҳозлар: Хоналар (мехмонхона, ётоқхона, болалар хонаси, ошхона) учун турли шаклдаги ва рангдаги қоғозлар. Уй жиҳози, майший ускуна (ойнаи жаҳон, музллатгич, ҳаво советгич, ошхона жиҳози) ва мебеллар, жавон, китоблар, гиламлар, хона гули, дераза учун турли рангдаги пардалар.

Үйин коидаси.

- Хоналар учун қанча керакли жиҳозлар расми тайёрланган бўлса, шунча бола иштирок этади.
- Үйин топшириги якка тартибда бажарилади, тенгдоши билан маслаҳатлашиш мумкин эмас.
- Топширикни тез бажарган болағолиб саналади. Ўз фаолияти ҳақида дизайннер (тарбиячи ёки болалардан бири бўлиши мумкин)га сўзлаб беради.

Үйиннинг бориши.

Ҳар бир тарбияланувчи тарбиячи тавсияси бўйича ўзи хоҳлаган хона учун қанча мебел ва жиҳозлар кераклигини танлайди, қоғозлар үйиннинг хоналарига мос ранг ва шаклда бўлади. Нима учун шундай безатганини сўзлаб беради. Тарбиячи үйин жараёнини кузатади, ҳар бир иштирокчининг фаолиятини назорат қиласди. Энг самарали ишлаётган болалар фаолиятини бошқалар билан муҳокама қиласди. Үйин якунида натижалар таҳлил килинади.

Изоҳ. Бу үйинмураккаброқ бўлиб, бола танлаган хонага мос мебел, нарса-буюмларни ўйлаб танлаши талаб этилади, масалан, меҳмонхона учун қандай жиҳоз ва гиламлар, мебел, парда, хона гули кўйиш лозимлигини аниқлаши керак. Ётоқхона, болалар хонаси ва ошхонага қандай мебел, жиҳозлар кўйилишини билиши керак.

“Бизнинг шаҳар ва қишлоқ” үйини.

Мақсад. Болаларда шаҳар ёки қишлоқда яшовчи аҳолини турмуш тарзи, фаолияти ҳақидаги билимини кенгайтириш. Шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги фарқни аниқлаш. Болаларда мантикий фикрлари кўнникмасини шакллантириш. Атроф олам ҳақидаги маълумотларни умумлаштириш. Катталар меҳнатига хурмат хиссини тарбиялаш.

Керакли жиҳозлар: шаҳар ва қишлоқ тасвирланган баланд бинолар, иншоот, транспорт воситалари (автобус, трамвай, метро), кинотеатр ва сайлгоҳ, завод, фабрика, кўп қаватли уйлар, стадион, мактаб ва боғчаларнинг расми. Турли касб

эталари: комбайнчи, сут соғувчи, ишчи, курувчи, дәхқон, боғбон ва шифокорлар-нинг расми.

Үйин қоидаси.

- Гурух бүлиб ўйналади.
- Гурухларда 3-4 нафар иштирокчи қатнашади.
- Топширикни тұғри ва тез бажарған гурух голиб хисобланади.

Үйиннинг бориши. Болалар ихтиёрий равища иккита гурухга ажратылади. Бириңчи гурухшаар қиёfasини тузади. Иккінчи гурух эса, қишлоқны. Тарбиячи болаларни ўйин қоидаси билан таништиради. Улардан шахар ва қишлоқны бир-биридан фарқини айтты берішини сұрайди. Болалар кераклы расмларни танлаб олиб, қишлоқ ёки шахар сюжетини ясайди.

Изоҳ. Тарбиячи болаларни топширикни тұғри бажараётгандығынан назорат килади ва ўйналтириб туради. Ўйин якунида топширикни тұғри ва тез бажарған болалар рағбатлантирилади.

“Юлдузлар сайёраси” ўйини.

Мақсад. Болаларга инсоният атрофдаги борлық билан бөглиқтегін түшунтириш. Юлдузлар түркүми билан таништириш. Хаёл ва ижодий тафаккурни ривож-лантириш. Юлдузлар шакли ҳайвонлар ёки құшларға үхашаш экани ҳақида тасаввурларни шакллантириш. Атроф оламга ехтиёткорона мұносабатда бўлишини тарбиялаш.

Керакли жиҳозлар: фланелеграф ёки дераза ойнаси. Рангли қоғозлардан киркилган турли шаклдаги юлдузлар түркүми, альбом вароги, проектор, компьютер.

Үйин қоидаси.

- Ўйин иштирокчилари 5 ёки 6 нафардан иборат бўлади.
- Бошқа ўйинчиларга халакит бермаслик.
- Бошқа болаларнинг жағобини дикқат билан тинглаш.
- Топширикни мустақил бажарыш ва сўзлаб бериш.
- Топширикни тұғри ва тез бажарған ўйинчи голиб бўлади.

Үйиннинг бориши.

Тарбиячи юлдузлы осмон расми ёки видеороликни күрсатади. Болажонлар сизни “Юлдузлар сайёраси”га саёхатта тақлиф кильмокчиман. (Тарбиячи олдиндан тайёрланған хонага болаларни олиб боради. Турли шаклдаги (ҳайвон ва құшлар тасвирларынан) юлдузлар девор, дераза ойнасига илинганды). Мана болалар “Юлдузлар сайёраси”га келдик. Күрәпсизмү бу жойда турли юлдузлар жойлашкан, улар ҳайвон ва құшларға үхшайды масалан, катта айик, кичик айик, кичик от, катта ит, кичик ит, бўри, тулки, жирафа, товус, карға, кептар, окқуш, турна, бургут, илон, олтин балик, кискинчбака ва кит.

Тарбиячи: Болажонлар стол устида турли шаклдаги юлдузлар кўйилган, уларни девор ёки (деразадаги) үхшаш шаклга мосини топинг. Болалар юлдузларни топади ва дераза (ёки девор) ёнига олиб боради. Тарбиячи юлдузларни келиб чиқиши ҳақидаги афсоналардан бирини айтти беради. Топширикни тұғри бажарған ўйин иштирокчилари рағбатлантирилади.

“Светофор” ўйини.

Мақсад. Болаларда күча ҳаракати қоидаларига оид билим ва күнкімларини мұстаҳкамлаш. Светофор белгиларига кўра ҳаракатланишга ўргатыш. Йўловчи, хайдовчи ва йўл ҳаракати ходими ролини ижро этиш

Керакли жиҳоз. Светофор, уйлар, автоулов, кўча, хайдовчи, шофер, йўловчи, пиёдалар ўтиш жойи макети.

Үйин қоидаси.

- ўйинда 5-6 нафар иштирокчи катнашади.
- болалар ўзи ижро этмоқчи бўлган рол (ҳайдовчи, йўловчи, йўл ҳаракати ходими)ларни танлайди.
- болалар йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилган ҳолда ролни бажаради.
- ўйин якунида энг яхши йўловчи ва ҳайдовчилар эълон килинади.

Ўйиннинг бориши. Тарбиячи болалар биланкўча ҳакида сұхбатлашади.

Болалардан кўчада нималар жойлашганлигини сўрайди. (Болалар кўчада уй ва бинолар, савдо дўкони, дараҳтлар, светофор, пиёдалар ўтиш жойи ва йўловчилар юриши учун йўлаклар борлиги ҳақида сўзлаб беради). Сўнгра болалар йўл ҳаракати тасвирланган макетларни кўздан кечиради. Тарбиячи болаларга танлаган роли бўйича ўйинни бошлишни таклиф қиласди. Болаларга йўлдан ўтганда светофор белгилари яъни қизил ранг кўрсатилганда-тўхташ, сарик рангда тайёргарлик ва яшил рангда юриш кераклигини эслатади.

Йўл ҳаракати ходими йўлда юраётган автоуловларни кузатади. Ҳайдовчи светофор чироки (болалардан бири светофорнинг учта рангини навбат билан алмаштириб туради, йўловчи ва шофёrlар шунга кўра ҳаракатланади)га қараб автоуловни ҳайдайди. Йўловчилар пиёдалар ўтиш жойидан ўтади. Тарбиячи болалар фаолиятини кузатади ва ўйналтириб туради. Ўйин якунида йўл ҳаракати қоидаларига амал қилган болалар рагбатлантирилади.

Адабиётлар:

1. Грошева И.В., Евстафьева Л.Г., Махмудова Д.Т., Набиходонова Ш.Б., Пак С.В., Джанпейсова Г.Э. “Илк қадам” мактабгача таълим муассасасининг давлат ўқув дастури. Т.: 2018.- 59 б.
2. Дыбина О.В. Ребёнок и окружающий мир. Программа и методические рекомендации. Для занятие с детьми 2-7 лет. Изд.Мозаика-синтез., 2017-123 с.
3. Усова А. П. Роль игры в в детском саду. Для студ. высш. пед. учеб. заведений. / Т. П. Авдулова. – М.: Академия, 2009. - 203 с.
4. Файзулаева М.,Рустамова М. Атроф олам билан танишириш методикаси (Мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари учун).Т.:2019-31.
5. Қодирова Ф.Р., Жўраева Н.Т. Мактабгача таълимда замонавий ёндашувлар ва инновациялар. Ў.УМ. ТДПУ ҳузуридаги ХТҲҚТМОХМ.Т.:2018-158 б
6. Эклайн В. Игровая терапия издательство: Изд-воинститута Психотерапии,М.: 2007-4216 с.

РЕЗЮМЕ

Мақолада болаларни атроф олам билан таниширишда ўйин технологияларининг аҳамияти ёритилган. Ўйинни ташкил этиш мазмунни ва методикаси баён этилган. Атроф оламга оид дидактик ўйинлардан намуналар келтирилган.

РЕЗЮМЕ

В статье освещена важность игровых технологий в ознакомлении детей с окружающим миром. Описываются содержание и методика игры. Приведены примеры дидактических игр об окружающем мире.

SUMMARY

The article highlights the importance of gaming technologies in familiarizing children with the world around them. The content and methodology of the game are described. Examples of didactic games about the surrounding world are given.

БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ТАЪЛИМНИНГ КЕЙИНГИ БОСҚИЧЛАРИГА ТАЙЁРЛАШ

*Ташупулатова Д.М.
ТВЧДПИ*

Таянч сўзлар: бошлангич, таълим, ўқувчи, тарбия, босқич, тайёрлаш, билим, кўнкима, одатлантириши.

Ключевые слова: начальное, образование, ученики, воспитание, уверен, подготовка, знание, навык, умение.

Key words: primary, education, students, upbringing, levels, training, knowledge, skills, ability.

Ўзбекистонда таълимни ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан ҳисобланади[1]. Шу сабабли бошлангич таълимни ривожлантириш ва унинг воситасида ўқувчиларни таълимнинг кейинги босқичларига тайёрлаш зарурий вазифалардан бўлиб, бунда бошлангич таълимнинг мазмуни чукурлашади. Айни пайтда, бугунги кунда бошлангич таълим олдида ўқувчиларни таълимнинг кейинги босқичларига тайёрлаш ва унинг асосларини ишлаб чикиш долзарб бўлиб турибди.

Ўзбекистон таълим тизимида бошлангич таълимдан кейинги куйидаги таълим турлари мавжуд:

- умумий ўрта таълим;
- Президент мактаблари;
- ижодий мактаблар;
- ихтисослаштирилган таълим муассасалари.

Бошлангич синф ўқувчилари мазкур таълим босқичларига тайёрланади. Айни пайтда бошлангич таълимдан кейинги таълим турлари функционал жиҳатидан фарқ қиласди. Мисол учун, умумий ўрта таълим, яны 5-11 синфлар ўқув фанларининг базавий асоси бўйича ўқувчиларга билим ва тарбия беради. Бунда умумий ўрта таълим олиш учун бошлангич синф ўқувчилари умумтаълим фанларининг илк босқичини ўзлаштиради.

Президент мактаблари табиий ва аниқ фанларга йўналтирилган бўлиб, унда умумий ўрта таълим билан биргаликда йўналтирилган фанлар чукурлаштирилган тарзда ўқитилади. Шу сабабли ўқувчилар Президент мактабларига тайёрланиши учун математика ва табиий фанлар бўйича чукурлаштирилган билим олиши тақозо этилади.

Ижодий мактаблар муайян гуманитар фанларга мослаштирилган бўлиб, унда ўқувчиларнинг ижодий лаёкатларини ривожлантириш устувор ҳисобланади. Мисол учун, Абдулла Орипов номидаги ижод мактаби ўзбек тили ва адабиётiga ихтисослаштирилган. Шу сабабли бундан таълим турнида тайёрланиши учун бошлангич синф ўқувчиларининг ижодий лаёкатларини ривожлантириш тақозо этилади.

Ихтисослаштирилган таълим муассасалари муайян касб ёки хунарга мослаштирилган бўлиб, унда асосий ёътибор ўқувчиларни хунарли килишга каратилади. Мисол учун, 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб собиқ меҳрибонлик уйлари ихтисослаштирилган таълим муассасаларига айлантирилди ва унда кичик мутахassisлар тайёрлаш белгиланди. Шу жиҳатдан бошлангич синф ўқувчилари бундай таълим муассасасига тайёрланиши учун муайян касб ёки хунарга йўналтирилади.

Ёътибор берилса, мамлакатимизда бошлангич таълимдан кейинги таълим турлари ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларни ташкил этишда халқаро таълим дастурларига асосланилган. Шу сабабли бошлангич синф ўқувчиларини мазкур таълим турларига тайёрлаш бўйича янгича ёндашувларга асосланиши тақозо этилади. Бу борада бизнинг ёндашувимиз куйидагилардан иборат:

- ўқув фанларини имкон кадар мутахassisлар иштирокида ўқитиш максадга мувофиқ бўлади;
- ўқувчиларнинг қизиқиши ва лаёкатига асосан уларни таълимнинг кейинги турларига тайёрлаш самарали ҳисобланади;
- шу сабабли бошлангич таълим мазмунини янгича идрок этиш керак бўлади;

- бунинг учун бошлангич синф ўқитувчилари муайян тайёргарликдан ўтиши тақозо этилади.

Буларнинг барчаси бошлангич синф ўқувчиларини таълимнинг кейинги турига мақсадли тайёрлаш лозимлигини кўрсатади.

Ko’rinib turibdiki, ongli o’zlashtirish faqat o’quvchi aqlini nazarda tutmay, balki uning irodasi tuyg’ularining ham bevosita faol ishtirokini nazarda tutadi. O’quvchiga o’qish jarayoniga ma’lum darajada hissiy munosabatda bo’lish talabetiladi. Shundagina masalaning qiyinligi kamayib, uni yechish osonroq kechadi. Umuman masalalar yechishda turli usullardan foydalanish va nima ma’lum, nimanoma’lum, qanday amal berilgan, oxirgi amal nima kabi savollar mazmuniniochishmaq sadgamuvofiqbo’ladi.

Avval sodda keyin murakkabroq masalalar yechitiriladi. Birinchibosqichamallarini o’rganish bilan bir vaqtida masalalar ham yechib boriladi. Bunda ayirish amali bilan yechiladigan masalalarga alohida ahamiyat beriladi. Ya’ni sonni birnechta birlikka orttirish, bir necha birlikka kamaytirishga oid mashqlarni bolalar puxta o’zlashtirishi kerak. Shundagi naular darslikdagi amallarning noma’lum hadlarini topishga doir sodda masalalarni ham yecha oladilar. Masalan, bizga berilgan birinchi qo’shiluvchi x, ikkinchi qo’shiluvchi 5, yig’indi 15ga teng bo’lsa, noma’lum qo’shiluvchini qanday topish mumkin?

Yechish: $x+5=15$,

$$x=15-5,$$

$$x=10.$$

Demak, birinchi qo'shiluvchini topish uchun, yig'indidan ma'lum ikkinchi qo'shituvchini ayirish kerak.

Kichik yoshdagi o'quvchining o'qish jarayonida faol bo'lishi uchun birinchidan, unga o'qish va ishlashda mustaqillik ko'rsatish uchun keng imkoniyatberish, ikkinchidanuni samarali metodlar va usullar bilan mustaqil ishlashgao'rgatish, uchinchidan o'quvchining o'zi ham masalaga ishonch bilan mustaqil yod osha olishi kerak. Yosh bolalarga matematikani o'rgatishda ko'rgazmali qurollardan foydalanish talab etiladi. Bola abstrakt tushunchalar va qoidalarni o'zlashtira borgani sari bu ko'rsatmalilikni asta-asta kamaytira borish muhimdir.

Masala yechishni yuqoridagi talablar asosida ongli va to'g'ri o'zlashtirish uchun quyidagi bosqichlarga amal qilish lozim:

1. Berilgan masalaning shartini diqqat bilan o'rghanmay turib,hisoblashni boshlamaslik;
2. Masalani o'qib chiqib,uning savoliga alohida ahamiyat berishlik;
3. Masala shartiga qaytib,uni qisqacha yozish.

Bu masalalarni yechganda har bir amal hadlarining nomini aytish va nimama'lum, nima noma'lum, qanday topish yo'llarini o'quvchilar to'la idrok qilishil ozim.

Masalalar qanday amalda bajarilishiga qarab guruh va bosqichlarga ajratiladi:

1. Ayirmani topishga doir masalalar.

a) Karimning 8ta daftari bor edi.U ukasiga 3ta daftar berdi.O'zida nechta daftar qoldi?

Bor edi-8ta

Berildi- 3 ta

Qoldi-?

Yechish:8-3=5ta. Javob:5ta daftar qolgan.

- b) Bor edi – 17 va 10 ta Ketdi–6ta

Qoldi-?

Yechish: (17+10)-6=27-6=21ta Javob: 21 ta.

Bu yerda yig'indidan sonni ayirish bajarildi.

$$(17-6)+10=11+10=21.(10-6)+17=4+17=21$$

Bu ifodalarda ayirmaga sonni qo'shish bajarildi. Ko'rinish turibdiki, bu masalani uch xil usul bilan ham yechish mumkin ekan.

2. Bir necha birlik orttirishg doir masala.

Ba'rnoning 8ta kitobchasi boredi.Onasi unga bir nechta kitob olib kelganidan so'ng, uning kitoblari 10 ta bo'lди. Onasi Ba'rnona nechta kitob olib kelgan?

Bor edi – 8 ta, Bo'lди – 10 ta, Olib keldi-?

Yechish:8+x=10

$$x=10-8$$

$$x=2$$

Javob:onasi Barnoga 2 ta kitob olib kelgan.

3. Sharifa mehnat darsida archani bezatish uchun 3 ta ayiqcha va ulardan 2 ta ortiq olmaxon qiyib olgan. U hammasi bo'lib nechta shakl qiyib olgan? Bu masalanirasm solib ko'rsatmali usul bilan yechish mumkin. Bu qanday masala? Bu masala orttirishga doir masala bo'lib quyidagicha yechiladi. Ayiqchalar 3 ta,olmaxonlar 2 taortiq. Jami - ?

$$3+(3+2)=3+5=8$$

Javob:8ta shakl

4. 1-tokchada 7ta kitob bor. Bu 2-tokchadagidan 2ta kam. 2-tokchada nechta kito bbor?

Bunday masalalar vositali masalalar deyiladi. Ularni yechish uchun oldin vositasiz holatga keltirib olinadi.

1- Tokchadagi kitoblar 2-tokchadagidan 2ta kam bo'lsin.

2- Tokchadagi kitoblar 1-tokchadagidan 2ta ortiq. Ya'ni $(7+2)$ ta bo'ladi.

Buning qisqacha yozuvni: 1-tok - 7 ta

2-tok - ? ta ortiq

Yechish: $7+2=9$. Javob: 2-tokchada 9ta kitob bor.

5. Noma'lum kamayuvchini topishga doir masala. Bor edi - x, Ketdi - 2, Qoldi - 8
Yechish: $x - 2 = 8$ $x = 8 + 2$

$$x = 10$$

Javob: 10 ta

Noma'lum ayirluvchini topishga doir masala.

Boredi - 10 ta

Ketdi - x ta

Qoldi - 8 ta

Yechish: $10 - x = 8$

$$x = 10 - 8$$

$$x = 2$$

Tek: $8 + 2 = 10$

6. Berilgan masalaga teskari masala tuzish.

7. Berilishiga ko'ra masala tuzish. O'quvchilar 4ta va 6ta bayroqcha yasadilar. Shundan bog'chaga 5ta bayroqcha sovg'a qilindi. O'quvchilarda qancha bayroqcha qoldi?

Yechish: 1. O'quvchilar jami nechta bayroqcha yasadilar? $4+6=10$

2. Qancha bayroqcha qoldi? $10 - 5 = 5$ Javob: 5ta

Onam bir tupdan 6 ta olma, ikkinchidan esa 4 ta olma uzdi. Olmalarning 8tasi yeyildi. Nechta olma qoldi?

Bu masalani yechishda bolalar masala shartini sxema asosida, didaktik materiallar yordamida qisqa yozganlaridan keyin ular bilan quyidagicha suhbat o'tkaziladi:

- Masalada nima noma'lum?
- Nechta olma qolganligi
- Buni tezda bilish mumkinmi?
- Yo'q. Nega?
- Ikkala tupdan hammasi bo'lib nechta olma uzganligini bilmaymiz.
- Buni bilish uchun nima qilamiz?
- Buni bilish uchun 6 ni 4 ga qo'shamiz.
- $6+4=10$ bo'ladi.
- Endi nimani bilamiz?
- Nechta olma qolganini topamiz.
- Buni qanday bilish mumkin.
- Yig'indidan 8 ni ayirish kerak.

$(6+4)-8=10-8=2$. Javob: 2 ta olma qolgan.

Shunday qilib, boshlang'ich sinf o'quvchilarining o'ta nozikligi va o'yin qaroqliklarini e'tiborga olib, o'quituvchilar ularni zeriktirmaslik va toliqtirmaslik uchun interfaol usullarini keng qo'llash maqsadga muvofiq bo'ladi.

Адабиётлар:

1. Alixonov S, "Matematikao'qitish metodikasi" Toshkent.: "O'quituvchi" 2001-yil

2. Bikboeva A.U,Yangiboyeva E,“Matematika 1-4sinflar uchun Toshkent.2003-yil
3. Jumayev M.E., Tadjiyeva Z „Boshlang’ich sinflarda matematika o’qitish metodikasi“ Toshkent. :Fan va texnologiya, 2005, 312bet.
4. N.U.Bikbaeva,R.I.Sidel nikova,G.A.Adanbekova,„Boshlang’ichsinflarda matematika o’qitish metodikasi“ Toshkent.: O’qituvchi, 1996 yil 74-240 betlar
5. Jumayev M.E. Bolalarda matematika tushunchalarini shakllantirish nazariyasi.-T.:“Ilm-Ziyo”, 2005,
6. Jumayev M. „Boshlang’ich sinflarda matematika o’qitish metodikasidan labaratoriya mashg’ulotlari “ Toshkent.: Yangi asr avlodı, 2006,256-bet.

РЕЗЮМЕ

Maqolada boshlang’ich sinf o’quvchilarga matematik masalalarini yechish ko’nikmalarini shakllantirishning dastlabki usullari, imkoniyatlari va o’quvchilar qobiliytlarini rivojlantirish yuzasidan boshlang’ich sinf o’quvchilariga tavsiyalar berilgan.

РЕЗЮМЕ

В статье даны советы учащимся младших классов по начальным методам, возможностям и развитию способностей учащихся к развитию навыков решения математических задач.

SUMMARY

The article gives advice to primary school students on the initial methods, opportunities and development of students’ abilities to develop skills in solving mathematical problems.

**БАСТАУЫШ СЫНЫПТА АНА ТІЛІ ПӘНІН ТИІМДІ ОҚЫТЫП
ҮЙРЕТУДІҢ САПАСЫН АРТТЫРУДА МӘТІНМЕН ЖҮМЫСТЫ
ҮТЫМДЫ ҮЙЫМДАСТАЫРУ**

Мамбеталиев Қ. А.

Ташкент облысы Шырышқ мемлекеттік педагогика институты

Кілтті сөздер: мәтін, әдіс-тәсілдер, ойлау қабілеті, эстетикалық тәрбие, психологиялық күй, ой қозғау стратегиясы, әңгімелу.

Ключевые слова: текст, метод-приёмы, способность мышления, эстетическая воспитания, психологические положение, стратегия возбуждение мышления, разговор.

Key words: text, method-techniques, ability to think, aesthetic education, psychological position, strategy, stimulation of thinking, conversation.

Бастауышта ана тілі пәнін тиімді оқытып үйретудің сапасын арттыру әртүрлі жағдайларға байланысты. Соның бірі – сабакта мәтінмен жұмысты үтімді үйымдастыру. Кез-келген мәтінмен жұмыс жасау үшін, алдымен оның мазмұнын түсіну керек. Бастауышта мәтінмен жұмыстың маңызы – окушылардың ойлау қабілетін арттыруға, сөйлеу шеберлігін қалыптастыруға, адами ізгі, эстетикалық тәрбие беруге, әдеби және тарихи деректерді түсінуге көмектеседі.

1. Мәтін бастауыш сынып окушыларының жас ерекшелігіне, психологиялық күйіне, біліміне лайықтанып алынуы керек.

2. Мәтін тілі женіл, мазмұны окушыны қызықтыратында тартымды болуы қажет.

Бастауыш сыныптарда «Ана тілі» оқулығында мәтін бес түрлі қызмет аткарады.

1) Мәтін окушыға білім береді.

2) Окуға үйрету қурали.

3) Окушының ойын дамытады.

4) Тәрбиелік міндеттерді шешеді.

5) Окушылардың тіл байлықтарын дамытады.

Өмірдегі түрлі оқиғаларды көркем образдар арқылы сөзбен бейнелеу арқылы баланың өмірді нақты түсінуіне септігін тигізіп, коршаган ортаға бейімдейді. Бұл жағдайлар мотін арқылы көрініс табатындықтан мәтіндерге шығармашылық жұмыстар жүргізу барысында әдіс – тәсілдерді тиімді пайдаланған жөн.

Олай болса төменде атальмыш әдіс-тәсілдер көрсетілген.

1. Мәтінмен таныстыру .

Мәтінмен таныстыру барысында мұғалім қосымша материалдарды, көрнекті құралдарды пайдаланып отырады. мәтін мазмұнына сәйкес салынған суреттер, сөз жұмбақтар, тағы баскалар. Дәлірек айттын болсақ, Мысалы, «Ана тілі» окулығындағы Хамза Есенжановтың «Өзен жағасында» атты мәтінімен таныстыруда сабак тақырыбын сез жұмбақ не ребус арқылы шығарып алыш, сосын окушылардың өздеріне; - Өзен жағасы сөзін қалай түсінесіндер? «кармак» дегендеге көз алдарына не елестейді? деген сұрақтар қойып, тірек сұзба арқылы окушылардың ойлау қабілетін дамытуға, ойын жинақтауға, еркін өздігінен сөйлеуге ерік беру керек.

Окушыларды мәтіндермен таныстырудың өзіндік ерекшеліктері болады. Мәтіннің мазмұнын түсіндіру үшінкіріспе әңгіменің маңызы ерекше. Мысалы, алдында келтірілген мәтінді оқымаң бұрын, Ұлы Отан соғысының басталуы, осы соғыста ерлік көрсеткен өзбекстандық жауынгерлер туралы кіріспе әңгіме жүргізгеннен кейін окушылар мәтіннің мазмұнымен танысады.

Мысал ретінде 4 – сынып «Ана тілі» окулығындағы Құдірет Ракметтің «Сауықсан» мәтінін бірнеше бөлікке бөліп оқытуға болады. Туабітті дағдысымен сақтана әрі сұқтана жүретін сауықсан жайында жазылған бөлікті бір балаға, келесі бөлікті “Сауықсанның балапанына сақтық жайлы насиҳаты” деген бөліктеге бөліп оқыту керек.

Әр бөлімді оқып бітіргеннен кейін, бірнеше сұрақтар арқылы оның мазмұны айтылады. Келесі сабакта шығарманың екі – уш бөлімін (қолеміне карај) оқып келу тапсырылады. Бұл әдістің екеуді де пайдалы. Бірінде, окушы оқиғаны аяғына дейін білуге асығып, шапшаң оқуға төсөлтін болса, екіншінде, көркем шығарманы асықпай, онда әңгімеленіп отырған оқиғага жан – жақты мән бере ойланып, түсініп оқуға дағдыланады.

2. Оку барысында түсініксіз сез кездесе қалса, бала оқып түрғанда, мұғалім ол сөздің синонимін айта қояды. Мысалы, оқулықтағы «Сағыныш сазы» шығармасындағы, шаһар – қала. Бірақ баланың окуын тоқтатып қойып, түсіндіруге болмайды. Мәтін аяғына дейін оқылады. Қолемді мәтіндерді сыныпта оқытуға үлгермейді. Оның үстіне мұндай мәтіндерді окуға дайындық ретінде жүргізілетін әңгіме де уақытты қөбірек алады да, окуға уақыт мұлде аз қалады. Мұндай жағдайдан шығудың екі жолы бар.

Біріншісі – мұғалім дайындық мәтінді өзі кітаптан әр жерден үзінді оки отырып айтады; бұл кезде окушылардың кітаптары жабулы болады. Мұғалімнің әңгімесінен кейін мәтін балаларға үйден оқып келуге тапсырылады. Мұғалім үрге тапсырма берген кезде мәтінді басынан бастап аяғына дейін окуға тиис екендігін ескертеді. Өйткені, мұғалім шығарманың мазмұнын айтқан жоқ, дайындық әңгіме ретінде шолу жасады. Окушылар келесі сабакта шығарманың мазмұнын басынан бастап әңгімелегені жөн. окулыққа енген мұндай шығармалардың қолемі ұзақ болғанымен,

мазмұны өте тартымды, тілі оңай балалар оларды өз беттерімен де қиналмай оқи алады.

Мұғалім шолу әңгімесінде тек қана бағыт береді. 4 – сыныптың «Ана тілі» окулығындағы көлемді шығармалар қатарына Керқұла атты Кендебай, Қызғалдақ мәтіндерін жатқызуға болады.

Көлемі шағын мәтін оқылып болғаннан кейін, оның мазмұнын толық та, саналы менгерту көбіне жоспар құрып өкіту және талдау жұмыстары үйімдастырылады. Мұндай жұмысқа окушылардың барлығы жақсы, орташа, нашар оқытындары қатысады.

4-сыныптың «Ана тілі» окулығындағы «Өзен жағасында», «Мұндай да бар», «Таймас», «Сауыскан», деген мәтіндерді бөлімдерге бөліп өкітуға болады. Сондай – ақ, әр бөлімге ат қоюға да болады. Әр бөлімді оқып, талдап болған соң, бірекі окушыға шығарманы тұтас бір рет өкітуудың пайдасы мол. Онда окушылар бір бөлімдегі ойды, екінші бөлімдегі оймен байланыстырып үйренеді. Мысалы, окулықтағы «Сағыныш» мәтінін алып қарасақ, әңгіме үш бөлімнен тұрады. Окушыларға әр бөлімдегі негізгі ойды тауып, бөлімге ат қоюға тапсырма беріледі.

Шығарманы бөлімге бөліп өкіған сайын, сол бөлімге ат қойғыза беруге де болмайды. Ойткені, шығармаға ат қою – күрделі жұмыс. Сондықтан, кай мәтінге жоспар жасау керек, қай мәтінді бөлімге бөліп, бірақ ат қойғызбай өкітуға болады, мәтіннің қайсыларын окушылар өздері бөлімге бөле алады, қайсыларын мұғалімнің көмегімен бөледі – осы мәселелерді мұғалім алдын-ала ойластырады.

Мәтіндерді бөлімдерге бөліп, ат қоюға болатындарын 3 және 4-сынып «Ана тілі» окулығы бойынша топтадық. Олар: «Қызғалдақ», «Ташкент», «Асхат аға», «Менің інім», «Таймас», «Сауыскан». Бұл шығармалардың біразы әрі көлемді, әрі окушылардың түсініүне күрделірек болғандыктан мұғалімнің көмегімен талданады.

3. Мәтін бойынша қорытынды әңгіме

Оқылған шығарманың көлемі қандай болмасын, оны окушылардың қаншалықты менгергенін байқау үшін мұғалім қорытынды әңгіме жүргізеді. Бұл жұмыс та түрлі жолдармен үйімдастырылады. Мысалы 4-сыныпта Әбіш Кекілбаевтың «Тасбақаның шебі» әңгімесін окушылардың білімін бекітуоку мен жазу арқылы сын түрғысынан ойлауды дамыту технологиясының әр түрлі стратегияларын тиімді пайдалануға болады.

Ой қозғау стратегиясы: Тасбақа жайлы не білесіндер немесе не білемін деп ойлайсындар? Серіктесінізбен сол жайлы пікір бөлісіп, талқылап, пікірлесініз. Серіктесініз не білетінін сұрап, ортаға салыныз. Шағын топтарда талдап, орталарынан лидерге сөз берініз. Бұл жұмыс жаңа сабакқа кіріспе ретінде жүреді.

Мағынаны ажырату сатысы: INSERT стратегиясы бойынша жұмыс жасау жолын ескертеп отырып, мәтінді оку барысында карындашпен белгі қоюларын ескертемін.

V – білемін

+ - жаңа білім

— білmedім, түсініксіз

? – таң қалдым, зерттеймін.

Сыныпта v, – екі белгімен жұмыс жүргізіледі де, +, ? белгісі бойынша үйге кесте толтыру тапсырылады.

Ой толғаныс сатысы: Эр топ басшысы және т.б. окушылармен тек сұрақтар бойынша талдау жүргізіледі. Енді тасбақа туралы 5 жолды өлең жазамыз. Окушылар өздерінің авторлық дәптерлеріне өз өлеңдерін жазады.

1. Не? – Тасбақа.
2. Қандай? – Үлкен, коңыр, шегір көзді.
3. Не істейді? – Тарбандаиды, бұғады, тұқшандайды.
4. Жұсандығы тасбақа.
5. Ол – бақыт арқалаған тасбақа т.б. өлеңдерін жазады.

Шағын топтарда жазған өлеңдерін талдау, әр топтан ортага бір окушыға сөз беремін. Жалпы корытынды ойды тақтага ватманға жазамыз.

Мәтіннің мазмұнын ашу, талдау мақсатында жүргізілетін жұмыстар окушылардың оқылған мәтінді тереңірек, санағы менгеруіне жәрдемі тиетін, оқылған әңгіменің мазмұнын толық қамтитындей, жүйелі түрде ойластырыла күрылған, сан жағынан көбірек болып келсе, корытынды әңгімеде мәтіндегі сөйлемдер мен ұғымдарды қайталап, айтқызыатындей емес, мәтіннің кейбір жерлерін салыстыра жауп беретіндей сұрақ болу керек.

Сонымен қатар, шығарманың мазмұнын қорыту барысында ондағы кейіпкерлерге қарапайым түрде мінездеме беру, мәтіндегі көркем сөздер мен сөз тіркестерін талдау, көркемдік қасиеттерін таныту, сол әңгімеге салынған суреттерді карау т.с.с. жұмыстар жүргізіледі.

4. Мәтінде көрсетілген жағдайларды әңгімелу

Мәтіндегі кейіпкерлерге мінездеме беру барысында, оның өмір сүрген ортасына, заманына тоқталуға тұра келеді.

Мысалы, Мұхтар Әуезовтің «Жетім» шығармасындағы әке-шешесінен ерте айрылған кішкентай Қасымға Иса деген ағайыны мен оның әйелінің аяусыз соққысы, үйіне жолатпай құып, сабауы, Қасымның өліміне себеп болуы сол замандағы аяусыз тағдыры бейнелейді. Мұнда окушылар бақтысыз да сорлы өмірмен санағы түрде танысады. Мұндай шығармалар әділесіздік пен зорлыққа деген қарсылықтарын білдіруге, қайрымды да кішіпейіл болуға жетелейді.

Кортындылай келе, ана тілі сабағында мәтін және мәтінді дұрыс түсіндіре білу бастауыш сынып окушысының сөздік қорын байытудың таптырмас құралы деуге негіз бар. Мәтін мазмұнын игерту, талдау сөздік қорды дамытады, ақыл-ой белсенділігін, шығармашылық киялын да арттыруға болады.

Бүгінгі шығармашыл жас үрпақ ертегі ел тізгінің ұстайтын жарқын болашак. Олай болса, болашағымызды сапалы біліммен, өнегелі тәрбиемен сақадай сай қаруландырайық.

Әдебиеттер:

1. Әбдікәрімова Т. Бастауыш сыныпта мәтін арқылы тіл дамытудың ғылыми негіздері мен оқыту әдістемесі. Алматы, 2002.

2. Рахметова С., Әбдікәрімова Т., Р.Базарбекова. Ана тілі. 4-сыныпқа арналған оқулық. Алматы. «Атамұра». 2011.

3. Бозжанова К. Бастауыш мектепте окушылардың оқу дағдасын қалыптастыру. Алматы. 1989.

4.Львов М.Р., Рамзаева Т.Т., Светловская Н.Н. Методика обучения русскому языку в начальных классах. Москва, 1987.

РЕЗЮМЕ

Мәтін сөйлеу кызметтің барлық түрлеріне үйретудің шын мәніндегі және тиімді негіз болу үшін оқушыларды мәтін материалымен жұмыс істей түрлеріне дағдыландыру кажет, түрлі сипаттағы бірліктермен, яғни сөйлеммен, фразадан тыс бірлікпен, мысалы, мәтіннің мазмұнын айтуда, оны коммуникативті ауызекі монолог пен диалогта қолдануға, сондай-ақ әртүрлі әрекеттер жасауда үйретудің маңызы зор.

РЕЗЮМЕ

Для того чтобы текст стал реальной и эффективной основой обучения всем видам речевой деятельности, необходимо привить учащимся навыки работы с текстовым материалом. Большое значение имеет обучение связям с различными по характеру единицами, то есть предложением, единством вне фразы, например, произношению содержания текста, его использованию в коммуникативном устном монологе и диалоге, а также совершению различных действий.

SUMMARY

In order for the text to become a real and effective basis for teaching all types of speech activity, it is necessary to instill in students the skills of working with text material. It is of great importance to learn how to communicate with units of different nature, that is, a sentence, unity outside a phrase, for example, pronunciation of the text content, its use in a communicative oral monologue and dialogue, as well as performing various actions.





ФИЗИКАЛЫҚ ТӘРБИЯ ХӘМ СПОРТ

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СОҲАСИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛарнинг аҳамияти

Махмудов В.В.

Тошкент ирригация ва қишилоқ хўжасалигини механизациялаши мухандислари институти “Профессионал таълим ва жисмоний маданият” кафедраси асистентни

Таянч сўзлар: инновация, жисмоний тарбия ўқитувчи, технология, фаолият, ташкил этиши, назорат қилиш, баҳолаш.

Ключевые слова: инновации, учитель физкультуры, технология, деятельность, организация, контроль, оценка.

Key words: innovation, physical education teacher, technology, activity, organization, control, assessment.

Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда - Концепция) жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишнинг мақсади, вазифалари ва узок мuddатли ривожланишининг асосий ўйналишларини белгилаб беради, жумладан:

о 2025 йилга келиб мамлакат аҳолисининг саломатлик даражасини яхшилашга эришиш;

о болалар-ўсмиirlар спорт мактаблари сонини ва спорт таълими муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларни молиявий таъминлашнинг самародорлигини ошириш;

о жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланадиган фуқароларнинг, ўқувчи ва талабаларнинг умумий сонини ошириш;

о давлат органлари, корхона ва ташкилотлар ходимлари ҳамда ахоли ўртасида турли оммавий спорт тадбирларини ташкил этиш орқали аҳолининг ҳаftалик характеристикаларини оширишга эришиш;

о Ўзбекистон спорт терма жамоаларининг Олимпия ва Паралимпия ўйинлари, жаҳон, қитъа спорт мусобакаларида мувваффақиятли иштирок этишини таъминлаш;

о спорт таълими муассасаларида тренер ва мутахассисларнинг сифат таркибини, хусусан олий маълумотли ходимлар сонини босқичма-босқич ошириш;

о ёшларни тарбиялаш ва уларнинг бандлигини таъминлашда «таълим муассасалари - спорт мактаби - олий спорт» тамойилида узвийлик тизимини ҳамда машғулот

ва іқтідорли спортчи-ёшларни саралаш жараёнини босқичма-босқич амалга ошириш;

о спорт соҳасида бошқа замонавий усуллар ва йўналишларни жорий этиш;

о давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш ҳисобига жисмоний тарбия ва спорт тизимида рақобат мұхитини яратиш;

о спорт тури билан мунтазам равишида шуғулланиб келаётган ва спорт мусобақаларида доимий равишида иштирок этувчи спортчилар ягона маълумотлар базасини шакллантириш мақсадида спорт паспортини жорий этиш ва мунтазам равишида юритиб бориш тизимини қўллаш;

о ёшлар таълим-тарбияси учун кўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббусни амалиётта татбиқ этиш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида фаолият кўрсатишининг жозибадорлигини ошириш мақсадида спорт таълими муассасалари мутахассис ва ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш, моддий рагбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш даражасини босқичма-босқич ошириб бориши

Жисмоний тарбия – соф спорт мусобақаларидан иборат бўлган жараёнгина эмас, балки ушбу тарбия орқали ёшларда ахлоқийиродавий хислат ва фазилатлар таркиб топтирилишидир. Жисмоний машқларни бажариш давомида ёшларда ирова, тезлик, чаққонлик, чидамлилик тарбияланади, уларнинг соғлиги мустаҳкамланади, иш қобилиятлари, аклий фаоллиги оширилади, жасурлик, ҳалоллик, қатъйлик, мустақиллик каби ахлоқий хулқ меъёрлари таркиб топади, етуклик сари қадам ташланади. Жисмоний тарбия дарсларида ўқитувчи ҳар томонлама етук: чинккан, соф фикрли, мард, саботли, катъиятли, келажакда Ватанни ҳимоя кила оладиган шахсларни камол топтиришни ўз олдига максад қилиб қўяди. Шу нуктаи назардан, бўлгуси жисмоний тарбия ўқитувчиларининг фаолиятини инновацион ташкил қилиш, таълим-тарбия мазмунини янгилаш ва бойитиш мухим аҳамият касб этади. Таълим жараёнини ривожлантириш билан биргаликда ҳозирги кун талаблари олдида турган долзарб масала – бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини назарий ва амалий жиҳатдан инновацион фаолиятга тайёрлаш, ёш авлодни жисмонан тарбиялашда самарадорликка эришишдир. Зоро, факт жисмонан баркамол, соғлом шахсгина ўзининг интеллектуал, маънавий имкониятларини тўлаконли намоён этиш имкониятига эга бўлади. Шу маънода мамлакатимизда жисмоний тарбия тизимининг тарихий тажрибаларини киёсий-тахлилий ўрганиш, амалий тажрибаларини танқидий мушоҳада қилиш асосида умумлаштириш, жисмоний тарбия ўқитувчиларининг инновацион фаолиятини тўғри ташкил қилиш, унинг истиқболли стратегиясини аниқлаш имконини беради. Бунинг учун мақсадли педагогик тадқиқотларни амалга ошириш зарурати келиб чиқади. Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларига жисмоний тарбия мазмунини илмий асосда ўргатиш, унинг ташкилий ва технологик асосларини модернизациялаш, келажакда ривожланиш тенденцияларини ишлаб чишиш педагогика фани олдида турган долзарб масалалардан биридир. Бунда инновацион фаолиятнинг мақсади жамият томонидан белгиланиши ҳамда унинг натижаси жамият манбаатлари билан боғлиқлиги, ёшларни ижтимоий муносабатлар томон йўллаши, ижтимоий тажриба ортириш учун инсондаги табиий имкониятларни рўybega чиқаришга замин яратади.

Жисмоний машклар хақида айтиб ўтадигон бўлсак- жисмоний тарбиянинг асосий воситаси бўлиб, у тарихан гимнастика, ўйинлар, спорт ва туризм тарзида гурухларга ажратилиб, тарбия жараёнининг воситаси сифатида фойдаланиб келинди.

Жисмоний машк деб, жисмоний тарбия конуниятлари талабларига жавоб берувчи, онгли равишда бажариладиган ихтиёрий харакат фаолиятларининг турли туркуми тушунилади. Бундай харакат фаолиятлари гимнастика, ўйинлар, спорт, туризм машклари сифатида тарихан тизимлаштирилди, усулияти тўпланди ва тўлдирилди.

Жисмоний машкни вужудга келиши тарихан катор дарсликларда (А.Д. Новиков, Б.А. Ашмарин ва бошқалар, 1966, 1979) Ибтидоий жамоа тузуми даврига тўғри келади деб кўрсатилади. Жисмоний машкнинг вужудга келишида объектив сабаб килиб ибтидоий одамнинг корин тўйдириш мақсадида ов килиши, субъектив сабаб сифатида онгнинг шакилланиши деб қаралди.

Ибтидоий куролларни ишлатишни билмаган ибтидоий одам ўз ўлжасини (овини) холдан толдиргунча кувлаган. Бу билан овчи организми катта жисмоний тайёргарликка мухтоҷлик сезган. Жисмоний тайёргарлиги етарли бўлмаганларининг ўзлари овига ем бўлган. Шунга кўра вакт ўтиши билан ибтидоий одамлар овга гала-тала бўлиб чиқадиган бўлдилар.

Маълумки, меҳнат жисмоний куч, чидамлилик, тезкорлик, чаққонликдек инсоннинг жисми (харакат) сифатларининг маълум даражадаги тайёргарлиги, унинг ривожланганлигини талаб қилади.

Тарбия амалиётида, асосан, инсон меҳнат фаолиятида кўллайдиган харакатларини кўпроқ машк қилади. Жисмоний машкнинг ривожланишида диний маросимлар, байрамлардаги ўйинлар, ракслар, ҳарбий фаолиятдаги, санъатдаги онгли равишда бажариладиган ихтиёрий харакатлар восита бўлиб хизмат қилади.

Ўқитувчини инновацион фаолиятга тайёрлашда бир қатор психологик тўсиклар мавжуд. Буларнинг биринчиси – ўқитувчининг ўзи кўнинкан фаолият чегарасидан ташқарига чиқиши жуда қийинлиги, яъни ўқитувчиларда ижодкорликнинг етарлича эмаслиги бўлса, яна бир сабаб янги ва номаълум нарсалар ҳар доим одамларда чўчиш ва хавфсирашини келтириб чиқаришидир. Демак, рақобатга қодир мутахассисларнинг янги авлоди, хусусан, жисмоний тарбия ўқитувчиларини тайёрлашда ўз олдига истиқболни кўзлаган вазифалар кўйиб, уларни еча олиш қобилияти, юксак тафаккур маданиятига ҳамда илмий-техник ва ижтимоийсиёсий ахборотлардан мустақил равишда фойдалана олиш хусусиятига эга бўлган кадрларни тайёрлаш кўзда тутилади.

Жисмоний тарбия ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашда қуидаги йўналышлар инобатга олинади:

- янгиликни идрок қилишга инновацион тайёргарлик;
- бўлғуси жисмоний тарбия ўқитувчиларининг Давлат таълим стандартлари (ДТС)да кўрсатилган ўқувчиларнинг эгаллаши лозим бўлган минимал талабларни уларда шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган фаолиятга ижодий ёндашишга ўргатиш;
- ижодкорликка асосланган фаолиятни ташкил қилиш

Бүлажак жисмоний тарбия ўқитувчиси, яъни бугунги кун талабаларини инновацион фаолиятга тайёрлашда куйидаги жиҳатларга эътиборни қаратиши лозим:

- бакалавриатура боскичида таҳсил олаётган талабаларни ижодий-мотивацион йўналтириш, яъни уларнинг ижодий қизиқиши, муайян ютукларга интилиши инобатга олиниши зарур;

- креативлик фазилатларини таркиб топтириш, яъни уларнинг танқидий фикрлаши, баҳо бера олиш қобилияти, мушоҳада юритиш, рефлексияга мойиллигини ўстириш;

- ўз қасбий фаолиятини баҳолашга ўргатиш, яъни ижодий фаолият методологијасини эгаллаш, зиддиятни ижодий бартараф килиш қобилияти; ижодий фаолиятда ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам бериш қобилиягини шакллантириш ва бошқалар;

- талабаларда қатъиятлилик, масъулиятлилик, ҳалоллик, ҳақиқаттўйлик, ўзини тува билиш ва бошқа сифатларни ривожлантириш. Ўқитувчининг инновацион фаолиятни самарали амалга ошириши бир қатор шартшароитларга боғлиқ. Бунда ўқитувчининг турли ҳолатларда рационал вазиятни ўз билим ва илмий фаолияти орқали амалга ошира олиши, ўз-ўзини фаоллаштириши, ўз ижодкорлиги, яратувчилиги мухим аҳамият касб этади, ўқитувчи шахсининг креативлигини шакллантириш имкониятини беради. Бўлгуси жисмоний тарбия ўқитувчисини инновацион фаолиятга тайёрлашда педагогик жамоанинг ўрни катта аҳамият касб этади. Таълим сифатини ошириш жамиятнинг барча жабхаларида ҳаётни яхшилашга олиб келади. Янгилик киритиш таълим сифатини оширишнинг самарали воситаси бўлганлиги учун ҳам ривожланган давлатлар таълим жараёнига узлуксиз янгилик киритишга ҳаракат қиласидар. Кўпгина мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, инновацион жараёнларда таълим тизимида барча бўғинлар иштирок этиши лозим. Аммо инновацион жараёнлар юкоридан пастга караб ҳаракатланса ва бунда ўқитувчи бўйсунувчи, яъни янгиликнинг факат истеъмолчиси бўлиб колса, у ҳолда бу жараён бюрократик тус олади.

Шундай қилиб, бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчисини инновацион фаолиятга тайёрлашда узлуксиз таълим тизимида соғлом ижодий мухитни яратиш, ўқитиш сифатини янги боскичга кўтариш, таҳсил оловчиларнинг дунёкараши, тафаккури, мустақил мушоҳада қилиш қобилиятларини ривожлантириш катта аҳамият касб этади. Инновацияларга таянган ҳолда ўқитувчилар учун янгилик ҳисобланмиш технологиялар орқали дикқатни жамлаш, эркин мушоҳада юритиш, ишончли қарор қабул қилишга эришилади. Инновацион технологиялар ўкув жараёнининг мажмумавий вазифаларини ечишга йўналтирилган бўлиб, ўқитувчи ва таҳсил оловчиларнинг биргаликдаги фаолиятини ифода этади. Улар боскичма-боскич амалга оширилади. Бунда муайян метод, усул ва воситалар асосида самарали бошқариш тизими мақсадга йўналтирилади. Кафолатланган натижা – жисмоний тарбия ҳамда жисмоний ва маънавий етуклик масаласини ижобий ҳал қилишга эришилади.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқбали ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2015. -255-б.

2. Ашмарин Б.А. Биомеханические показатели будущих спортсменов. – М.: «Физкультура и спорт», 2014. –С. 276.

3. Верхощанский Ю.В. Программирование и организация тренировочного процесса. – М.: «Атлант»,

2014. –С. 156.

4. Колтановский А.П. Подготовка квалифицированных спортсменов. – Красноярск: ИФС, 2013. –С. 76.
5. Машарипов Й. Спорт психология. – Самарканд: СамДУ нашр-матбаа маркази, 2013. –98-б.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақола жисмоний тарбия ва соҳасида инновацион технологияларнинг ахамияти ҳақида бўлиб, жисмоний тарбия дарслари мазмунини илмий асосда ташкил килиш, бунда инновацион фолиятнинг мақсади жамият томонидан белгиланиши ҳамда унинг натижаси жамият манфаатлари билан боғликлиги тўғрисида фикрлар баён этилган.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящена важности инновационных технологий в области физического воспитания и организации содержания занятий по физическому воспитанию на научной основе, исходя из того, что цель инновационной деятельности определяется обществом, а ее результаты находятся в общественный интерес.

SUMMARY

The article is devoted to the importance of innovative technologies in the field of physical education and the organization of the content of physical education classes on a scientific basis, based on the fact that the goal of innovation is determined by society, and its results are in the public interest.

ЎҚУВ МУАССАСАЛАРИДА КУРАШЧИЛАРНИНГ ЧИДАМЛИЛИК ВОСИТАЛАРИ ВА СПОРТ ТУРЛАРИ

Ходжанов А.Р.

Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаши муҳандислари институти “Профессионал таълим ва жисмоний маданият” кафедраси доценти

Таянч сўзлар: курашчи, умумий жисмоний тайёргарлик, спорт, психологик тайёргарлик.

Ключевые слова: борец, общефизическая подготовка, спорт, психологическая подготовка.

Key words: wrestler, general physical training, sport, psychological training.

Ҳозирги кунда спорт ижтимоий маъно касб этмоқда. Шу муносабат билан болалар ва ўсмиirlарни спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш, уларда жисмоний куч, тезлик, чидамлилик, чаққонлик ва бошқа шу каби жиҳатларни ривожлантириш бирламчи вазифа хисобланади. Жисмоний тарбиянинг энг яхши воситаси булиб ҳаракатли ўйинлар хисобланади. Ҳаракатли ўйинлар хар қандай ёшдаги болалар шуғуллана оладиган, фаолиятнинг хис-туйгуларга бой туридир. Ўйинлар жисмоний, маънавий, иродавий, ахлоқий сифатларни ривожлантиришга хизмат киласди. Ўйин фаолияти давомида бола мустакиллик, қатъиятлилик, событқадамлик каби хаётий муҳим сифатларни эгаллаб боради. Ўйин таълим ва тарбия воситаси хисобланаб, ўйин фаолияти ёрдамида ёшлар ўзаро муносабатлар ахамиятини англайдилар. Ўйинда уларнинг хар бири ўз имконияти, билимини синайди, ўз кучини билиб олади. Бошқача айтганда, ўйин ақл-идроқ, фикрлаш, ижодий имкониятларни ривожлантиради.

Ўйинларнинг жуда кўп турлари мавжуд бўлиб, ҳаракатли ўйинлар ақлий фаолият, мантиқий фикрлаш, тасаввур, хотира, диккатни жамлаш, тезкор оқилона қарор қабул килиш каби мураккаб жараёнларнинг шаклланишига ёрдам беради. Юксак эмоционалликни таъминлар экан, ҳаракатли ўйинлар организмни мустахкамлаш, унинг чидамлилигини ошириш, шунингдек, ҳаракатларни ўзаро мувофиқлаштириш,

тезкор ориентация килиш, маънавий сифатлар, характернинг иродавий кирраларини тарбиялаш, тартиб-интизом ва ташаббускорликни ривожлантиришга ёрдам беради. Бундан ташқари ҳаракатли ўйинлар катта юклама билан ўтказиладиган машғулотлар билан шуғулланишини давом эттириш учун зарур булган ижобий хис-туйгуларни вужудга келтиради.

Шуни унутмаслик керакки, бир хил кечувчи машғулотлар қизиқишни сусайтиради, спорт маҳоратини оширишга тўсқинлик қиласди, спортчиларда техник ҳаракатларни чеклаб қўяди ва тактик начорликни шакллантиради. Шу сабабли спорт ўйинларини киритиш ўқитишнинг муҳим шартларидан хисобланади. Асосийи шундаки, ўйинлар ўқув-машғулот жараёни олдига қуилган вазифаларни бажаришга ёрдам беради. Ўйинда ўсмирнинг шахс сифатидаги хислатлари намоён булади, унинг жисмоний ва руҳий сифатларини, ақл-идрок, иродасини ривожлантиради. Ўйин ҳарактерни тоблайди ва шакллантиради, қийинчиликларни енгиг ўтишига ўргатади, рақибга хурмат билан муносабатда булишни шакллантиради.

Курашда индивидуал сифатлар жуда муҳим аҳамият якаб этади, буни кўпгина муаллифлар таъкидлаб ўтганлар. Сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, уларнинг аҳамияти анча ошган кўпчилик муаллифларнинг фикрича, кураш мусобақаларини томашабоплигига бўлган талаблар ортиши билан аввал кўлланиладиган тайёргарлик воситаларига муносабат бирмунча ўзгариши лозим.

Беллашувларни олиб бориш суръатини ошириш зарурати мутлақ ва портловчан кучни намоён килишни тақозо этади. Курашчи беллашув бошидан юкори даражадаги тайёргрангандикни намоён килиши керак.

Кўпгина спорт турларида тайёргарликнинг турли воситаларидан фойдаланиш масаласига кўп сонли ишлар бағишлиланган. Аниқланганки, спортчиларнинг тезкор-куч тайёргарлиги даражаси асосий машкларнинг максимал тезлик билан бажарилганидан кейин анча ортди. ушбу сифатни ривожлантиришнинг энг самарали воситаси - бу маҳсус машқлар бўлиб, улар ўзининг асаб-мушак кучланишлари тузилиши ҳамда хусусиятига кўра танланган спорт турининг асосий ҳаракатларига анча яқиндир. Ҳозирги пайтда педагогик амалиётда спортчилар индивидуал сифатларини ривожлантиришнинг ноанъанавий воситалари ҳам кенг кўлланилмоқда. уларга турли хил тренажёр курилмалари ва мосламаларни, ўртача тоғ шароитларини, электр ёрдамида кўзғалтириш услубларини киритиш мумкин.

Адабиёт манбалари таҳлили шуни таъкидлашга имкон берадики, индивидуал тайёргарлиги воситалари ва услубларини янада оқилона тузиш иккита ўзаро боғлиқ ўйналиш бўйича амалга оширилади. улардан бири умумий қабул қилинган, иккинчиси эса ноанъанавий қилинган тайёргарлик воситаларини танлаш ва улардан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ. бу иккита ўйналишга алоҳида эмас, балки комплекс ҳолда, бир-бирини тўлдириб амал қилинади, айниқса олий спорт маҳорати босқичида. бу ерда маҳсус жисмоний сифатларни ривожлантириш учун янги, янада самарали машғулот воситалари тақозо қилинади. адабиёт манбалари таҳлили шундан далолат берадики, спортчилар индивидуал сифатларини такомиллаштириш бўйича вазифаларни олдинга мақсад қилиб қўйишда кўпгина омиллар - спорт тури хусусияти, спортчи ёши ва малакаси, шунингдек, бошқа бир қатор керакли белгилар ҳисобга олинади. шу билан бирга турли вазн тоифасидаги спортчиларга хос бўлган

хусусиятларга етарлича аҳамият қаратилмаган, лекин, асосийси, индивидуал тайёргарлиги бўйича машғулотларнинг режалаштирилиши спортчиларнинг техник - тактик маҳоратининг хусусиятларига мос келадиган адабиёт манбалари йўқ, бу муаммолар, афсуски умуман кўрилиб чиқилмайди ва бу ҳол катта хавотир ўйғотади.

Спортда спортчиларнинг эришган ютуклари даражасини янада ошириш учун машғулот жараёнини бошқаришнинг самарали услубларини излаш фаол тарзда олиб борилади. кўп йиллик спорт машғулоти кичик мактаб ёшидан - дастлабки тайёргарлик босқичидан бошланади. кўпчилик мутахасисларнинг фикрича, дастлабки спорт тайёргарлиги босқичида машғулотларнинг оқилона усулиятини режалаштириш ва ундан унумли фойдаланиш кўп жиҳатдан спортдаги кейинги муваффакиятларни белгилаб беради.

Курашда олиб борилган тадқиқотларнинг кўпчилиги кучлилик, чидамлилик, эгилувчанликни такомиллаштириш муаммоларига, шунингдек, тури вазн тоифасидаги курашчилар жисмоний тайёргарлигининг бошқа алоҳида томонларига бағишиланган. бироқ жисмоний тайёргарлик даражаси, вазн тоифалари ва техник харакатлари жамғармаларида мавжуд фарқларга боғлиқ ҳолда курашчиларнинг индивидуал сифатларини ривожлантиришга қаратилган муайян спорт машғулотлари воситалари ва услубларини аниклаб берувчи тажриба тадқиқотларини учратмадик. шу сабабли бу муаммолар кураш учун долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантириш, болаларни соғлом, баркамол шахс сифатида жамиятда фаолият кўрсатишини таъминлаш учун педагогик нуктаи назардан ёш курашчиларни тайёрлаш масаласи, айникса, муҳим аҳамиятга эгадир.

Курашчиларнинг ёшлигидан бошлаб умумий жисмоний тайёргарлик машқларини бажартиришни бошлаб юбориш ва яна самарали машқлар фонида куч фазилатлари элементини курашчиларнинг кундалик машғулотларига аста – секинлик билан киритиб бориши тавсия этилади.

Миллий кураш юксак куч сифатларини – абсолют куч ишлатишни, куч чидамлилиги (статик ва динамик чидамлилик)ни, тўсатдан ишлатиладиган ва тез – жадал ишга солинадиган куч кувватини талаб қиласди. Курашиш учун юксак даражадаги тезлик – куч сифатлари ҳамда яхшигина умумий чидамлилик (аэробик функция) зарур, чунки курашчиларда яккама–якка олишув вактида сарф килинган энергиянинг бир кисмини таъмин этиш имконини беради. Шунингдек, бу машғулот ва мусобақалар жараёнида курашчилар куч–кувватини тиклаб боришига ҳам ёрдам беради. Миллий курашда тезлик ва куч потенциалида самарали фойдаланишини белгиловчи юксак даражадаги харакатлар координацияси зарур бўлади. Ёш ва ўсмири курашчилар учун куч юкламаларини чеклаб қўйиш, юкламаларни меъёри билан бажартириш тавсия этилади. Курашчиларнинг куч–кувватини ошириши учун оғир атлетикадан амалий максадларда фойдаланиш фойдадан холи эмас.

Каршилиги оширилган, кучни кўпайтирадиган. машқларни бажартириш курашчиларда кучини тарбиялаш воситаси бўлиб хизмат киласди. Кучни кўпайтиришга хизмат қиласдиган машқлар икки гурухга бўлинади.

Ташки каршиликни енгиз билан бажариладиган машқлар: тош кўтариш, шерингининг қаршилиги, резина тортиш, корда югуриш ва бошқалар киради.

Ўз вазни билан оғирлаштириб бажариладиган машқлар: арқонга чикиш, корин

мушакларига доир машқлар, турнирда тортилиш ва бошқалар.

Ёш курашчилар курашнинг янги техник - тактик усулларини эгаллаётган вактида ҳам, бевосита умумий жисмоний тайёргарлик билан ҳам машғул бўлишлари керак. Кураш соҳасидат янги техник усулларни, албатта, комплекс тарзда ўрганиш шарт бу эса кураш техник ҳаракат томонларини ортиқча уринишларсиз, хатосиз ўзлаштиришда самарали фойда беради ва куйидаги вазифаларни амалга оширади:

курашчиларнинг техник – тактик ҳаракатларида ишлатиладиган барча мускул гурухларини куч жиҳатдан гармоник ҳолда мустахкамлаш;

мусобака беллашувда содир бўладиган хилма - хил вазиятларда кучдан оқилона фойдаланиш кобилиятини ривожлантириш;

миллий кураш машғулотидаги аниқ вазиятта қараб, кучни миллий кураш техник–тактик ҳаракатларида ишлатиши билиш кобилиятини шакллантириш.

Курашчиларнинг машғулот жараёни ҳар томонлама бўлмоғи зарур, чунки курашчи бошқа спорт турларидан, ўзи учун керакли жисмоний фазилатларни эгаллашини таъминлайди. Кураш залида ўтказиладиган машғулотлар билан бир қаторда, очиқ ҳавода ҳам машқ килишлар – кросс югуриш, футбол, баскетбол, регби, сузиш машқларини ўтказиш, гимнастика машқларини бажариш ва башқа умумий чидамлиликни, тезлик - куч сифатларини, чаққонликни ўстирувчи чиникишга ёрдам берадиган машқларни ўтказиб туриш курашчиларда юқори натижага эршишни таъминлайди.

Иродавий тайёргарлик - бу курашчига беллашув жараёнда бўладиган қийин вазиятда муваффакиятли курашиш учун усулни қўллаш режасини амалга оширишда ёрдам кўрсатади. Кўпинча шундай бўладики, курашчи беллашув вактида қийин вазиятдан қандай қилишиб чиқиши билмайди, шундай пайтда мураббийларнинг хайриҳохлик билан кўрсатадиган ёрдами, курашчининг қийин вазиятини бартарап қилишининг янги йўлларини топишга кўмаклашади. Рухий тушкунликка тушиб мағлуб бўлган курашчининг ҳолати яъни қўрқиши, оиласидаги эзилганлиқ, ўз кучига ишонмаслиги, баъзи ҳолларда эса курашчи усулни яхши бажара олмаслиги, ёки фикрни бир жойга тўплай олмаслиги, хотирани бутунлай тарқоқлигига боғлаш мумкин. Курашчини рухий тайёрлаш учун курашчини шахс сифатида унинг хусусиятларини айрим жараёнлар ва хусусиятларини сифат ўзгаришларини хисобга олиш чоғида, доимий ўсиш жараёнда олиб қарашни талаб этади. Курашчини психолого-педагогик жиҳатдан ўрганишда мавжуд ўзгаришларнинг тамойиллари, йўналишларини аниқлаш керак. Бу ҳол курашчини факат бугунги кунини эмас балки келажагини белгилайди.

Курашчининг хулк-автори ва унинг машғулотда рўй берадиган ҳамма нарсалардан таъсиrlаниши (мураббийнинг гапларидан, ракибнинг ҳаракатларидан, шовкин, фикрни чалғитувчи бошқа нарсалардан таъсиrlаниши) курашчининг мусобака фаолиятида дикқатнинг қандай турлари устунлик қилишини аниқлашга ёрдам бериб қолмасдан, шу билан бирга дикқатнинг кўргина хусусиятлари: ҳажми, бир жойга жамланганлиги, барқарорлиги, тақсимланиши, кўчувчанлиги қанчалик ривожланганлигини ҳам билиб олишга ёрдам беради. Уларнинг ривожланиши курашчининг мусобака фаолиятини самарали бўлишини таъминлайди.

Курашчининг жисмоний тайёргарлиги спорт машғулотининг муҳим таркибий

қисмларидан бири ҳисобланади ва жисмоний сифатлар - куч, чидамлилик, эгилувчанлик, чаққонлик ва тезкорликни ривожлантиришга қаратилган жараёндир. Алоҳида таъкидлаши лозимки, бундай машғулотлар болаларни рухиятига, қизиқиши таъсир кўрсатар экан.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора – тадбирлари туғрисида. 29.05.1999
2. Закон Республики Узбекистан. О физической культуре и спорте. 27.06.2000.
3. Указ президента Республики Узбекистан. О создании фонда детского спорта Узбекистана. 24.10.2002. №УП 3154.
4. Каримов И.А. Гармонично развитое поколение – основа прогресса Узбекистана. Речь на IX сессии Олий Мажлиса Республики Узбекистана 29.08.1997. – Т.: 1998.- 63с.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақола ўкув муассасаларида курашчиларнинг чидамлилик воситалари хакида бўлиб, курашчиларнинг машғулотларга тайёргарликлари, машғулотларнинг микроцикл, даврийлиги ва мусобака фаолиятидаги холатлар, спорт, кураш йўналиши бўйича амалга оширилаётган ишлар ва тадбирлар хакида ёритилган.

SUMMARY

В статье рассказывается о выносливости борцов в образовательных учреждениях, подготовке борцов к тренировкам, микроцикле тренировок, периодичности и состоянии соревнований, работе и деятельности в области спорта, борьбы.

SUMMARY

The article describes the endurance of wrestlers in educational institutions, the preparation of wrestlers for training, the microcycle of training, the frequency and state of competitions, work and activities in the field of sports, wrestling.

Т. Н. Қары Ниязий атындағы Өзбекстан педагогикалық
илим-изертлеу институтының Ж. Орынбаев атындағы
Қарақалпақстан филиалы

**«МУҒАЛЛИМ ҲӘМ ҮЗЛИКСИЗ
БИЛИМЛЕНДИРИҮ» № 6**
Нөкис — 2021

Басып шығыўға жуўапкер:

A. Тилегенов

Баспаға таярлаған:

A. Тилегенов, Н. Абдукаримов

Оригинал-макеттен басыўға рухсат етилди 5.11.2021. Форматы 60x84^{1/16}

«Таймс» гарнитурасында офсет усылында басылды.

Шәртли б.т. Нашр. т. Нусқасы 2000. Бүйүртпа №

«NISO POLIGRAF» ШК босмахонасида босилди.

Тошкент ш., X. Бойқаро, 51